



Гулчехра МАТКАРИМОВА,  
юримик фанлари доктори, профессор



# АЁЛНИ ЭЪЗОЗЛАНГ

Давримизнинг асосий хусусиятларидан бири шундаки, давлатлар ва халқлар ўртасида ҳамкорлик кучайиб бормоқда.

Афсуски, бу жараёнда одам савдоси, яъни турли алдов йўллари билан одамларни ўзга давлатларга олиб чиқиб кетиш, уларни зўравонлик ва тазйиқлар остида сақлаш, бир сўз билан айтганда инсон ҳуқуқларининг поймол қилиниши халқаро миқёсдаги долзарб муаммога айланди. Ачинарлиси шундаки, аксарият ҳолларда ушбу "савдо-сотиқ" қурбонлари аёллар бўлишмоқда. Бунинг асосий сабаблари, энг аввало ҳуқуқий маданияти паст бўлган аёлларнинг ўз ҳуқуқларини тегишли даражада ҳимоя қила олмасликлари, уйдаги, оиладаги зўравонликлар ва айрим ҳолларда аёлларга эркакларга нисбатан паст назар билан қарашларнинг мавжудлиги ва шу қабилардир.

Аёл — келажак бешигини тебратувчи, аёл — гўзаллик тимсоли, аёл — инсоният давомчиси, аёл — бу — она, опа, сингил. Ҳа, унинг фазилатлари тўғрисида соатлаб гапириш мумкин. Неча-неча шоирлар у учун қасидалар ёздилар, ёзувчилар унга атаб асарлар битдилар, рассомлар эса унинг гўзаллиги ва мафтункорлигини илҳом париси тимсолида кўрдилар. Ҳаётни аёлсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Хўш, айтинг-чи, ҳозирда баъзи кимсалар аёллардан пул топиш объекти сифатида фойдаланишмаяптими, аёллар алдов ўргимчагининг ёлғон тўрига тушиб қолишмаяптими?

Аёллар ҳуқуқлари — бу қимматли мезондир, у "инсон ўлчови"ни нафақат давлатга, ҳуқуққа, қонунга, қонунийликка, ҳуқуқий тизимга нисбатан, балки фуқаролик жамиятига нисбатан ҳам қўллаш имкониятини беради, чунки фуқаролик жамиятининг етуклиги ва ривожланганлиги аёллар

ҳуқуқларининг жамиятдаги ҳолатига, ўрнига ҳам бевосита боғлиқдир. Агар мамлакат аҳолисининг ярмисини ташкил этадиган аёллар ўзларининг оддий ҳуқуқларини билмасалар, демократик асосларга эга бўлган жамият тўғрисида гапириш мумкин эмас.

Келинг, дунё бўйича тўпланган айрим статистик маълумотларга тўхталиб ўтайлик:

- мактабга қатнамаётган 100 миллион боланинг тахминан 60 фоизидан кўпрогини қизалоқлар ташкил этади;

- ҳар йили икки миллион қиз ва аёллар жинсий аъзолари билан боғлиқ операциялар туфайли мажруҳ бўлиб қоладилар;

- ҳисоб-китобларга қараганда, ривожланаётган мамлакатларда 450 миллион катта ёшдаги аёллар ёшлик чоғлариданоқ тўйиб овқатланмаганлиги оқибатида ривожланишдан орқада қолган;

- ҳомиладорлик ва туғиш билан боғлиқ саломатлик муаммолари ҳар йили қарийб 146 минг ўсмир қизалоқни ҳаётдан олиб кетади;

- бутун дунё бўйича, ўз ҳаётлари мобайнида ҳар уч қизалоқдан биттаси калтаклаш ва жинсий зўравонликка дучор бўлган...

Шу каби маълумотларни санайверсангиз адоғи йўқ. Қизиқ савол туғилади: инсон ҳуқуқлари қонунчилик бўйича юксак даражага чиққан ҳозирги даврда нима сабабдан шундай жиддий муаммолар ўз ечимини топмаяпти? Биласизки, БМТ Бош Ассамблеяси 1979 йил 18 декабрда хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенцияни қабул қилган (ушбу Конвенцияни Ўзбекистон Республикаси 1995 йил 6 майда ратификация қилган). Мазкур ҳужжатнинг 6-моддасида қуйидаги жумлалар мавжуд: "Иштирокчи давлатлар аёлларни

сотиш ва фоҳишаликда ишлатишга қарши барча тегишли чораларни, шу жумладан, қонунчилик чораларини кўрадилар".

Аёллар савдоси ҳозирги кунда бутун дунёда авж олган жиноятлардан биридир. АҚШ Давлат департаменти берган маълумотларга кўра, ҳар йили 700 000 киши, асосан аёллар ва болалар давлатлар худудлари орқали олиб ўтиладилар ва сотиладилар. Экспертлар фикрича, ушбу савдо қурбонларининг фақатгина 2 фоизини эркеклар, қолганини эса ёш қизлар ва аёллар, болалар ташкил этишади.

1949 йилда БМТ томонидан "Инсон савдоси ва учинчи шахслар томонидан фоҳишаликда эксплуатация қилишга қарши кураш тўғрисида"ги Конвенция қабул қилинган бўлиб, бу Конвенция, асосан, аёлларни жинсий эксплуатация қилишга қарши қаратилган.

Сир эмаски, ҳозирги кунда Республикамизда ҳам чет элга "ишлаш"га бораётган аёллар оз эмас. Улар кўпинча Бирлашган Араб Амирликлари, Ғарбий Европа, Россия, Туркия, Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларига чиқиб кетмоқдалар.

Четга чиқишнинг усулларида бири — газета ва журналлардаги эълонлардир. Мисол учун "Чет элда ишга жойлаштирамиз" ёки "Совчи" рукнларидаги хабарлар. Уларда шундай кишини ўзига жалб қиладиган эълонлар борки, баъзи аёлларимиз сохта ваъдаларга ишониб, ўз ихтиёрлари билан фоҳишаликка борганликларини билмай қоладилар. Масалан, яқинда Тошкентда чоп этиладиган адади каттагина газеталаримиздан бири "Совчи-свах" рукнида шундай эълон берди: "Америка, Ғарбий Европа ёки Россия фуқаролари билан оила қуриш, хат ёзишиш ва танишишни истаганлар учун!" Бошқа бир журнал эса чет эл фуқароларининг Ўзбекистонлик аёл ва қизларга уйланиши тўғрисида эълон берди. Тўғри, биз байналмилал оилаларга ҳеч ҳам қарши эмасмиз. Лекин, "уйланаман" дея юртдош аёлимизни чет элга олиб бориб, кейин эса ҳеч нарчасиз кўчага ҳайдаб юбораётган хорижлик эркеклар оз эмас. Ҳеч вақоси йўқ аёл эса ноиложлигидан чет элларда фоҳишалик билан шуғулланишга мажбур бўлади.

"Катта пул тўланадиган иш" қидириб Япония, Жанубий Корея, Хитой, Россия, Араб Амирликлари ва бошқа ерларга борган аёллар, келинг, кўпи билан ойига 500 долларлик иш топди ҳам дейлик. Лекин бу пул билан у ернинг ҳаёт тарзини ўлчаб бўлмайди. Яъни бу пул овқатланиш, кийим-кечак, майда-чуйда харидларга ва кўп сонли жарималарга (чунки ноқонуний равишда юрган чет эл фуқароларидан турли усуллар билан жарималар олинади) кетса, кўшимча пулни фақатгина фоҳишабозликдан топиш мумкин. Бу ҳақиқат.

Шуни таъкидлаш жоизки, чет элликлар билан оила қуришга жалб этувчи агентликларнинг деярли 90 фоизи фирибгарлар эканлиги аниқланган. Улар қизларни алдаб, чет элга олиб чиқиб сотишади. Россиялик профессор Людмила Ерохинанинг

таъкидлашича, Владивостокдаги шундай иш билан шуғулланувчи фирмалар ҳар бир аёлни ўртача 6 000-7 000 доллардан сотиб юборишган.

Бундан ташқари газеталаримизда хорижга ишга жойлаштириш тўғрисидаги эълонларга ҳам кўзимиз тушиб қолади. Уларда юқори иш ҳақи ваъда этилади. Қизиги, асосан 18 дан 35 ёшгача бўлган аёлларни ишга таклиф этишади. Даллоллар, яъни воситачилар (чунки айнан улар кўнгириқларга жавоб беришади ёки номзодлар билан кўришишади) талабгорларнинг тил билишига ёки маълум иш бўйича малакага эга эканликларига қизиқишмайди, балки улар аёлларнинг бўйига (170 см.дан паст бўлмаган), оғирлиги (асосан, озгинлар олиниши), кўз ва соч рангига, стандарт ўлчамларига эътибор беришади.

Мантқан ўйлаб қаралганда, бу қизларни ва аёлларни очикдан-очик фоҳишаликка жалб этишдир.

Пул кетидан қувиб, ўз юрти қолиб, ўзга юртларда сарсон-саргардон кезган аёлларимиз нафақат ўзлари азият чекишяпти, балки ОИТС ва турли ВИЧ касалликларини орттириб келиб, бошқаларга ҳам юқтирмоқдалар.

Турли алдовларга учиб, пул кўзига олов бўлиб кўринаётган аёлларга "Кўзингизни очинг, аёллар, ўз ҳуқуқларингиз ва манфаатларингизни озгина бўлса-да билинг, ўзингизни бунчалар қадрсиз қилишларига йўл қўйманг!" дегинг келади.

Айни пайтда одам савдосига қарши кураш олиб боришнинг барча масъулияти фақат ҳукумат органлари зиммасига тушиб қолмаслиги лозим. Бу борада нодавлат ташкилотларининг давлат билан ҳамкорлиги катта нитижалар бериши шубҳасиз. Жумладан, пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган "Istiqbolli Avlod" маркази саъй-ҳаракатлари туфайли, тегишли ваколатга эга давлат органлари кўмаги ва иштирокида инсон савдосининг 940 қурбони Бирлашган Араб Амирлигидан, 230 қурбони Исроилдан, 55 таси Қозоғистондан, 27 таси Россиядан, 30 га яқини Туркиядан ва 20 дан кўпроғи Таиланддан ўз она юртларига қайтарилди.

Республикамизда аёллар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича бир қатор халқаро ва миллий механизмлар яратилган бўлиб, ЎзР Оила кодексига, ЎзР Меҳнат Кодексига, ЎзР Жиноят Кодекслари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда аёлларнинг ҳуқуқлари мустаҳкамлангандир. Қонунчилик соҳасида аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида жиддий ютуқларга эришилаётир. Жумладан, республикамизда Одам савдосига қарши курашиш бўйича идоралараро комиссияси кенг кўламли фаолият кўрсатмоқда. Айни пайтда аёлларнинг камситилишини, уларга нисбатан зўравонликни тугатиш — жамият тараққиётининг муҳим шарти эканлигини ёддан чиқармаслигимиз лозим. Бу нафақат ҳуқуқшунослар ёки ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ходимлари, балки барча-барчанинг бурчидир. Ана шунда биз истаган мақсадимизга эришамиз, яъни аёл тўлақонли равишда жамиятда ўз ўрнини топади. Энг асосийси эса инсонлар савдосига бутунлай чек қўйилишида катта қадам ташлаган бўламиз.





Мирнӯлат МИРЗО

# Ёшилгилни эсга солдинг, көрбўрон



**АЛИШЕР НАВОЙЙ**

Мен ушоқ бир зотман тарих олдида,  
Сира мангуликни қилмасман даъво.  
Ахир, мангулик бу — миллат қалбида  
Яшамоқдир дунё турғунича то.

Бор экан токи зулм, токи қабоҳат,  
Инсон юрагини тарк этмагай шеър.  
Асрлар қабридан соғу саломат  
Сиз чиқиб келасиз, устоз Алишер!

Жаҳон шоирлари турса гар қатор,  
Уларга сиз мудом сардорсиз, бошсиз.  
Бу кун юрагимда гурурим бисёр,  
Ўзбек манглайига битган кўёшсиз!

Қалблар нурга тўлсин — шу буюк матлаб,  
Юксалар улугдан улғуни олган...  
То маҳшиар эҳтиром топса, не ажаб,  
Битта байтингизнинг мағзин чақолган!

Нафедан чайқалганда замон — тўрт  
тараф,  
Сизни жалб этолди на тожу на тахт.  
Сизга мухлисликнинг ўзи бир шараф,  
Сизни англамоқнинг ўзи ҳам бир бахт!

**ЗОМИН ИЛҲОМЛАРИ**

Сузиб қордай тоза ҳислар наҳрида  
Маҳзун юракларни яйратай деб шан,  
Юксак ва барҳаво тоғлар бағрида  
Шоирлар туздилар гўзал анжуман.

Пешвоз чиқса ҳамки мағрур чўққилар,  
Не тонг, менинг кўнглим этолмади ром.

Қирлардан энаркан кумуш ёл сувлар,  
Туймадим мен бундан заррача илҳом.

Жарангос солди-ю тонгинг нурлари,  
Йўғира билмади шеърга тилимни.  
На дожувард осмон, на тоғ гуллари  
Оча олди менинг баҳри дилимни.

Ё раб! Ногоҳонда ёришди қалбим,  
Чекинди дилимдан дилгирлик бадхў.  
Кўнглим хувиллаган кўйи — бир маврид  
Сенинг кўзларингга келдим рўбарў.

Беҳишт эпкинини тўйдим шу онда,  
Тугади мен учун мубҳам бир финоқ.  
Кўзларинг ажиб ўт ёндирди қонда  
Оху кўзларидан боқиб маъсумроқ.

Таибеҳлар қўзгади латиф қад-бастинг,  
Кўксингдан чўққилар олмишди фусун!  
Қисматга бедад шукурлар айтдим  
Менга шу айёмни бергани учун!

Боқдим жылғаларга — бунчалар дилдор,  
Осмон эса бунча юксак, зангори!  
Туйғулар баҳи этди қалбимга бисёр  
Ҳар битта чечакнинг мунис рафтори!

О, эдим ахир мен мунглиг, забун, лол,  
Шукуҳсиз руҳимдан ўксиганим рост...  
Термулдим дунёга мен тагин хушхол,  
Шоирга айландим сен боис хассос!

**СЕВГИ АФСОНАСИ**

Олис, мўжаз қишлоқда  
Яшар эди бир сулув.

Шўхлиги юракларда  
Уйғотарди завқ-ғулу.

Мурғак кўнгли ошуфта  
Шаршиаранинг сасига.

Рақсга тушиб кетарди  
Сойнинг чилдирмасига.  
Баҳор ювган маҳаллар  
Кўҳна тоғнинг губорин,  
Кокили тўзғитарди  
Чўққилар кумуш қорин.

Кўйдирди не-не қалбни  
Ундаги шўхлик-нозлар...  
Лекин бир кун қишлоққа  
Кириб келди дорбозлар.

Шунда сулув юраги  
Тўйди отаи илк бора.  
Фалакларга жар солди  
Авэсга чиқиб ногора.

Ҳар ёқдан эл йиғилди,  
Юлдузлар ёнди милт-милт.  
Бунча хушқад ва эпчил  
Булутга ёндош йиғит!

Термулар туриб ерда —  
Сулув унга ошиқ-лол.  
Бир самовий шуурдан  
Титради дили алҳол!

Юксакда ўктам дарбоз  
Янги ойдек турар нақ!  
Тоҳ чапдаст ҳиром этар,  
Тоҳ тек қотар муаллақ!



Келтирмоқ қийин бунинг  
Таърифини сўз ила —  
Дорбоз йигитнинг кўзи  
Тўқнашди қиз кўзи-ла.

Ё раб! Бир зум туташди  
Икки масъум дил оҳи.

Ва юраклар тубида  
Учқун ёнди илоҳий.

Не-не суқсур йигитлар  
Урса ҳам оҳлар бисёр,  
Қиз кетди дорбоз билан,  
Бўлиб унга суюк ёр.

Бу не қисмат, не аъмол —  
Келтирди удумга шак!..  
Лекин унинг қалбида  
Туйғулар эди юксак!

Азалдан кўнгли уфққа  
Талпинган эди чоғи.  
Қайтмади — йиғласа ҳам  
Юрагида қишлоғи.

Гоҳ эртакка эврилар  
Оддийгина шу ҳаёт.  
Ким севги деб яшаса,  
Дилида сўнмас баёт!

Олди қизни бағрига  
Ёт манзиллар, бегона...  
Лекин унинг севгиси  
Ҳамон элда афсона.

### ҚОРБЎРОН

Қиш айёми, лекин офтоб чарақлар,  
Қалин қордан эгилганди дарахтлар.

Ташқаридан эшитилар шўх сурон,  
Қий-чув авжда — авжда эди қорбўрон.

Эс-хушимни олиб учди хаёллар —  
Узоқларда қолиб кетган висоллар.

Ёдга тушиди сен-ла кечган пайтларим,  
Менга атаб айтган ўтли байтларинг.

Қиш кўйнида янграр ажиб, шўх сурон.  
Ўйнагандик биз ҳам бир пайт қорбўрон...

Қайдан чорлай энди сени, айт, жоним,  
Сенсиз ўтар кундузларим, оқишомим.

Деразадан ташқарига боқдим мен,  
Сени эслаб, муз юрагим ёқдим мен.

Айт, ҳижронга оташ қалбинг кўндими?  
Севгимизни ёки қорлар кўндими?

Боғ-боғчада янграр бирам шўх сурон,  
Ёшлигимни эсга солдинг, қорбўрон!..

### БОЛАЛИК

Борлиқни ўша кун қучган эди қор,  
Менинг юрагимда — сўнгсиз алам-зор!..

Мотамзода диллар тушиб титроққа,  
Суюкли янгамни қўйдик тупроққа.

Кўз ёшлар юзимни куйдириб оқди,  
Қаршимда уфқлар мунғайиб боқди.

Дарёда товланган янглиғ маржонлар,  
Ўтди кўз ўнгимдан болалик онлар.

Тонглар лабидаги шўх ханда эдим,  
Чунки янгам учун арзанда эдим!

Чулғарди кўксимни сурур ва сеҳр,  
Янгалар меҳри, о, ўзгача меҳр!

Эсимда — ундаги хусн-чиройга —  
Қиёслар ахтариб боққанман ойга.

Қани у кулгулар — мисли қўнғироқ!  
Қани у айёмлар — кундай ярқироқ!

Армон деганлари — тўзган парқуми?!  
Ҳар битта умрнинг поёни шуми?!

Туялди қисматим арзимас рўё,  
Наздимда осмон ҳам қад букди гўё.

Ичимда недандир нолон айрилиб,  
Ортимга чорасиз боқдим қайрилиб.

Болалигим сўнг бор титроққа солди  
Ва у янгам билан қабрда қолди.

\* \* \*

Шаҳарда заррин қор — қишнинг  
дурлари

Оёқлар тагида ётар янчилик.  
Дўрмонда қуёшнинг олмос нурлари  
Оқ қорлар устига тушар санчилик.

Шаҳарда қуёш юз очгани билан  
Қишнинг бирон мўйи қилт этмас ҳатто.  
Дўрмонда музюрак сумалаклар ҳам  
Офтоб рўйин кўриб йиғлар бўғотда.

Қиш зулмати чўкиб тинар-у ишлар,  
Лекин ҳаёт тинмас — ингранар шаҳар.  
Дўрмонда абасдир жаами ташвишлар,  
Само жилва қилар бунда то шаҳар.

### ВАРРАКЛАР

Илк баҳор еллари шарқираб оққан  
серғалаён шаҳар кўчаларида —  
кунботар уфқининг алвон шафағи  
лак-лак булутларни ёндирган дамлар  
оёқлари ерга тегиб-тегмайин,  
чарх уриб экинлар гирдибодида  
варрак сотар болакайлар  
бирам бежирим...

Лекин тўхтамайди автолар бир зум,  
қайрилиб боқмайди бирон йўловчи.  
Ҳайҳот, ҳеч кимсада уйғотмас тугён  
митти қалбларнинг бу ажиб сурури!  
Одамлар баҳорни унутганми ё!  
Унутганми улар ўз болалигин!  
Наҳот нигоҳларга илашмас осмон?  
О, наҳот топилмас бу замин узра  
туғённи соғинган бирорта юрак?



Суронли пойтахтнинг шоҳқўчасида  
ёлғиз тикиламан кенгликлар сари.  
Ва қалқиб кетади юрагим бирдан —  
ҳов баланд бинолар,  
томлар устида  
юксалиб-юксалиб сузар бир варрак!  
Худди ўз шаҳрдан сармаст лочиндек  
қўрқмайин тўш урар осмон қаърига!  
Менинг лоқайд,  
забун,  
ерпарчин руҳим  
ўша варрак қадар юксалар бир он:  
бир зум тубандаги ҳасрат-ғамларни  
Кузатаман ўша кенгликдан туриб.  
О, ўхшар ердаги одамлар бирам



умр бўйи ризқин ахтармоқликни  
шиор қилиб олган чумолиларга.  
Кўтарилинг  
энди юксакликларга,  
жсонга тегмадими бу тубан ҳаёт! —  
дея мен уларга ҳайқиргим келар.

Ҳей, кенгликларда бемисл завқ бор!  
Ҳей, шамоллар озод қўшиғи унда!  
Ким у — орзусини баланд учирган,  
Ким у — юксакларга бунча ишқибоз?!  
Аён, у — димиққан ҳовли эгаси,  
эрмакталаб,  
ҳиссиз бир кимса эмас,  
менинг майса кечган, болалигим!..

Теграмда автолар оқими сўнгсиз,  
қирғоқсиз осмонда қирмиз булутлар  
Судралиб борарлар қўл етгудек нақ.  
Митти жарчилардек бу замин узра  
шамоллар кифтига қўниб бамисли  
варрак сотар болакайлар  
чарх уриб ҳар ён...

Лекин тўхтамайди учқур автолар,  
қайрилиб боқмайди бирон йўловчи...

### ТИРИКЛИК ҚЎШИҒИ

Нажот бўлмасида ётарди бемор,  
Жон талашиб чиқди тун бўйи бедор.

Шивирлади ночор киприклари нам:  
— Армоним йўқ эди тонггача етсам.

Фарзандларим босиб бағримга сўнг бор,  
Васият сўзларим айласам изҳор...

Кўз қирин ташлади дераза томон,  
Оқариб қолганди — ёришиб осмон.

Фикридан ўткарди: — Бунчалар наҳор  
Чиройли бўлмаса... Дарвоқе баҳор...

Бамисоли содир бўлгандек тушда,  
Шу пайт деразага қўнди бир қушча.

Сайради оҳиста: "Чик,  
чирик-чирик..."  
Дегандек кимгадир: "У — тирик,  
тирик..."

Гарчи ҳолсиз эди, гарчи  
бемадор,  
Ёстиқдан бошини кўтарди  
бемор.

Кўкси тўла эди ҳасрат-  
армонга,

Энтикиб термилди қушча томонга.

Яна сайради у: "Чик.... чирик-чирик..."  
Дегандек кимгадир: "У — тирик... тирик..."

Қаддин тикди бемор, келиб ўзига  
Ва термилмоқ бўлди қушча кўзига.

Қушча ҳам боқди-ю ташна нигоҳга,  
Қувончидан тошиб, қўнди бир шохга.

Бемор яқинлашиб дераза томон  
Нигоҳи-ла қушни ахтарди гирён.

"Нечук ҳолатдир бу — тўшми ғаройиб..."  
Қушча қайларгадир бўлганди гойиб.

Шохларга термилди — бўртмиш куртаги,  
Аланечук урди бемор юраги.

Унинг хабари йўқ — чекинганди қиш,  
Ҳовли четларида майса урмиш ниш.

Хуш экин қитиқлаб ўтди димоғин,  
Шивирлади: "Етар дардлар чекмоғим..."

Кўнглидаги зулмат йитди-йўқолди,  
Ажиб умидлар-ла йўғрилди қалби.

Вужуди қайтадан куч-бардош тўйди,  
Шу аччиқ ҳаётни қайтадан сўйди.

Унга гуллар ваъда айлади боғлар,  
Қошига чорлади шиша ранг тоғлар.

Булоқлар зилолим-сен учун деди,  
Осмонлар ҳилолим-сен учун деди.

Пажмурда бир юрак тўлди баётга,  
Қушлар ўтиб, бемор қайтди ҳаётга.

Баҳор тошдирганда завқин-ҳайратин,  
Эслайди у ҳар гал қушча сувратин.

Тонглар куй-сасидан ахтарар уни,  
Гуллар гўшасидан ахтарар уни.

Кезаркан боғларни ошуфта ҳар он,  
Қушчага раҳматин айтмоқ бир армон...

### ГУЛБАҲОР

Ҳаёт деганлари шумикан, эҳ вой,  
Ғамлар қовжиратиб борар жисмингни...  
Сен қузга кўнглингдан нега бердинг жой,  
Гулбаҳор қўймишлар, ахир, исмингни!

Йиллар кечди бир-бир — биз кўришмадик,  
Рухинг чаманига учқунламиш қор!  
Изгири термилса сенга беҳадик,  
Унда сенинг исминг нега Гулбаҳор!

Ҳасрат гулхан ёқар инсон қалбида,  
У бирдек ёндирар очнио тўқни.  
Айтгин, юзи шувут қисмат олдида  
Сенинг исмингнинг ҳеч қиммати йўқми?

Чорасиз ангизда ёндим бетоқат,  
Кўриб мен ёш кўнглим ғамга ёрлигин...  
Ўтингум — барини унутгин фақат,  
Унутма исмингнинг Гулбаҳорлигин!





*Фафур ШЕРМУҲАММАД*

# ТАЪЗИЯДАГИ ТҶЙ

*Жиддий комедия*

## Иштирок этувчилар:

**Тиркаш бува**

**Тўхтаҳон хола** — Тиркаш буванинг кампири

**Нурмат фаол** — қишлоқ кайвониларидан

**Норча** — қишлоқ кайвониларидан

**Қулмурод** — Тиркаш буванинг ўғли

**Малоҳатхон** — Қулмуроднинг хотини

**Қодир темирчи** — Тиркаш буванинг дўсти

**Серкабой** — ёлланма Ҳассақашлар гуруҳи раҳбари

**Болта** — хашаки қассоб

**Сабоҳат савдогар** — бозорчи хотин

**Бойдангал** — қишлоқ бойларидан

**Бердимурод** — қишлоқ гўркови

**Толмас ғассол** — мурдашўй

**Комил, Сафар сариқ**, ҳассақашлар, икки-уч нафар хизматчилар

*Воқеалар катта шаҳарлардан бири яқинидаги Тепақишлоқда, Тиркаш буванинг ҳовлисида содир бўлади.*

## БИРИНЧИ ПАРДА

### Биринчи кўриниш

*Тиркаш буванинг ҳовлиси.*

*Малоҳатхон ўчоқбошида куймаланаяпти. Аллақаерлардан хотин-халажнинг аламли дод-фарёди элас-элас эшитилиб турибди.*

*Ҳовлига каттагина тугун кўтариб кирган Тўхтаҳон хола дарвоза олдидан мажолсиз ўтириб қолади.*

**Тўхтаҳон хола:** Вой, жоним-ей. Йўлда ўлиб-нетиб қоламанми деб кўрқувдим... Малоҳат, ҳой Малоҳат!

**Малоҳатхон:** Лаббай, ойижон?

**Тўхтаҳон хола:** Тезроқ олинг манави тоғора ўлгурни!

**Малоҳатхон:** (унинг қўлидан тоғорани ола туриб). Бунча оғир?

**Тўхтаҳон хола:** (чуқур тин олиб). Садағаси кетай, Қулман буванинг таъзия оши баракали бўлди. Ҳеч кимнинг тоғораси бўш қайтмади.

**Малоҳатхон:** (Тўхтаҳон холанинг ўрнидан туришига кўмаклашиб). Бунча ошни ким ейди?

**Тўхтаҳон хола:** Аста-секин ейилади-да. Энди сизам бир-икки кун қозонни сувга ташлаб қўясиз.

**Малоҳатхон:** Лекин мен ҳам ошнинг тагини солиб қўйган эдим...

**Тўхтаҳон хола:** Жуда чаққонсиз-да, келин! Бугун қишлоқда таъзия борлигини билардингиз-ку?



**Малоҳатхон:** Сизнинг ош кўтариб келишингиз хаёлимга келмабди. Узр, ойижон...

**Тўхтаҳон хола:** Қилгиликни қилиб қўйиб, яна узр сўрайди!.. Боринг, қозонни ўчоқдан олинг!

**Малоҳатхон:** (*иккиланиб*). Масаллигини нима қиламиз?

**Тўхтаҳон хола:** Совутиб, музлатгичга солиб қўйинг.

**Малоҳатхон:** Хўп бўлади, ойижон.

*Қўлидаги туғунни сўридаги хонтахтага қўйиб, ўчоқбошига югуради.*

**Тўхтаҳон хола:** Бу эсар келинга қачон ақл битаркин. Кимсан — Қулман карвоннинг жанозаси кунни ош дамлаб ўтирса-я! (*Туғунни очиб, тоғорадаги сергўшит ошдан чўқилаганча*). Ошмисан-ош бўлибди ўзиям. Зиғир ёққа дамланган. Гуручим тоза экан... Худо раҳмат қилгур Қулман карвоннинг таъзияси унча-мунча тўйдан зиёд бўлди. Ишқилиб, ҳаммагаям шундай маъракалар насиб қилсин.

*Ҳовлига Тиркаш бува киради.*

**Малоҳатхон:** Ассалому алайкум.

**Тиркаш бува:** Ваалайкум ассалом...

**Тўхтаҳон хола:** Келдингизми, дадаси?

**Тиркаш бува:** (*руҳсиз кайфиятда*). Келдим...

**Тўхтаҳон хола:** Малоҳат, сиз тезда аччиққина кўк чой дамланг. Дадангиз таъзиядан чанқаб келгандир.

**Малоҳатхон:** Хўп, ҳозир.

*Ошхонага кириб кетади.*

**Тўхтаҳон хола:** (*тоғора ўралган дастурхонни кенгроқ ёзиб*). Қулман буваниям сўнгги манзилига кузатишдими?

**Тиркаш бува:** Кузатдик...

*Тиркаш бува офтобада юз-қўлини ювиб белбоғига артинади-да, сўрига чиқиб ёнбошлайди. Тўхтаҳон хола зимдан унга синовчан разм солади.*

**Тўхтаҳон хола:** Сал эртароқ қайтибсизми?

**Тиркаш бува:** Негадир бироз тобим йўқроқ. Мозор бошидан қайтгач, таъзияхонада кўп ўтиролмадим.

**Тўхтаҳон хола:** Таъзия ошидан кўпроқ еган бўлсангиз, лоҳас қилгандир...

**Тиркаш бува:** Қанақа таъзия оши?!.

**Тўхтаҳон хола:** Қулман буванинг...

**Тиркаш бува:** (*жаҳл билан елкасини ёстиқдан узиб*). Таъзия оши эмиш!.. Қаердан чиқди бу гап? Одамларга нима бўлган ўзи? Бу замонда тўй билан таъзиянинг фарқи қолмади! Қулман карвон омонатини топшириб улгурмасдан ўғиллари бир чеккада қўша-қўша қозон осиб, зиёфатга ҳозирлик кўришяпти! Бечора ойлаб тўшакка миҳланиб ётганида бир мартагина келиб ҳол сўрашга ярамаган Нурмат фаол билан Норча ҳаммасига бош-қош бўлиб елиб-югуриб юришибди!..

**Тўхтаҳон хола:** Қулман бува тўқсондан ошиб қазо қилди. У кишининг таъзиясиям бир тўй-да.

**Тиркаш бува:** (*киноя билан*). Ҳа, Қулман карвоннинг таъзияси унча-мунча данғиллама тўйдан

зиёд бўлди! Барака топишсин, ўғиллариям отасининг ўлимини пойлаб ўтиргандай, йиққан-терганларини аямай тўкиб-сочишди. Марҳумнинг устидан сочилган даста-даста пулларнинг ҳисоби йўқ. Қизларининг дод-фарёдидан Султон буванинг ўн йил бурун том битиб қолган қулоқлари очилиб кетди! Устига ялтир-юлтир матола ёпилган серҳашам тобутни кўрган одамнинг ўлгиси келиб қолади!.. Ишқилиб, Қулман карвонния келинчакни ўлан айтиб гўшангага кузатгандай асьаса-ю дабаба билан қабрга қўйиб келдик. Шунча амалларнинг охиратда нафи тегадиган бўлса, ҳозир Қулман карвоннинг руҳи нақ жаннати Найимда ором олиб ётган бўлса керак!

**Тўхтаҳон хола:** У ёғи ёлғиз Яратганининг ўзига аён...

**Тиркаш бува:** Мозорбошидан қайтишда Холиқул сартарош дардини ёриб қолди. "Менам қариб қолдим, эрта-бир кун Худо омонатини олса, ўлигим болаларимга юк бўлади, улар бунақа дов-даска қиламан деб бор-йўғидан айрилади" дейди!

**Тўхтаҳон хола:** Чинданам, Холиқул сартарошнинг ўғиллари қўл учига яшашади. Маърака-маросим уларга оғирлик қилиши тайин.

**Тиркаш бува:** Аҳмоқона бидъат-хурофотларнинг дастидан одам қариганида тинчгина ўлолмайдиган бўлиб қолди!

**Тўхтаҳон хола:** Кўпга келган тўй бу. Сиз минг куйиб-пишганингиз билан одамлар ўз билганидан қолмайди.

**Тиркаш бува:** (*руҳсиз оҳангда*). Ҳа, ҳозир ҳеч ким насиҳатга муҳтож эмас... Менам Нурмат фаол билан Норчага бир-икки оғиз танбеҳ бераман деб балага қолдим. Қулман карвоннинг тўнгичи: "Ота бизники, уни қандай қўмасак — ихтиёр ўзимизда, сиз аралашманг", деб кўпчиликнинг олдида изза қилди.

**Тўхтаҳон хола:** Шу ишга бекор аралашибсиз.

**Тиркаш бува:** Жуда чарчадим... Бироз ётиб дам олмасам бўлмайди. (*Сўридан тушиб, уй томонга юради*).

**Тўхтаҳон хола:** Оч-наҳор ётиб қолманг. Манави ошдан уч-тўрт чўқимгина...

*Тиркаш буванинг ўзига ёмон қараб қўйганини кўриб, тилини тишлайди. Тиркаш бува уйга кириб кетади.*

Бировлар учун куйиб-пишиб нима зарил экан?.. Ҳой, Малоҳат, тезроқ келақолинг. Манави ошни совумасдан еб олинг. Таъзиянинг оши табаррук бўлади.


**Малоҳатхон:** Қорним тўқ, ойижон...

*Ичкаридан гурсиллаган товуш эшитилади.*

**Тўхтаҳон хола:** Дадангиз кўрпа оламан деб тахонни ағдариб юборди, шекилли. Бориб, ўзингиз жой солиб беринг.

*Малоҳатхон Тиркаш буванинг орқасидан уйга киради. Дағфатан ичкаридан унинг "Дадажон!" деган фарёди эшитилади. Яна ош чўқилашга тутинган Тўхтаҳон холанинг томоғига луқма тиқилиб, йўтал тутиб қолади.*





## Иккинчи кўриниш

*Тиркаш буванинг ҳовлиси.*

*Нурмат фаол билан Норча ғамгин қиёфада уйдан чиқиб келишади.*

**Норча:** *(надоматли қиёфада ёшсиз кўзларини ишқалаб).* Тиркаш бувадай одам ҳам ўлар экан-да, Нурмат ака? Э, бевафо дунё!..

**Нурмат фаол:** Ҳа, ҳеч бир бандаси бу фоний дунёга устун бўлолмади. Тиркаш буванинг ҳам куни битгани аниқ. Шу чоққача тилдан қолган одамнинг қайтиб оёққа турганини кўрганим йўқ.

**Норча:** Кўзлари очиқ бўлгани билан нур йўқ уларда! Кечгачаям бормас-ов, нима дедингиз?

**Нурмат фаол:** Мени айтди дерсиз, шомга етмай қайтиш қилади!

**Норча:** Бечора икковимизга бир бошқача термулиб қолди. Қулман карвоннинг таъзиясидаги гаплари учун кечирим сўраб, рози-ризолик тилади, шекилли?

**Нурмат фаол:** Ўша кунги қилиғи учун ўзимча Тиркаш бувадан қаттиқ ранжиган эдим. Лекин ҳозир аҳволини кўриб, кўнглимдаги гина-кудуратлар зумда тутундай тарқаб кетди.

**Норча:** Сиз билан биз элнинг хизматидаги одаммиз. Бундай пайтда кек сақлаб ўтириш бизга ярашмайди.

**Нурмат фаол:** Тўғри айтасиз.

**Норча:** Бечора ҳали яна бирон-ярим йил яшаса бўларди!

**Нурмат фаол:** Тақдирни ўзгартириш бандасининг қўлидан келмайди, Норчавой! Буёғига белни маҳкам боғлаб, бўлажак марҳумнинг маъракасига тайёргарлик кўришимиз керак.

**Норча:** *(чуқур тин олиб).* Эндигина Қулман карвоннинг худойиларидан қутулиб, биров нафас ростлаймиз деб турганда... Бошимизда бу ташвиш ҳам бор экан-да, Нурмат ака?

*Ичкаридан Қулмурод мунғайиб чиқиб келади.*

**Нурмат фаол:** *(уни бағрига босиб).* Ота-она ўлмоғи — мерос, Қулмуроджон. Ўзингни қўлга ол.

**Қулмурод:** *(умидвор оҳангда).* Балки тузалиб кетар...

**Нурмат фаол:** Хафа бўлма, ўғлим, отангнинг жони ёғи тутаган чироқ пилигидай пирпираб турибди. Ҳадемай лип этиб ўчади!

**Норча:** Куни тўлган одамнинг жонига тиргак қўёлмайсан, Қулмуродбой.

**Қулмурод:** Бошим қотиб қолди...

**Нурмат фаол:** Ўксинма, болам. Биз бор эканмиз, Тиркаш буванинг ўлиги кўчада қолмайди. Расм-русумини жойига қўйиб, отангни ўраб-чирмаб кўмиб келамиз!

**Норча:** Элнинг олдида юзингни ерга қаратиб қўймаймиз.

**Нурмат фаол:** Тиркаш буванинг таъзиясини шундай дабада билан ўтказайликки, доврўги етти икклимга овоза бўлсин!

**Қулмурод:** Лекин отам бунақа нарсаларни кўпам хушламасди... У киши тилдан қолишдан аввал: "Мабодо қазо қилсам, таъзиямга каттақишлоқлик Қодир темирчи бош бўлсин, нима қилиш кераклигини ўзи билади", деган эди...

**Нурмат фаол:** Нима?!

**Норча:** Тиркаш бува шундай дедими?!

**Қулмурод:** Ҳа...

**Нурмат фаол:** Буёғи қизиқ бўлди-ку... *(Кутилмаганда дарғазаб қиёфада Қулмуроднинг ёқасига чанг солиб).* Қачондан бери Тепақишлоқнинг ўлигига бегоналар эга чиқадиган бўлиб қолди? Сен ҳали Тиркаш чолнинг жон талвасасидаги талмовсирашларига ишониб, элнинг юзига оёқ қўймоқчимисан?!

**Қулмурод:** *(довдираб).* Йўғ-ей! Бундай фикр хаёлимга келгани йўқ...

**Норча:** *(надомат билан бош чайқаб).* Шу чоққача қишлоқнинг яхши-ёмон кунига бош бўлиб, ҳеч кимни норози қилганимиз йўқ эди. Қайтанга бошқалар бизнинг маъракаларни оғзидан бол томиб мақтаб кетишарди. Тиркаш бува ўлиб, шунча йиллик обрўйимизни бир кунда бой берарканмиз-да! Одамлар бу гапни эшитса нима дейди...

**Нурмат фаол:** Одамлар нима дерди? Тиркаш чолнинг таъзиясига каттақишлоқликлар эга чиқса, ўлигиниям ўшалар кўмсин деб этак силкиб кетишади!

**Норча:** Ҳаммасидан ҳам шуниси ёмон!

**Қулмурод:** *(қўрқиб кетиб).* Мен буёғини ўйламабман! Майли, сизлар нима десангиз шу...

**Нурмат фаол:** *(бироз ҳовуридан тушиб).* Ўйлаш керак, Қулмуродбой! Энди сенам ёш бола эмассан. Ҳадемай бир оиланинг бошчиси бўласан!

**Норча:** Хафа бўлманг, Нурмат ака. Қулмуродбой ҳали ёш, масаланинг бундай нозик жиҳатларига ақли етмайди.

**Нурмат фаол:** Бу гапларни бошқа биров айтганида аллақачон этак силкиб кетган бўлардим. Яхшиям сен Тиркаш буванинг ўғлисан!

**Қулмурод:** Кечиринг, Нурмат амаки.

**Норча:** *(унинг елкасига қоқиб).* Бўпти, Қулмуродбой, сен ичкарига кириб, отангнинг розилигини олиб қолишга тириш. "Ота рози — Худо рози" деб бекорга айтишмаган. Дафн маросими билан боғлиқ ташвишларни бизга қўйиб беравер.

**Қулмурод:** Хўп...

**Нурмат фаол:** Бўшашма! Эл-юртнинг олдида ўзингни кўрсатадиган пайт келди. Отангнинг жанозасини яхшилаб ўтказиб олсак, ундан кейин еттиси, йигирмаси, қирқи, йили бор. Буёғи ҳайитга оз қолди... Э-ҳе, ҳали олдинда қанчадан-қанча маросимлар кутиб турибди. Ҳаммасига белни маҳкам боғлаб туриб беришинг керак.

**Норча:** Отангнинг маъракаларида ҳиммат кўрсатсанг, сен ҳам элнинг қаторига қўшилсан.

**Қулмурод:** Қўлдан келганча...

**Нурмат фаол:** *(нимчасининг кўкрак чўнтагидаги занжирли соатига қараб қўйиб).* Шомгача ҳали анча вақт бор. Ҳозирдан киришсак, ҳаммасига улгурамиз.

**Қулмурод:** *(унга анграйиб).* Нимага улгурамиз?

**Нурмат фаол:** Гўрков-ғассол дегандай... Яна қанча икир-чикирлари бор бу ишнинг!

**Норча:** Қулмуродбой ҳали ўлик кўмишнинг заҳматини қаердан билсин, Нурмат ака?

**Қулмурод:** Борди-ю, отам кечгачаям...

**Норча:** Ташвишланма, Қулмуродбой, қоқоғлаган товуқ тухум туғмай қўймайди!





**Нурмат фаол:** Мободо, отанг кечгачаям омонатини топширмаса, бугунча уйингда меҳмон бўлади. Бир кеча минг кеча эмас! Нима бўлгандаям тайёр турсак ютқазмаймиз.

**Норча:** Фаҳмимча, Тиркаш бува жон таслим қилолмай қийналаяпти. У кишига ёрдам бериб юборишимиз керак!

**Қулмурод:** Қанақасига?!

**Норча:** Мулла Холбозорни айттириб келиб, отангнинг бошида "Ёсин"ни қироат қилдирсак, омонатини Эгасига топшириши осонроқ кечади!

**Нурмат фаол:** Тўғри! Ҳадиси шарифларда ҳам "ўликларингизга "Ёсин" ўқинглар" дейилган.

**Қулмурод:** Ихтиёрингиз! (Уй томонга юради).

**Нурмат фаол:** Норчавой, сиз зингиллаб бориб, мулла Холбозорни олдингизга солиб келинг. Унгача мен ҳам гузарга тушиб, бир-иккита юмушни битириб қайтаман.

**Норча:** Маъқул. Қулмуродбой, сен келинга айт, ҳовлини супуриб-сидириб, тартибга келтириб куйсин. Қара, ҳаммаёқ ивирсиб ётибди!

**Нурмат фаол:** Борди-ю, биз йўғимизда Тиркаш бува чин дунёга сафар қилсалар, ҳаялламай ортимиздан одам жўнат. Уқдингми?

*Қулмурод унга жавоб бермай уйга кириб кетади. Нурмат фаол билан Норча бошлашиб ҳовлидан чиқишади.*

## Парда

## ИККИНЧИ ПАРДА Учинчи кўриниш

*Эрталаб. Малоҳатхон пиқиллаб йиғлаганча ҳовли сукураяпти.*

*Нурмат фаол билан Норча ичкаридан чиқиб келишади.*

**Норча:** (умидсиз оҳангда). Тонг отди ҳамки, ҳеч бир ўзгариш йўқ. Тиркаш чол ўлишни хаёлигаям келтирмай, кўзларини бақрайтириб ётибди.

**Нурмат фаол:** Чинданам, Тиркаш чолнинг жони қаттиқ экан. Унинг ўрнида бошқа биров бўлганда аллақачон исми-расмини жойига кўйиб, "қора уйи"га кўйиб келган бўлардиқ.

**Норча:** Ишқилиб, Тиркаш чолнинг ўлишига кўзим етмай қолди...

**Нурмат фаол:** Ноумид бўлманг, Норчавой. Тиркаш бува ҳам минг дунёдан кўнгил узолмагани билан барибир пешонасига ёзилганидан қочиб қутулолмайди. Ниятни холис қилиб, тезроқ ишга киришайлик. Ҳадемай ғассол, гўрков, гуяндалар келиб қолишади. Сабоҳат савдогарга ҳам бозорликларни эртароқ олиб бор, деб тайинлаган эдим...

*Ҳовлига Болта қассоб пичоқ билан болта кўтариб киради.*

**Норча:** Ана, Болта қассоб ҳам болтасини кўтариб келиб қолди.

**Болта қассоб:** (ёшланган кўзларини енги билан артиб). Жамоат жам-ку.

**Нурмат фаол:** Уйқудан туриб, юз-қўлингни ювганмисан, Болта?

**Болта қассоб:** Юзни-ку ювдик... Лекин "бошоғриқ" қилишга улгурмадик. (Сўрининг чеккасига ўтириб, пичоғини қайрай бошлайди).

**Нурмат фаол:** Ичибсан-да?

**Болта қассоб:** Оқшом Чори гуппиникида меҳмондорчилик куюқ бўлудди... Бошим тарс ёрилай деяпти. Уф-ф... Таъзияда ҳам ароқ беришса нима қиларкин.

**Нурмат фаол:** Тилингни тий, бетамиз!

**Болта қассоб:** (ўрндан туриб). Сўйиладиган жонлиқ қани?

*Шу пайт Қулмурод ҳорғин қиёфада уйдан чиқади.*

**Нурмат фаол:** (умидвор қиёфада). Нима гап, Қулмуродбой?

**Қулмурод:** Ҳеч бир ўзгариш йўқ...

**Нурмат фаол:** Бироз сабр қил. Ҳаммаси яхши бўлади.

**Норча:** Болта қассоб болта-пичоғини қайраб турибди. Кўрангдан биронта семизроқ кўчқорни кўрсатсанг, шартга сўяди.

**Қулмурод:** Кўчқор... Нима учун?

**Нурмат фаол:** Жонлиқни терисидан ажратиб қўйсақ, Тиркаш бува жон таслим қилишлари билан қозонга соламиз. Қабристондан қайтилгач, тобуткашларнинг олдида дастурхон тўшаб, бир косадан шўрва тортиб юборамиз. Одат шунақа.

**Болта қассоб:** Менга сўйиладиган жонлиқни кўрсатинглар.

**Қулмурод:** Лекин уч-тўртта совлиқдан бошқа молимиз йўқ...

**Норча:** Яйловда юрган совлиқ сўқимга ярамайди!

**Нурмат фаол:** Мен анчадан бери битта қора кўчқорни боғлаб боқиб ётган эдим. Ўшани сўяқоламиз. Жанозадан сўнг Қулмуродбой билан нархини келишиб кетаверамиз.

**Норча:** (енгил тин олиб). Ҳимматингизга балли, Нурмат ака!

**Нурмат фаол:** Болтавой, сен тезда бориб, бизникидан кўчқорни олиб кел.

**Норча:** Борақол. Вақт кетмасин.

**Болта қассоб:** Қулмуродбой... (Уни четга тортиб). Уйингизда яримта топилмайдими? Очилгани бўлсаям майли.

*Қулмурод ҳеч нарсага тушунмагандек унга анграяди.*

**Нурмат фаол:** Ҳе, нафсинг қурсин! Ўлик чиқадиган уйда ароққа бало борми?

*Болта қассоб норози қиёфада тўнғиллаганча ҳовлидан чиқади.*



**Норча:** Астағфируллоҳ! Гапини эшитса, илон пуст ташлайди! Болтаси қургур ароқнинг қулига айланиб, увол билан савобнинг ҳам фарқига борма қилибди!

**Нурмат фаол:** Қургур ароқхўр бўлгани билан ўзининг ишига пухта. Бу атрофда ундан ўтадиган қассоб йўқ.

*Ҳовлига кетмон кўтарган Бердимурод киради.*

**Бердимурод:** Ассалому алайкум.

**Норча:** Ваалайкум ассалом. Кел, Бердимуродбой.

**Бердимурод:** Тиркаш буванинг аҳволи қалай, Қулмуроджон?

**Қулмурод:** Кечадан бери ҳуд-беҳуд бўлиб ётибдилар...

**Бердимурод:** Ноумид бўлма, ука. Худо хоҳласа, отанг тузалиб кетади.

**Қулмурод:** Айтганингиз келсин.

*Нурмат фаол билан Норча зимдан Бердимуродга кўз олайтиришади.*

**Бердимурод:** (уларга эътибор бермай). Эй, Тиркаш бувадай одамлар дунёга камдан-кам келади...

**Нурмат фаол:** (нешонасини тириштириб). Ҳозир гап сотиб ўтирадиган вақт эмас! Ундан кўра, тезроқ бориб гўрни ковла. Вақт кетмасин.

**Бердимурод:** Гўр ковлаш-ку қийин эмас. Тиркаш буванинг тупроғи енгил чиқиши тайин. Лекин...

**Норча:** Нима лекин?!

**Бердимурод:** Тирик одамга лаҳад қазिश... бехосият ишми, дейман-да.

**Нурмат фаол:** Бу қишлоқда ҳамма донишманд! Қассобидан тортиб, гўрковигача тепангда гўдайиб туриб, ақл ўргатади!

**Бердимурод:** Сен нима дейсан, Қулмуродбой?

*Қулмурод мадад кутгандек Нурмат фаол билан Норчага термулади, уларнинг вазоҳатини кўриб, ноумид бош эгади.*

**Нурмат фаол:** (иддао билан). Гўрков жавобингга маҳтал бўлиб қолди!

**Қулмурод:** (Бердимуродга). Мен билмайман... Бу кишиларнинг айтганини қилинг. (Шошиб уйга кириб кетади).

**Норча:** (Бердимуродга). Эшитдингми?!

**Нурмат фаол:** Балки ичкарига кириб, Тиркаш буванинг ўзидан ҳам сўраб кўрарсан!

**Бердимурод:** Охири бахайр бўлсин ишқилиб. (Кетишга чоғланади).

*Тўхтаҳон хола уйдан чиқади.*

**Нурмат фаол:** Нима гап, янга?

**Тўхтаҳон хола:** (енгининг учи билан кўз ёшларини артиб). Анча оғирлашиб қолдилар. Кўзлариниям очмай қўйди. Оёқ-қўллариям совуб бораяпти.

**Нурмат фаол:** (Бердимурод гўрковга қолибона қараш қилиб). Эшитдингми?

**Норча:** Сен бу ерда ақлмирзалик қилиб ўтираверсанг, Тиркаш бувани бугун ҳам чиқаролмайдиганга ўхшаймиз.

**Бердимурод:** Қазिश керак бўлса, қазийверамай. Иложимиз қанча.

**Нурмат фаол:** (Бердимуроднинг ортидан). Лаҳадни кенгроқ ол! Тиркаш бува суяги йўғон одам эди, тагин торлик қилиб қолмасин.

**Норча:** (Бердимуроднинг ортидан). Имилламай, тезроқ ҳаракат қил! Тиркаш буванинг қабри асргача тайёр бўлсин!

*Бердимурод уларга жавоб бермай ҳовлидан чиқади.*

**Нурмат фаол:** (Тўхтаҳон холага юзланиб). Бардам бўлинг, янга.

**Тўхтаҳон хола:** (шикаста овозда). Худонинг иродаси шу бўлгач, иложимиз қанча, Нурматжон. Йиғлаб-сиқтаб кўнамиз-да.

**Норча:** (ёшсиз кўзларини ишқалаб). Э, бевафо дунё!..

**Нурмат фаол:** Таъзиянинг файзи хотин-халаж билан дейишади. Сиз ҳам ўзингизни қўлга олиб, тайёргарлигингизни кўраверинг.

**Тўхтаҳон хола:** Менинг қўлимдан нияям келади...

**Нурмат фаол:** Тиркаш бува чин дунёга сафар қилишлари билан аёлларни ҳовлига тўплаб, марсияни бошлайсиз. Сизларнинг фарёдингизни эшитганда сўқир кўздан ҳам ёш келсин.

**Норча:** Қулман карвоннинг қизларига қойил қолдим. Барака топгурлар тонг бўзармасдан йиғисигини бошлаб, майит чиқарилгунча тиним билишмади. Марсиялари юракларни сел қилди.

**Нурмат фаол:** Ҳа, Қулман карвон шунча қизни бекорга тарбияламаган экан. Ўлганида кунига яради улар.

**Тўхтаҳон хола:** Лекин менинг "отам"лайдиган қизларим йўқ...

**Нурмат фаол:** Қизларингиз бўлмаса, келин-кепчик, қўни-қўшни бор. Қулман карвоннинг қизларини ёрдамга чақирсангиз, йўқ дейишмас. Бечоралар ҳалигача ҳовурини босолмай юришибди.

**Тўхтаҳон хола:** Қулман буванинг тўнғич қизи ўша кун қизиқ устида юзини кўпроқ тимдалаб қўйган экан. Газаклаб кетиб, касалхонага тушиб қолганмиш. Кичкиналари келишармикин...

**Норча:** Таъзияда айтиб йиғлашнинг савоби катта. Ўлик бўлса, йиғлайдиган одам топилади...

**Нурмат фаол:** Сўраганнинг айби йўқ, янга. Мободо Тиркаш бува ўлимлигимга деб у-бу нарса жамғариб қўймаганмиди?

**Тўхтаҳон хола:** Йўғ-а...

**Норча:** Бечора Тиркаш бува! Ҳали-бери ўлишни хаёлигаям келтирмаган бўлса керак-да. Юзларга кираман деб умид қилганми...

**Нурмат фаол:** Айтишларича, ажал одамзодга жон томиридан ҳам яқинроқ эмиш. Хоҳлаган пайтида ушлаши мумкин. Ишқилиб, тайёргарлигини кўриб юрган одам ютқазмайди.

**Тўхтаҳон хола:** У киши, "сўнги йўлда шунинг ўзи менга кифоя қилади" деб уч-тўрт газ кафанлик олиб қўйган эдилар...

**Нурмат фаол:** Қуруқ кафан билан охиратга сафар қилиб бўларканми!

**Тўхтаҳон хола:** (чуқур тин олиб). "Элда одат бўлса, кампир, елкамга мин" деган экан кимдир... Бизам кўп қатори қиламиз. Нима кераклигини айтсангиз кифоя.



**Нурмат фаол:** Аввало, янги кўрпа-тўшак керак бўлади. Тиркаш буванинг обрўсига яраша, тобутнинг тўшақлариям тоза матодан бўлсин.

**Норча:** Майитнинг устидан беш-олти хил ялтир-юлтир матолардан ҳам ташлаб кўйилса, зарар қилмайди. Тиркаш буванинг тобути товусдай товланиб, кўрган одамнинг ҳавасини келтирмаса ҳисобмас!

**Тўхтаҳон хола:** Илгариги замонларда...

**Нурмат фаол:** *(пешонасини тириштириб).* Илгариги замонларда одамларнинг қурби етмаган, янга!

**Норча:** Худога шукр, ҳозир замонамиз фаровон. Шундай бўлгач, ўлиқларимизниям ҳар қанча дабада билан дорилбақога кузатсак арзийди.

**Тўхтаҳон хола:** Латта-путта бўлса топилар. Мен бир тахмонни титкилаб кўрай-чи...

*Ҳовлига Серкабой бошчилигида бир хил дўппи, беқасам тўн кийиб, белига шойи белбоғ боғлаган, қўлларида калтак тутган ҳассакашлар киришади.*

**Серкабой:** *(ҳассакашларга).* Тайёрланинлар! Бир-икки-уч... Бошладик! *(Калтакка суяниб, ҳазин овозда марсия бошлайди).*

Мозор йўли андадур, вой онам...

**Ҳассакашлар:**

Вой, онам, вой онам!

*Тўхтаҳон хола ҳассакашларга анқайиб қараб қолади. Нурмат фаол эс-ҳушини йиғиб олиб, Серкабойнинг олдига югуради.*

**Нурмат фаол:** Бас қил! Нималар деб алжираяпсан?!

**Серкабой:** *(унга эътибор бермай).*

Тупроқлари майдадир, вой онам...

**Ҳассакашлар:**

Вой, онам, вой онам!

**Нурмат фаол:** *(Серкабойнинг оғзини ёпишга уриниб).* Жим бўл, товушинг гўрдан чиққур!..

**Серкабой:** *(уни силтаб ташлаб).*

Ширин-шакар онамни, вой онам...

**Ҳассакашлар:**

Вой, онам, вой онам!

**Норча:** *(ҳассакашларнинг атрофида парвона бўлиб).* Овозингизни ўчиринг! Онангиз тирик!..

**Серкабой:**

Энди кўрмоқ қайдадир, вой онам!

**Ҳассакашлар:**

Вой, онам, вой онам!

*Ҳаммаси бараварига:*

Вой онам, эрта кетган жон онам!

**Нурмат фаол:** Фалчалар! Аҳмоқлар!

**Норча:** Томоғинга суяк тиқилгурлар!

**Серкабой:** Онажонимиздан айрилиб қолдик, акажон! Беш ака-ука етим бўлиб, бўгадай бўзлаб қолдик!

*Нурмат фаолни бағрига босганча ҳўнграб йиғлайди.*

**Ҳассакашлар:**

Онам-ов, онам!..

**Нурмат фаол:** Тилинг танглайингга ёпишгур, Серка! Ишнинг пачавасини чиқардинг-ку!

**Серкабой:** *(ҳушёр тортиб).* Нега ундай дейсиз? Таомилга кўра биз марҳумниқига марсия айтиб кириб борамиз!

**Тўхтаҳон хола:** Булар ким?! Онаси қазо қилган бўлса, нега бу ерга келиб дод-вой қилишяпти?

**Норча:** Ҳайрон бўлманг, янга. Бироз тушунмовчилик бўлганга ўхшайди. Сиз бораверинг, ҳозир ҳаммасини тўғрилаймиз.

**Тўхтаҳон хола:** Лекин...

**Нурмат фаол:** *(жаҳл билан).* Тезроқ уйга кириб, янга! Тиркаш акам илҳақ бўлмасин.

*Тўхтаҳон хола орқасига қарай-қарай уйга кириб кетади.*

**Серкабой:** Тинчликми? Ёки марҳума билан бирон бир "чэпэ" содир бўлдими?

**Нурмат фаол:** Нималар деб алжираяпсан, овсар?! Онанга балоям ургани йўқ! Ана, кампиршо тўқмоқдеккина бўлиб юрибди!

**Серкабой:** *(киноя билан).* Демак, ҳассакашларни бу ерга тўйга чақиринган экан-да?

**Норча:** Сизлар онангизнинг эмас, отангизнинг таъзиясига айтилгансиз!

**Серкабой:** Бўлиши мумкин эмас! *(ён дафтарчасини варақлаб).* Хўш-хўш... Ҳа, мана! "20 август. Тепақишлоқ... Аср вақтида чиқарилади... Ҳисоб-китоб — мозорда... Айтиладиган марсиялар рўйхати... "Кийган тўни ялангқат, вой отам..." Минг бор узр. Арзимас техник хато. Ҳозир тўғрилаймиз. *(Ҳассакашларга).* Олтинчи марсия! Авж пардада. Бошладик!

Кийган тўни ялангқат, вой отам,

Жон сақлади омонат, вой отам!

**Ҳассакашлар:**

Вой отам, вой отам!

**Норча:** Бас қилинлар!

**Ҳассакашлар:** Кимга бердинг омонат, во...

**Нурмат фаол:** *(жон ҳолатда Серкабойнинг бўғзига ёпишиб).* Бўғиб ўлдираман сен меровни!

**Серкабой:** Ҳиқ...

*Кўзлари олайиб, Нурмат фаолнинг томоғини омбирдай сиқиб олган қўлларини тимдалашга тушади.*

**Нурмат фаол:** Яна бир марта дийдиё қилсанг, нақ кекирдагингни суғуриб оламан, лаънати! *(Серкабойнинг ёқасини бўшатиб, итариб юборади).*





**Норча:** Бемаҳал қичқирган хўрознинг баҳридан ўтиш керак!

**Серкабой:** Ўху-ўху-ўху... (томоғини силаганча *Нурмат фаолга даҳшат билан тикилиб*). Бу нима қилиқ?! Мен сизга нима ёмонлик қилдим?! Ахир, бу энг "ходовой" марсия... Ҳозир ҳамма таъзияларда шуни талаб қилишади.

**Нурмат фаол:** Марсиянг билан қўшмозор бўлгур, Серка, қанақа галча одамсан?! Сўраб-суриштирмасдан вовайло қилаверасанми?

**Серкабой:** Хатони тўғриладим-ку? Яна нимани сўрашим керак?

**Норча:** Марҳум ҳали ўлгани йўқ, билдингми?

**Серкабой:** Нима?.. Марҳумнинг ҳам тириги бўларканми?!

**Нурмат фаол:** (алам билан). Отаннинг жони омонат эмас, тошдан ҳам қаттиқ экан, Серкабой!

**Серкабой:** Ахир, кеча ўзингиз ўлик тайёр, эртага аср намозидан сўнг чиқарамиз, демаганмидингиз?

**Нурмат фаол:** Кечаги гап бугунга тўғри келмай қолди.

**Норча:** Ўлигимизнинг ҳалиям билинар-билинемас жони бор!

**Серкабой:** Буюғи чатоқ-ку! (*Ҳассакашларга юзланиб*). Отставит! Формалар ечилсин!

*Ҳассакашлар кўз очиб-юмгунча дўппи-тўнларини ечиб, халталарига жойлашади.*

**Нурмат фаол:** (*ажабланиб*). Бу яна нима қилиқ?

**Серкабой:** Биз элнинг хизматидаги одаммиз. Бу ерда бекорчиликдан пашша қўриб ўтирсак, биров раҳмат демайди. Ҳали кечгача бошқа биронтасининг ҳожатини чиқариш насиб этиб қолар.

**Нурмат фаол:** Сен билан бунақасига келишмаган эдик-ку?

**Серкабой:** Сиз билан ўликка марсия айтишга келишган эдик, тирикка эмас!.. Кетдик, йигитлар! (*Кета бошлайди. Ҳассакашлар унинг орқасидан эргашади*).

**Нурмат фаол:** (*Серкабойнинг қўлидан тутиб*). Шошма-шошма, Серкабой!.. Ахир, сен кечгача хизмат қилишга ваъда бергансан. Йигит кишининг лафзи ҳалол...

**Серкабой:** (қўлини тортиб олишга уриниб). Лекин кечгача бу ерда мум тишлаб ўтиришдан бизга нима наф?

**Норча:** Яхши ният қил, Серкабой! Яхши ниятга фаришталар ҳам омин дейди!

**Серкабой:** Менинг вазифам — таъзияда марсия айтиш, бировларга ўлим тилаб дуо қилиш эмас!

**Нурмат фаол:** (*эътирозга ўрин қолдирмайдиган оҳангда*). Нима бўлганда ҳам йигитларинг билан кечгача шу ерда қимирламай ўтирасан! Марсия айтсанг-айтмасанг, келишилган пулни оласан.

**Серкабой:** Мободо, отамиз кечгачаям омонатини топширмаса-чи?

**Нурмат фаол:** Унда эртага саҳар-мардондан шу ерда бўласан! Гап тамом!

**Серкабой:** (*бепарво қўл силтаб*). Менга фарқи йўқ..

**Нурмат фаол:** (*дарвоза ёнидаги қўлбола ўриндиққа ишора қилиб*). Йигитларинг ҳозирча ўша ерда жимгина ўтириб туришсин.

**Серкабой:** Маъқул. (*Ҳассакашларга*). Янги буйруқ бўлгунча дарвоза ёнидаги скамейкада одоб сақлаб ўтирилсин!

*Ҳассакашлар бориб, ўриндиққа тизилиб ўтиришади.*

**Нурмат фаол:** (*безовталанганча кўкрак соатига қараб олиб*). Тавба, вақт бунча тез ўтмаса!

**Норча:** (*журъатсизлик билан*). Соат неча бўлди?

**Нурмат фаол:** Билмаганингиз маъқул... Яхшиси, сиз бирров ичкаридан хабар олиб чиқинг.

**Норча:** Ҳеч оёғим тортмаяпти. Тиркаш буванинг аҳволини кўрсам яна кўнглим бузилади...

*Эркакчасига башанг кийинган Сабоҳат савдогар қўлида машина калитини ўйнаганча бетакалуфлик билан кириб келади.*

**Сабоҳат савдогар:** Салом!

**Нурмат фаол:** (*эҳтиром билан қўл қовуштириб*). Ваалайкум ассалом. Келинг, Сабоҳатхон.

**Серкабой:** (*энсаси қотиб*). Бу "эркаксаби" мослиқ ҳидини олган калхатдек шу ергаям етиб келибди-да!

*Нурмат фаол унга "жим бўл" дегандек ўқрайди.*

**Норча:** Келинг, бойбича, келинг...

**Сабоҳат савдогар:** Бандалик! Илоҳим, Тиркаш буванинг жойлари жаннатда бўлсин! (*Наридан-бери юзига фотиҳа тортиб қўйиб*). Ўлик чиқадиган уй ҳам шунақа жим-жит бўладими? Ҳой, Серка! Нимага шотирларинг тўйга келган келинчақлардек ялпайиб ўтиришибди? Ялқовлик қилмай тезроқ марсияни бошланглар!

**Серкабой:** Афсуски, бунинг иложи йўқ.

**Сабоҳат савдогар:** Бу нима деганинг?.. Ё нархини келишолмаяпсанми?

**Серкабой:** Нархини-ку келишганмиз. Лекин марсия айтишимиз учун мижозимизнинг жон қуши тан қафасини тарк этиб, дорулбақога парвоз этиши керак!

**Сабоҳат савдогар:** Нималар деб валдираяпсан, Серкаси қурғур? (*Бирдан хушёр тортиб*). Тинчликми, Нурмат ака?

**Нурмат фаол:** (чорасиз елка қисиб). Тиркаш буванинг ҳалиям нимсаргина жони бор...

**Норча:** Кечадан бери жони ҳалқумига қалалиб, фарғара қилиб ётибди!

**Сабоҳат савдогар:** Демак, тўйдан олдин томоша бошлаган экансизлар-да?! (*Асабий тарзда чарм камзулининг чўнтагидан сигарет чиқариб тутатади*).

**Нурмат фаол:** Бунақа бўлиши кимнинг хаёлига келибди дейсиз, Сабоҳатхон...

**Сабоҳат савдогар:** Тиркаш чолнинг ўлик-тириги билан ишим йўқ! Кеча сиз билан эркакчасига шартлашганмиз.

**Нурмат фаол:** Ташвишланманг, Сабоҳатхон, бизам сўзимиздан қайтмоқчи эмасмиз. Нима бўлганда Тиркаш буванинг таъзияси қолдирилмайди!

**Серкабой:** (*ўзича*). Афтидан, булар бечора отамизни тириклайин гўрга тиқишдан ҳам тоймайдиганга ўхшайди.



**Сабоҳат савдогар:** Бу бошқа гап. (*Лабидаги сигаретни ерга ташлаб*). Рўйхатдаги нарсаларни келтирдим. Тезроқ машинадан тушириб олинглар. Бозорда ишларим қалашиб ётибди.

**Нурмат фаол:** Серкабой, шотирларингга айт, юкларни шундоқ ҳовлига киритиб беришсин.

**Серкабой:** Биз бу ерга ҳаммоллик қилиш учун келганимиз йўқ!

**Сабоҳат савдогар:** Давангирдай йигитларинг беш-ўн қоп юкни кўтаргани билан узликиб қолмайди!

**Серкабой:** Оғир юк уларнинг овозини бўғиб кўяди.

**Норча:** (*ялинчоқ оҳангда*). Йўқ дема, Серкабой иним...

**Серкабой:** Йўқ дейман!

**Нурмат фаол:** Ноинсоф бўлма, Серкабой!

**Серкабой:** (*бироз иккиланиб тургач*). Майли, савоб учун шу ишга розиман. (*Ҳассакашларга*). Тезда марҳумнинг юклари ичкарига олиб кирилсин!

*Ҳассакашлар итоаткорлик билан таиқарига йўл олишади. Серкабой ҳам уларнинг орқасидан чиқади.*

**Нурмат фаол:** Шу ишга ўзингиз бош-қош бўлинг, Норчавой. Бу бетамизга ишонч йўқ.

**Норча:** Бош устига. (*Шошилинч ҳовлидан чиқади*).

**Сабоҳат савдогар:** "Ҳисобли дўст айрилмас" дейишади, Нурмат ака. Энди икковимиз ҳисоб-китоб қилиб олайлик.

**Нурмат фаол:** Майли-майли... Фақат пулни бир-икки кундан кейин оласиз, синглим. Шу топда ўлик эгаларининг кўнглига ҳеч нарса сигмайди.

**Сабоҳат савдогар:** Гап бўлиши мумкин эмас! Биз маърака-маросимларда насиягайм кўниб кетаверамиз. Одамгарчилик ҳам керак-ку!

*Норча қоп орқалаган ҳассакашларни бошлаб қиради.*

**Норча:** Буларни қаерга кўямиз, Нурмат ака?

**Нурмат фаол:** Ошхонага олиб боринглар!

*Норча ҳассакашларни ошхона томонга бошлайди.*

**Сабоҳат савдогар:** (*митти электрон ҳисоблагичда ҳисоб-китоб қилишга тушиб*). Так-к... Икки юз кило "Авангард" гуручи. Хоразмники. Сабзи, пиёз, картошка... Ҳар биридан тўрт қопдан. Бир центнер шолғом... Шўрвани ширин қилади! Дастурхон кўрки учун мева-чеванинг ҳамма туридан муҳайё қилинган. Жами ўн қути! Писта-бодом, ёнғоқ-майизнинг ҳар биридан ўн беш килодан... Кун иссиқлигини назарда тутиб, "Жаннат роҳати" сувидан ҳам икки юзта келтирдим. Етмаса яна "есть" қиламан. Яна нима эсдан чиқди...

**Нурмат фаол:** Нон-чи?

**Сабоҳат савдогар:** Дарвоқе, нон... Ҳозирча беш юз донасини олиб келдим. Новвойхонам фақат сизнинг заказингиз учун ишляпти. Қолганиям кечгача тайёр бўлади.

*Ҳассакашлар уясига дон ташиган чумолилар галаси каби қатор тизилишиб ҳовлига юк ташишади. Норча*

*ошхонада уларга йўл-йўриқ кўрсатиш билан банд. Шу пайт Серкабой чоғроқ чойнакдай келадиган олмани қарсиллатиб тишлаганча ҳовлига қиради.*

**Серкабой:** Машинадаги юкни кўриб оғзим очилиб қолди. Бунча ноз-неъмат билан нақ данғиллама тўй ўтказса бўлади!

**Сабоҳат савдогар:** (*қўлидаги ҳисоблагичдан кўз узмай*). Бу чилласида чироқ кўрмаганнинг топган гапини қаранглар!.. Хуллас, ҳаммасини қўшиб ҳисоблаганда икки миллион етти юз эллик минг сўм бўларкан.

**Серкабой:** (*ҳайратланиб*). Қанча?!

**Сабоҳат савдогар:** Сен ҳар нарсага бурнингни тикверма, Серка!

**Серкабой:** Ё тавба! Биз ҳассакашлар йил-ўн икки ой тинмай марсия айтсак ҳам бунча пул тополмаймиз. Бу хотин бир ўликнинг ортидан шунча ишляпти!

**Сабоҳат савдогар:** Пул топиш учун кекирдакка зўр беравермай, анави қовоқ каллани ишлатиш керак, Серка!

**Норча:** Ошхона тўлиб қолди! Қолганини нима қиламиз, Нурмат ака?

**Нурмат фаол:** Айвонга тахлай қолинглар!

**Сабоҳат савдогар:** Тиркаш бува кўзи очиклигида мендан ақалли битта игна сотиб олганини эслолмайман. Бозорда дуч келиб қолса, юзини тескари буриб ўтарди, раҳматли. Ниятимиз холис экан, мана, у кишининг таъзиясида хизмат қилиш насиб этиб турибди. (*Хандон отиб кулади*).

**Серкабой:** Демак, Тиркаш бува деганлари увол билан савобнинг фарқига борадиган, диёнагли инсон бўлган экан-да?

**Сабоҳат савдогар:** Сен кўпам тилинганга эрк бераверма, Серка! (*Нурмат фаолга*). Пулни Тиркаш чолнинг еттиси кунни ўзингиздан санаб оламан. Тангачақасигача тахт қилиб қўйинг.

**Нурмат фаол:** Буёғидан кўнглингиз тўқ бўлсин, Сабоҳатхон.

**Сабоҳат савдогар:** Вақт топсам, ҳали жанозага ҳам кириб ўтарман. Элчилик!.. Айтгандай, бу ишни бугундан қолдирманглар. Эртага кимсан — Бойдангал тўй бошляпти! Палакат босиб, маъракангиз шу кунга тўғри келиб қолса, кунингиз бир гала қари-қартанга қолиб кетиши мумкин.

**Норча:** Нега?

**Сабоҳат савдогар:** Ҳозир эси бор одам ноз-неъматлар тоғдай уюлиб, ичкилик дарёдай оқиб ётган базми жамшид турганда, овора бўлиб таъзияга келиб ўтирмайди!


**Нурмат фаол:** Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади, Сабоҳатхон. Сиз нонни тезлатинг.

**Сабоҳат савдогар:** Тандирдан узиб бўлишлари билан бу ёққа жўнатаман. (*Ҳовлидан чиқади*).

**Нурмат фаол:** Сабоҳатнинг гапида жон бор. Шошилмасак бўлмайди.

**Норча:** Шошилганда кўлимиздан нима келарди? Барибир Азройилга гапимиз ўтмайди.

*Ошхонанинг олдидан қоплар уюлиб кетади. Чарчаб қолган ҳассакашлар эгилиб-букилиб зўрға юк ташишади. Ҳовлига Сафар сариқ қиради.*



**Нурмат фаол:** Кечикдинг-ку, Сафарбой? Сен билан нима деб шартлашган эдик?

**Сафар сариқ:** Ҳозир элда нима кўп — тўй билан таъзия кўп. Прокатга стол-стул сўраб келувчиларнинг адоғи йўқ. Ҳалиям Тиркаш буванинг ҳурмати учун эллик комплектини зўрға ажратдим.

**Нурмат фаол:** Яхшисиданми, ишқилиб?

**Сафар сариқ:** Ҳаммаси яп-янги, "Совплас-титал"ники! Тезроқ машинадан тушириб олинглар.

**Нурмат фаол:** Қани, кўрайлик-чи?

*Сафар сариқ билан ташқарига йўл олади.*

**Серкабой:** (уларнинг ортидан). Йигитларимга кўз олайтирманлар! Шундоғам бечораларнинг бўлари бўлди.

*Ҳовлига Толмас ғассол киради.*

**Серкабой:** Келинг, ғассол. Жамоат жам, битта сиз кам эдингиз.

**Толмас ғассол:** Сен ҳам шу ердამисан, Серкабой?

**Серкабой:** Тўйнинг кўрки ўртакаш билан, таъзиянинг кўрки ҳассакаш билан дейишади, ғассол!

**Толмас ғассол:** Нега йигитларинг марсия айтиш ўрнига ҳаммоллик қилишяпти?

**Серкабой:** Бекорчиликдан касбимизни ўзгартиришга мажбур бўлдик. Ташқарига юринг, сизга ҳам иш топилади.

**Толмас ғассол:** Нималар деяпсан, Серкабой? Қанақа иш?

**Серкабой:** Юринг-юринг!

*Толмас ғассолни қўярда-қўймай ташқарига судрайди. Қопларни ташиб бўлган ҳассакашлар ерда мажолсиз ўтириб қолишади.*

## Тўртинчи кўриниш

*Тиркаш буванинг ҳовлиси. Эрталаб. Бир чеккада тартиб билан териб қўйилган чўғдек қип-қизил пластик столларнинг усти турли хил ноз-неъматлар билан тўлдириб ташланган. Ана шу столлардан бирида Серкабой, Толмас ғассол, ҳассакашлар ва яна икки-уч нотаниш йигит жам бўлишган. Серкабой уларга бамайлихотир гап бераяпти. У қандайдир қизиқарли хангомани ҳикоя қилаяпти шекилли, даврада бот-бот қаҳ-қаҳа янграйди. Ошхона тарафдаги ўчоққа осилган дошқозонда шўрва қайнаяпти. Болта қассоб терлаб-пишиб чўмич билан дошқозондаги шўрвани шопираяпти. Ўчоқ ёнида шохдор қора қўчқорнинг калласи, туюқлари ва териси кўзга ташланади. Тиркаш бува ётган уйнинг эшиги ёнига тобут келтириб қўйилган.*

*Узоқлардан карнай-сурнай ва ноғоранинг тўйга чорловчи тантанавор садолари элас-элас эшитилиб турибди.*

*Нурмат фаол, Норча ва Қодир темирчи ўзаро қизгин баҳслашишяпти. Қулмурод бир чеккада шумшайиб ўтирибди.*

**Қодир темирчи:** Шу пайтгачаям дабдабали маъракаларнинг кўпини кўрганман. Лекин тирик одамнинг таъзиясига шоҳона тайёргарлик кўришларига биринчи марта дуч келишим! Яна кимсан, бунақанги бидъатлардан хазар қиладиган Тиркаш бува шу аҳволга тушса-я... Астағфируллоҳ!

**Нурмат фаол:** Сиз аралашманг, темирчи! Ҳар ким томига ёққан қорни ўз қўли билан курайди.

**Норча:** Яхшиси, иззатингизни билиб бир чеккада жимгина ўтиринг.

**Қодир темирчи:** Сизларнинг бу қилингиз сира ақлга тўғри келмайди... Ёки шу йўл билан Қулман карвоннинг таъзиясидаги дашноми учун Тиркаш бувадан ўч олмоқчимисизлар?

**Норча:** Оғзингизга қараб гапиринг! Сиз бизни ким деб ўйлаясиз?

**Нурмат фаол:** (асабийлашиб). Афтидан, сиз Тешақилоқнинг таъзиясида жанжал чиқариш учун келганга ўхшасиз.

**Қодир темирчи:** Қанақа таъзия?! Гўёки Азройил қўлингизга "Тиркаш бува чиндан ҳам ўлади" деган васиқа бериб қўйгандай гапирасиз-а!

**Норча:** Боя ичкарига кирганингизда Тиркаш буванинг кўзига тузукроқ разм солмадингизми?

**Қодир темирчи:** Тиркаш буванинг кўзига нима қипти?

**Нурмат фаол:** (киноя билан). Фаҳм-фаросати жойида одам бир қарашда ҳаммасини тушуниб оларди!

**Қодир темирчи:** (Қулмуродга юзланиб). Ҳеч бўлмаса, сен эсингни йиғ, ўғлим. Тезроқ бу бемазагарчиликларни бас қил.

*Қулмурод мадад кутгандек Нурмат фаол билан Норчага мўлтирайди.*

**Нурмат фаол:** (маъноли томоқ қириб). Буёғи сенга боғлиқ, Қулмуродбой. Каттақишлоқлик Қодир темирчининг гаплари тўғри, десанг биз ҳозироқ кетишимиз мумкин.

**Қулмурод:** (кўзларини олиб қочиб). Яна бироз кутайлик-чи...

**Норча:** (тантанавор оҳангда). Эшитдингизми?

**Қодир темирчи:** Сенинг шунчалик бўшанг эканлигингни билмаган эканман. Аттанг!.. (Қулмуродга ачинганнамо қараб қолади).

**Қулмурод:** (Қодир темирчидан кўзларини олиб қочиб). Мен ичкаридан бир хабар олай-чи. (Шошиб уйга кириб кетади).

*Ҳовлига Бердимурод киради.*

**Нурмат фаол:** (нешонаси тиришиб). Нега келдинг?  
**Бердимурод:** Ўзим шунчаки... Бир хабар олай дегандим.

**Нурмат фаол:** Ҳозирча ҳеч гап йўқ! Бирон гап бўлса, ўша заҳоти олдинга одам жўнатаман.

**Бердимурод:** Майли-ку... Лекин буёғи нима бўлади, Нурмат ака?





**Нурмат фаол:** Нима "нима бўлади?"

**Бердимурод:** Ахир, кечанинг ўзида ҳаммасини тахт қилиб қўйганман!

**Норча:** Кўнглинг тўқ бўлсин, сенам меҳнатингга куйиб қолмайсан. Бўёғи оз қолди.

**Қодир темирчи:** Ҳали сизлар тирик одамга қабр ҳам қовлатиб қўйдингизми?!

**Нурмат фаол:** Сиз аралашманг!

**Бердимурод:** (*Қодир темирчига*). Ўзи, шу ишга ҳеч қўлим бормаган эди. Лекин бу кишилар "тезроқ қовла" деб ҳоли-жонимга қўйишмади.

**Нурмат фаол:** Гапни кўпайтирмай, тезроқ мазорга жўна!

**Қодир темирчи:** (*таассуф билан бош чайқаб*). Ё тавба! Бу одамлар ақлдан озганга ўхшайди...

*Шу пайт ичкаридан Қулмуроднинг "Отажон!" деган фарёди ва аёл кишининг йиғиси эшитилади.*

**Нурмат фаол:** (*ҳаяжон билан*). Ана, ана!.. Мен нима деган эдим!

**Норча:** Ниҳоят, Тиркаш буваям чин дунёга кетди! (*Кўзларидан тирқираб ёш оққан куйи лаб-лунжини йиғиштиролмай Нурмат фаолни бағрига босади*).

**Нурмат фаол:** (*шикаста товушида*). Начора, ўлим ҳақ, Норчавой. Ўзингизни қўлга олинг.

**Норча:** (*кўз ёшларини дастрўмоли билан артиб*). Тўғрику-я... Лекин Тиркаш бувадай одамдан ажралиб қолиш кишига оғир ботаркан. Раҳматли қандай инсон эди-я!

**Нурмат фаол:** Энди биз кўзимизнинг шўрвасини оқизганимиз билан Тиркаш бува тирилиб келмайди. Ўзимизни қўлга олиб, бўёғини тезлаштиришимиз керак.

**Норча:** Тўғри айтасиз. Вақтни беҳуда ўтказмайлик.

**Нурмат фаол:** Нега бу ерда қаққайиб турибсан, Бердимурод? Тезроқ мазорга жўна! Болта, сен қозонга қара! Ашқол-дашқолларингни ҳозирла, Толмас гассол! Қодир темирчи билан Норча сенга ёрдам беради...

**Норча:** (*шоша-пиша*). Мен ўликдан қўрқаман! Яхшиси, Болта кирақолсин.

**Болта қассоб:** Иложим йўқ! Эрталаб бироз "отиб" олган эдим.

**Нурмат фаол:** Нафсингга ўт тушсин! Бир кунгина чидаб турсанг ўлиб қолармидинг?

**Норча:** Яхшиси, Қулмуродни ичкарига кирита қолайлик. Фарзанд отасининг майитини гусл қилдирса савоби улуг бўлади.

**Нурмат фаол:** Бу гапингиз ҳам тўғри... Ҳой, Серкабой! Валақлашни бас қилиб, тезроқ марсияни бошланглар! Содиқ, сен тезда бориб, мулла Холбозорни бошлаб кел! Шавқи, сенинг овозинг йўгон, оёғингни қўлга олиб, жарчиликка югур. Кўча-кўйда одамларни таъзияга чорлаб жар сол! Қолганлар дастурхонга қарайди! (*Қодир темирчига*). Сиз тезда ичкарига киринг. Марҳумнинг жасади совумасдан жағини танғиб, оёқларини боғланг.

*Қодир темирчи надомат билан бош чайқаганча уйга кириб кетади.*

**Серкабой:** (*ҳассакашларга*). Тезда формалар кийилсин!.. Бўлақолинглар, шоввозлар!

*Ҳамма елиб-югуриб ишга киришиб кетади. Нурмат фаол билан Норча гоҳ қозон бошига, гоҳ ноз-неъматлар билан безатилган столлар ёнига бориб, уларга буйруқ беришади.*

*Ҳовлига Бойдангал шошиб кириб келади.*

**Бойдангал:** Бу ерда нималар бўляпти ўзи?!

**Норча:** Ия, келинг, Бойдангал, келинг.

**Нурмат фаол:** Тиркаш бувани бериб қўйдик, Бойдангал!

**Бойдангал:** Нимага Тиркаш бува келиб-келиб менинг тўйим кунни ўлади?!

**Нурмат фаол:** (*оғриниб*). Худонинг хоҳиши шу бўлгач, биз ожиз бандаларнинг қўлимиздан нимаям келарди...

*Дўппи-тўнларини кийиб олган ҳассакашлар Серкабой бошчилигида марсия бошлашади.*

**Серкабой:**

Кийган тўни ялангқат, вой отам,  
Жон сақлади омонат, вой отам!

**Ҳассакашлар:**

Вой отам, вой отам!..

**Бойдангал:** (*важохатли қиёфада ҳассакашлар томон отилади*). Бас қилинглар!

**Серкабой:** Яна нима бўлди?

**Бойдангал:** Йиғи-сиги қилиб, тўйимни азага айлантиришингизга йўл қўймайман!

**Нурмат фаол:** Элда тўй билан таъзия ёнма-ён юради, Бойдангал. Сен бемалол тўйингни ўтказавер. Биз ҳам таъзиямизни...

**Бойдангал:** Бунақаси кетмайди! Бугун Тепақишлоқда ҳеч қандай таъзия-маъзия бўлмайди!

**Нурмат фаол:** Ҳаддингдан ошма, Бойдангал!

**Бойдангал:** Мен бир ой олдин оқсоқоллар билан маслаҳатлашиб, тўй кунини белгилаб қўйганман. Хўш, сизлар ўлик чиқариш учун кимдан рухсат олдингиз?

**Норча:** Ҳеч замонда ўлик чиқариш учун ҳам бировдан рухсат олинарканми?!

**Нурмат фаол:** Керак бўлса, рухсат оласиз! Ҳар ким кўнглига келган ишни қилаверса, бу қишлоқда тартиб қоладими?

**Норча:** (*чорасиз аҳволда*). Қизиқ бўлди-ку! Энди мушкулумиз осон бўлди деганда бу бало қаердан чиқди...

**Нурмат фаол:** (*мураса оҳангида*). Сал оғирроқ бўл, Бойдангал. Таъзияда жанжал чиқса, марҳумнинг руҳи озор чекади.

**Бойдангал:** (*бироз ҳовуридан тушиб*). Хўш, нима қил дейсиз унда?

**Нурмат фаол:** Тўй ҳам, таъзия ҳам Каттақишлоқники. Бирини деб иккинчисидан кечиб бўлмайди...

**Бойдангал:** Лекин...

**Нурмат фаол:** Гапимни охиригача эшит!.. Биламан, сен ҳам элнинг олдида дастурхон ёзиб, дуосини олай деган эзгу ниятда тўй бошлаб қўйгансан. Биз ҳам сенга халақит бермаслик учун кечанинг ўзидаёқ бу ишни бир ёқли қилишни чамалаган эдик. Бахтга қарши кеча Тиркаш буванинг паймонаси тўлмаган экан... Ўзинг кўриб турибсан, маъракага ҳамма нарса тахт қилиб қўйилган. Ёзинг



жазирамасида уларни бир кун ҳам сақлаб бўлмайди. Таъзияни ортга сурсак, шунча ноз-неъматнинг уволига қоламиз.

**Серкабой:** (*ўзича*). Булар ноз-неъматларнинг уволдан қўрқишади-ю, эртагача марҳум отамизнинг аҳволи нима кечишини хаёлларига ҳам келтиришмайди.

**Бойдангал:** (*гердаийб*). Мен тўйга қилган сарф-харажатларнинг олдида сизларники урвоқ ҳам бўлмайди! Дошқозонларда нақ беш юз кило гуруч дамланган. Қассоблар тўйга атаб боқилган новвосларни сўйиб-саранжомлагунча бир кун тер тўкишди. Дастурхонга тортиладиган егуликларнинг ўзи Каттақишлоқни бир йил боқишга етади. Ҳовлида уч минг кишилик жой ҳозирланган. Пулнинг бетига қарамай, Тошкентдан манаман деган отарчиларни ёллаганман...

**Нурмат фаол:** Шунча дов-даска қилишинг шартмиди?

**Бойдангал:** Ҳарқалай, элда Бойдангал деган номим бор! Шунга яраша тўй-тўйчигим ҳам бошқаларникидан зиёд бўлсин дейман-да.

**Нурмат фаол:** Сенинг ҳам аҳволингни тушуниб турибман, Бойдангал. Лекин ўлган одамниям тирилтириб бўлмайди.

**Бойдангал:** Мен Тиркаш буванинг ўлганидан хафа бўлаётганим йўқ! Куни тўлса, ҳаммаям ўлади. Фақат тўй ўтгунча таъзияни тўхтатиб туришлар деяпман.

**Нурмат фаол:** Бунинг сира иложи йўқ.

**Бойдангал:** Унгача мен ҳам тўйимни тинчгина ўтказиб оламан.

**Норча:** Ахир, удумга кўра, марҳумни тезроқ қабрга қўйиш керак!

**Бойдангал:** Ким сизга қабрга қўйманг деяпти? Бемалол қўяверинг. Фақат ортиқча шовқинсиз, имижимида...

**Нурмат фаол:** Ҳаддингдан ошма, Бойдангал! Биз сенинг тинчингни ўйлаб, Тиркаш бувадай одамни чала тузилган гўдакдай ими-жимиди тупроққа қориб келолмаймиз.

**Бойдангал:** Бўёғи мени қизиқтирмайди!

**Нурмат фаол:** Шунақами?

**Бойдангал:** Шунақа!

**Нурмат фаол:** (*қатъий*). Бўлмаса, икки қулоғингга яхшилаб қўйиб ол, Тиркаш буванинг таъзияси қолдирилмайди!

**Бойдангал:** Қолдирилади!

**Норча:** Хоҳласанг, ўзинг тўйингни қолдиравер. Қани, Серкабой, марсияни қолган жойидан давом эттиришлар.

*Серкабой марсия айтишга чоғланади*

**Бойдангал:** (*Серкабойга*). Агар яна бир марта "отамлаб" вовайло қилсанг, нақ тилингни суғуриб оламан!

**Серкабой:** Мен бу аҳволда ишлай олмайман! Йигитларимнинг ҳам, ўзимнинг ҳам ҳаётимизни ҳавф остига қўёлмайман, ахир!

*Сабоҳат савдогар қўлида машина калитини ўйнаганча бетакалуфлик билан ҳовлига кириб келади.*

**Сабоҳат савдогар:** Тиркаш бува ҳалиям жон таслим қилмадимми?

**Нурмат фаол:** Тиркаш бува-ку бир амаллаб омонатини эгасига топширди. Лекин ўлганнинг устига тепгандай, бошқа муаммо чиқиб қолди, синглим.

**Сабоҳат савдогар:** Яна қанақа муаммо?

**Норча:** Бойдангал "тўйим ўтгунча аза очмай-сизлар" деб оёқ тираб олган!

**Сабоҳат савдогар:** Шунақа бўлишини кўнглим сезган эди. Сизлар ҳам имилламасдан вақтлуроқ ҳаракат қилишингиз керак эди. (*Асабий тарзда енгсиз камзулининг чўнтагидан сигарет олиб лабига қистиради*).

*Йиғидан кўзлари қизарган Тўхтаҳон хола билан Малоҳатхон уйдан чиқиб келишади.*

**Нурмат фаол:** (*шикаста товушда*). Бандалик, янга... Бардам бўлинг.

**Норча:** (*далда оҳангида*). Инна лиллаҳи ва илайҳи рожибун. Яъни, ҳаммамиз ҳам Аллоҳникимиз ва бир кун унга қайтариламиз. Сабрли бўлинг, янга!

*Тўхтаҳон хола уларга маънодор қараб қўйиб, Малоҳатхон билан ошхона тарафга юради.*

**Нурмат фаол:** (*эшикка яқинлашиб, мулоийм оҳангда*). Қулмуроджон!.. Бу ёққа бир қараб юборинг, иним.

*Шу заҳоти эшик очилиб, ичкаридан Қулмурод билан Қодир темирчига суянган Тиркаш бува чиқади. Нурмат фаол билан Норча унга тикилганча ҳайкалдек қотиб қолишади. Ҳовлига бир муддат сукунат чўкади.*

**Тиркаш бува:** (*ҳастаҳол қиёфада*). Жамоат жам-ку?

**Нурмат фаол:** Тир... Тир... Тиркаш бува?!

**Норча:** (*ортига тисарилиб*). Астағфируллоҳ!..

**Сабоҳат савдогар:** (*Норчага еб қўйгудек ўқрайиб*). Бу яна нима майнавозчилик?!

**Тиркаш бува:** Омонмисиз, тобуткашларим!

*Қутилмаганда Нурмат фаол ҳаво етишмаёт-гандек оғзини каппа-каппа очиб, эснашга тушади.*

**Норча:** Жуда-а чарчадим... (*Мажолсиз аҳволда эшик ёнидаги тобутга суяниб ўтириб қолади*).

**Бойдангал:** (*эс-ҳушини йиғиб олиб*). Худога шукр, Тиркаш бува тирик экан! Тўйим азага айланмайдиган бўлди! Шундай бўлишини кўнглим сезган эди! Тириклигида чумчуққа ҳам озор бермаган одамнинг ўлиги ҳам бировга ташвиш келтирмаслигини билардим!

**Тиркаш бува:** (*ҳазин жилмайиб*). Чинданам сенинг тўйингни бузишга кўнглим бўлмай, дорилбақонинг остонасидан ортга қайтдим, Бойдангал.

**Бойдангал:** Раҳмат, Тиркаш бува! Бу яхшилигингизни ўла-ўлгунимча унутмайман... Тўйга ўтинг, тўйга! (*Атрофидагиларга*). Сизлар ҳам боринглар! Ҳаммангизнинг елкангизга тўн ёпаман... Энди мен борай. (*Шошиб чиқиб кетади*).

**Тиркаш бува:** (*ҳовлини кўздан кечириб*). Э-ҳе, таъзиямни тўйга айлантириш учун анча заҳмат чекибсизлар-да, Нурматвой. Билганимда ўлиб қўя қолган бўлардим.



*Бурунги шаштидан асар ҳам қолмаган Нурмат фаол чуқур хомуза тортади.*

**Қулмурод:** Ундай деманг, ота...

**Тиркаш бува:** (*Қулмуродга юзланиб*). Сенинг ҳимматингни Қулман карвоннинг ўғиллари кўрса, уятдан ер чизиб қолишарди. Балли, ўғлим!

**Қулмурод:** Кечиринг, отажон. Васиятингизни бажаришга қурбим етмади...

**Тиркаш бува:** Ҳа, бунақа васиятни бажариш учун одамда озгина журъат, ирода бўлиши керак!

*Қулмурод бошини эгади.*

**Қодир темирчи:** Хафа бўлманг, Тиркаш ака. Қулмуродбой ҳам бироз кўнгилчанлик қилди. Бундан кейин пишиқроқ бўлади.

**Тиркаш бува:** (*ҳовлидагиларга юзланиб*). Кўриб турибсиз, соппа-соғман. Начора, ҳали паймонам тўлмаган экан. Тирик одамга аза очиш ноқулай!

**Қодир темирчи:** Энди уйга кирақолинг. Толиқиб қолишингиз мумкин.

**Тиркаш бува:** Хуллас, Тиркаш чолнинг таъзияси қолдирилади. Ҳамма уй-уйига, қапа-қуйига! Манави олибсотар хотин ҳам лаш-лушларини йиғиштириб, бу ердан даф бўлсин... (*Ҳолсизланиб, Қулмуродга суюниб қолади*)

**Қулмурод:** Отажон!

**Қодир темирчи:** Сизга нима бўлди, Тиркаш ака?

**Тиркаш бува:** Ташвишланманглар, ҳеч нарса бўлгани йўқ... (*Базўр жилмайиб*). Мен ҳам Холикул сартарошга ўхшаб ўлишдан кўрқиб қолдим. (*Қодир темирчи билан Қулмурод етовида яна уйга кириб кетади*)

*Тўхтаҳон хола билан Малоҳатхон дошқозон осилган олови деярли ўчиб қолган ўчоққа ўтин қалаб, шўрва қайнатилишга тушишади.*

*Ҳовлига бир муддат жимлик чўқади.*

**Серкабой:** Отамиз жуда бақувват экан. Азройил ҳали бери унинг яқинигаям йўламаса керак. Беҳуда овора бўлганимиз қолди.

**Болта:** Тўйдан олдин томоша деб шуни айтишади-да.

**Серкабой:** (*Нурмат фаолга*). Бизнинг ҳам иззатимиз битди. Ҳақимизни берсангиз, бу ердан тезроқ кетсак.

**Болта:** Қора кўчқорнинг шўрваси ҳам пишиб қолди. Ўзларингиз айланиб-ўргилиб ичаверасизлар. Мен Бойдангалнинг тўйига бориб, тўйиб ичмасам бўлмайди. Бошим тарс ёрилай деяпти.

**Бердимурод:** Қабрни нима қиламиз, Нурмат ака?

**Сабоҳат савдогар:** (*Нурмат фаолнинг тепасида, важдоҳатли қиёфада қўлларини белига тираб*). Сиз лафзингизда турмадингиз. Ҳозироқ пулимни тўлаб қўйинг!

**Норча:** (*Ғамгин қиёфада*). Бошимизда шу кўргиликлар ҳам бормиди, Нурмат ака?

**Нурмат фаол:** (*бошини чангаллаб*). Тиркаш чол бизни бошлаб чув туширди, Норча!

**Норча:** Ахир, биз унга нима ёмонлик қилувдик?..

*Ҳовлига Комил киради.*

**Комил:** (*Нурмат фаолга*). Хайрият, шу ерда экансизлар! Мен сизларни ахтариб юрувдим.

**Нурмат фаол:** (*унга анграйиб*). Нима, сендан ҳам қарзимиз бормиди?

**Комил:** Йўғ-ей... Нариги маҳаллада яшайдиган Хатча буви вафот этдилар!

**Норча:** Наҳотки!

**Нурмат фаол:** Қачон?!

**Комил:** Ярим соатча бурун... Норча амаким икковингиз тезда етиб бораркансиз.

**Нурмат фаол:** (*чаққонлик билан ўрнидан туриб*). Худонинг ўзи мушкулимизни осон қилди, Норчавой!

**Норча:** (*даъфатан ҳушёр тортиб*). Менга қара, Комилвой, Хатча опамнинг қазо қилгани аниқми?

**Комил:** (*ажабланиб*). Нима, гапимга ишонмаяпсизми?

**Норча:** Худога шукр!.. Илойим, Хатча опамнинг жойлари жаннатдан бўлсин.

**Комил:** Тезроқ боринглар. Сизларни кутишаяпти. Мен ҳали мулла Холбозорникига ҳам боришим керак.

**Норча:** Кўнглинг тўқ бўлсин, ўғлим, керак бўлса Хатча опамникига қанот боғлаб учиб борамиз!

*Комил шошилинч ортига қайтади. Бу гапларни жимгина эшитиб турган Тўхтаҳон хола зипиллаганча уйга кириб кетади.*

**Нурмат фаол:** Ниятингиз холис экан, Сабоҳатхон, ноз-неъматларингиз барибир таъзияга буюрадиган бўлди. Буларни ўша ёққа олиб борамиз.

**Сабоҳат савдогар:** (*лабидаги сигаретни тўфлиси билан эзгилаб ўчира туриб*). Розиман. Нархи келишганимиздай.

**Нурмат фаол:** Кўнглингиз тўқ бўлсин, синглим. Хатча опанинг ўғиллари бунақа пайтларда пулнинг бетига қараб ўтиришмайди.

**Норча:** Ҳали бу нарсалар Хатча опамнинг маъракасига етмай қоладими деб кўрқиб турибман.

**Нурмат фаол:** Норчавойнинг гапида жон бор. Юздан ошган кампирнинг таъзияси тўйга айланиб кетиши аниқ.

**Сабоҳат савдогар:** Кам-кўсти бўлса, айтаверасизлар. Бир зумда "ест" қиламан.

**Нурмат фаол:** Келишдик. Серкабой, сен ҳам йигитларинг билан ўша ёққа йўл оласан.

**Серкабой:** Шахсан менга кимникида марсия айтишнинг фарқи йўқ. Бизга ўлик бўлса бас. (*Ҳассакашларга*). Тезда сафга турилсин!

*Ҳассакашлар бир зумда сафга тизилишади.*

**Норча:** Бердимуродбой қовлаган қабр ҳам эгасиз қолмайдиган бўлди!

**Нурмат фаол:** (*Бердимуродга ўқрайиб*). Ҳалиям шу ерда ивириб юрибсанми? Тезроқ мозорга жўна!

*Бердимурод оғир қадамлар билан ҳовлидан чиқади.*

**Норча:** Айтгандай, шўрвани нима қиламиз, Нурмат ака?

**Нурмат фаол:** Униям қозон-позони билан ўша ёққа олиб кетамиз.

**Норча:** Унда фурсатни бой бермай, юкларни Хатча опамникига элтишимиз керак.



**Сабоҳат савдогар:** Ташқарида машина тайёр.

**Нурмат фаол:** Қани, азаматлар, тезроқ ишга киришинглар!

**Серкабой:** Йигитларимга кўз олайтирманг!

**Норча:** Қўрқма, Серкабой, Хатча опанинг ўғилларидан ҳаммоллик ҳақиниям ундириб бераман.

**Серкабой:** (бошини қашиб). Аслида, чўнтакка уч-тўрт сўм қўшимча пул кирса ҳам зарар қилмайди. (Ҳассакашларга). Ҳовлидаги юклар машинага ортилсин!

**Норча:** (бир чеккада қўл қовуштириб турган йигитларга). Сизлар дастурхондаги нарсаларни йиғиштириб олинглар!

*Ҳассакашлар ошхона ёнидаги қопларни ташқарига ташишга тушиб кетишади. Хизматчи йигитлар эса столларнинг устидаги мева-чеваларни халталарга жойлашга киришишади.*

**Сабоҳат савдогар:** Бечора Бойдангалнинг қувончи узоққа чўзилмайдиган бўлди! (Хандон отиб кулганча ҳовлидан чиқади)

**Норча:** (Тиркаш бува кириб кетган уйга томон хўмрайиб). Тиркаш чол қадримизга етмаса ҳам биз одамларга керакмиз.

**Нурмат фаол:** Тиркаш чол бу галча ўлимга чап берди. Лекин эртами-кечми барибир қўлимизга тушади. Қочиб қаёққаям борарди.

**Норча:** Ўшандаям кенгфёшлик қилиб, бу қайсар чолнинг жанозасида бош бўламиз.

**Нурмат фаол:** Начора, қайсар бўлсаям шу элнинг одами. Биз бургага аччиқ қилиб, кўрпа куйдирадиганлар хилидан эмасмиз!

**Норча:** Тўғри-тўғри.

**Нурмат фаол:** (қўлидаги соатига кўз югуртириб). Вақтимиз зиқ. Биз ҳам қўл қовуштириб ўтирмай, йигитларга қарашиб юборайлик.

**Норча:** Яхшиси, икковимиз тобутни олиб чиқа қолайлик.

**Норча:** Қани, кўтардик бўлмаса.

*Нурмат фаол билан Норча тобутни елкалаб ташқарига чиқишади.*

*Уйдан Тиркаш бува, унинг орқасидан Қодир темирчи, Қулмурод ва Тўхтаҳон хола чиқишади.*

**Қулмурод:** Шаштингиздан қайтинг, отажон! У ёққа борсангиз, толиқиб қоласиз.

**Қодир темирчи:** Қулмурод тўғри айтаяпти. Бир-икки кун ётиб, қувватга кириб олишингиз керак.

**Тиркаш бува:** Хавотирланманглар, куч-қувватим жойида. Ўзимни жуда яхши ҳис қилаяпман.

**Тўхтаҳон хола:** Ахир, эндигина оёққа турдингиз!

**Тиркаш бува:** Хатча опа қишлоғимизнинг энг ёши улуг қарияси эди. Арзимаган баҳона билан шундай табаррук кампирнинг таъзиясига бормасам уят бўлади.

**Тўхтаҳон хола:** Шу аҳволингизга у ердаям тинч ўтирмайсизми деб кўрқаман.

**Тиркаш чол:** Ҳаммамиз ўзимизнинг тинчимизни ўйлаб жим қараб тураверсак, бунақа аҳмоқона иллатлардан қачон қутуламиз? Хатча опанинг ўғилларигаям ётиги билан тушунтиришга ҳаракат қиламан. Улар ҳам одам, гапга тушунишар!

**Қулмурод:** (зорланиб). Ота!..

**Қодир темирчи:** Хавотирланма, Қулмуроджон. Ўзим отангнинг ёнида бўламан.

**Тиркаш бува:** (жилмайиб). Қани, кетдик бўлмаса.

**Қулмурод:** Мен ҳам сизлар билан бирга бораман.

**Тўхтаҳон хола:** (Қулмуродга шивирлайди). Отанга кўз-қулоқ бўл, ўғлим.

**Қулмурод:** Хотиржам бўлинг, ойи, у кишини ҳеч кимга хафа қилдириб қўймайман.

*Учаласи ташқарига чиқишади. Тўхтаҳон хола ўйчан қиёфада уларни дарвозагача кузатиб қолади.*

*Малоҳатхон ошхонадан каттагина тоғора кўтариб чиқади.*

**Малоҳатхон:** Ойижон, ўтган кунги ош ачиб қолибди!

**Тўхтаҳон хола:** Қанақа ош?

**Малоҳатхон:** Таъзия оши...

*Шу пайт узоқдан эркак-аёлларнинг аламли дод-фарёди элас-элас эшитила бошлайди. Бу овоз тобора кучайиб, Бойдангалникида янграётган карнай-сурнай садолари билан қоришиб кетади.*

**Парда.**





Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ



# Дунё кездим, севдим, ўртандим

## КУЗ МАНЗАРАЛАРИ

1.

Боғлар дард кўтариб, эгилди ларзон,  
Булутлар югуриб кичрайди осмон.  
Ҳамон дала-дашда юмрон санғийди,  
Тепасида қуёш эса анқийди.  
Кун бўйи бойўели ойни соғинар,  
Совуқ ўлкаларга кетди қовунлар...

Кўчаларга боқиб, фаррошлар зада,  
Узилган япроқларга очишмас аза...

2.

Қир-адирлар жингиртоб,  
Ташина бўлди Ўзбекёп.  
Эски дўстлар кўришмас,  
Хиёнатни кўмишмас.  
Кимдир ботган ҳасратга,  
Кимлар эса ғафлатга.  
Учиб юрар дафтарлар —  
Пати юлуқ каптарлар.  
Қаҳвахоналарда шом,  
Чўнтакларга қўйилган дом.

Олисларга қарайди,  
Капалак соч тарайди...

3.

Кўзимга хазон тўлди,  
Юрагим урён бўлди.  
Сариқ, чирик поялар,  
Қора, қўнғир қоялар.  
Руҳиятим чўглади,  
Шодон-шодон йиғлади...

Олис-олисга кетсанг,  
Дўстинга мактуб битсанг,  
Битсанг дилда нима бор,  
Йўлда... гулда қай гўбор.  
Афсуски битолмайсан...  
Олисга кетолмайсан...  
Ҳолбуки, сафар ҳозир,  
Қарғалар қабр қазир.  
Бошқа олам икки тош,  
Томсада етмайди ёш.  
Кўрқитади висоли,  
Тинмай эсар хаёли...

\* \* \*

Дардима кима айтай, кулдилар йиғлай,  
Кўриндинг ҳуру гилмон, ололмай кўзни шайтон,  
қароғим куйди.

Яқин бўлганим бегона, яқин истар соғу девона,  
Орзума кишан урди жонона, яқину йироғим куйди.

Эртаю кеч васл изларлар, ноаслдан аслини изларлар,  
Во дариго, мил тортди кўзлар, восилу фироғим куйди.

Ҳама ёғим гофилу нодон, ичи ташим довулу бухрон,  
Нега келдим чопиб бул ён, дея ҳайрон сўроғим куйди.


Кўкармоққа шажар қобил, баҳоримда жувонмарг дил,  
Чақмоқ урган шикаста гул, пистоқи ул япроғим куйди.

Мўҳаббатдан тўраб нафрат, ножинсларга бўлиб улфат —  
Кулиб кулфат, йиғлаган мард чироғим куйди.

Кутганимни асло кутмай, Расулulloҳ хокин ўпмай,  
Лошим етиб, кўнги етмай, тупроғим куйди...

## МУҲАББАТСИЗ...

Нималарни қилди бу кекса очун,  
Менинг гўр бошимга нималар келди.  
Ғуссалардан бўлдим гоҳида оқин,  
Йўлини йўқотганлар югурди, елди.  
Ивирсиган ғариб кулбам жонида  
Кўнғироқлар чалиб ўтар хаёлинг,  
Тоабат севадирман ишқ армонида,  
Ойнинг қиличидай чопди заволинг.  
Девлар хасмидинг, кузатибман хуш,  
Дилимни ўлдиради пари рухсорлар.  
Яшаганим чинми, яшаганим туш,  
Кўнгил номамизни ўқир агёрлар...  
Тош шаҳарни ташлаб кетгум бор минг бор,  
Нафратингни қўйиб ичгим келади.  
Гуноҳларим кабир, бўлдим телбавор,  
Шафоати азим Эгам билади.  
Жазо ҳақ-ку, мендан ўтди хатолик!  
Йўлга чиқдим ҳар кун қорлар оралаб,  
Қолмасин Қиёматда рози-ризолик,  
Меҳр истар жуда мўҳаббатсиз қалб!..



\* \* \*

**ҚИЗГАЛДОҚ****КЕТАПМАН...**

Ҳар кеча изладим Қадр тунини,  
Тонгеи гуноҳларим тушиди ёдимга.  
Сен фақат тинглайсан менинг унимни,  
Сен фақат етасан менинг додимга!  
Ҳар кеча истадим Қадр тунини...

**ҚИРҚ ҒШИМ**

Қирқ ёшим сийлади...  
Руҳим синиқ, юрагим яра.  
Дардимни эшитар сахро йўқ,  
Иблис билан эканман жўра!  
Берган заҳаридан кўнгли тўқ!  
Дўстим йўқ, дўстим йўқ, дўстим йўқ...

Қирқ ёшим элади...  
Тушиб кетди элакдан осмон.  
Адашдимми қуюқ туманда,  
Қурбон ўқир фаришта хуфтон,  
Ҳарф танимас мен қора қарға -  
Ишиқим йўқ, ишиқим йўқ, ишиқим йўқ...

Қирқ ёшим йиғлади...  
Онагинам йўл қарар ҳамон,  
Айрилиқдан титилган қалби.  
Санамасман ўзимни инсон,  
Кўрмайдилар чумоли каби.  
Меҳрим йўқ, меҳрим йўқ, меҳрим йўқ...

Қирқ ёшим билади...  
Хиёнатнинг ханжари омон,  
Ва тоабат дилим тилади,  
Муҳаббатни қатл этган ёрон.  
Қаҳрим йўқ, қаҳрим йўқ, қаҳрим йўқ...

Қирқ ёшим чидади...  
Ташлаб кетди орим ҳаяжон,  
Армонимнинг жони қақшади.  
Пулга сажда қилади замон,  
Кўрқоқ, хасис менда яшади -  
Кўнглим йўқ, кўнглим йўқ, кўнглим йўқ...

Қирқ ёшим кулади...  
Илма-тешик хотира мустар.  
Жин чалган хаёлим мажнун.  
Хайр демоқ интиқом қўзғар,  
Салом бермоқ этади маҳжум,  
Қайғум йўқ, қайғум йўқ, қайғум йўқ...

Қирқ ёшим қулади...  
Жарларга бор, ноумид шайтон,  
Форларга кир, топилар маъни.  
Идрок ўсал, ирода бежон,  
Самоларга чўктир кемани!  
Ўлим йўқ, ўлим йўқ, ўлим йўқ!

Дунё кездим, севдим, ўртандим,  
Армонимнинг чеки йўқ ҳамон.  
Бу ҳаётга нега келгандим,  
Нега кетгум, билмасман ишон.  
Сен ҳам бўлдинг менга бир жумбоқ,  
Қизгалдоғим, ёлғиз қизгалдоқ.

Дарбадарга қиш жуда азоб,  
Омадсиз тобутдир хазон.  
Нечун бергум нокасга ҳисоб,  
Нечун олгум наслардан эҳсон?  
Мени қийнар минг битта сўроқ,  
Қизгалдоғим, жоним қизгалдоқ.

Дўст қидирдим, шаҳар гор бўлди,  
Қишлоғимда қизарди юзим.  
Менга содиқ фақат мор бўлди,  
Ўзимни-ку ўлдирдим ўзим.  
Борган сари кетдинг-ку йироқ,  
Қизгалдоғим, бонум қизгалдоқ.

Айланади ер шари тинмай,  
Бахту иқбол кетди ёнимдан.  
Мен ҳам кетай зарра ўкинмай,  
Ёлғизлигим ўтди жонимдан.  
Топган жойинг бунчалар овлоқ,  
Қизгалдоғим, хоним қизгалдоқ.

Ўтган ўтди демасман асло,  
Маъсумларни севади қалбим.  
Кўркинг билан топганман даъво,  
Қисматингдан ортади дардим.  
Руҳи оппоқ, қип-қизил япроқ,  
Қизгалдоғим, қоним қизгалдоқ.

Баҳор қизи, осмонга бошла!  
Камалакнинг дорларига ос.  
Зангори куй — уммонга ташла,  
Бедиллигим учун ол қасос!  
Сен бир гўзал, мен ҳақир ингроқ,  
Қизгалдоғим, жоним қизгалдоқ.

\* \* \*

Хур десам чиқдингиз жин,  
Манфаат сиз учун дин,  
Кўнглингизни кўрдим мен,  
Бизга бир синов бўлди...

Эшитинг жимлигимни,  
Гумроҳу шумлигимни,  
Билдингиз кимлигимни,  
Сизга бир синов бўлди...

Бағрим тўзир, юрагим сезур,  
Энди мендан бахтли инсон йўқ.  
Кетяпман, юртимда кезур  
Куз, замҳарир, менинг кўнглим тўқ,  
Қайтган куним келади кўклам.

Саодатдан йиғладим, бас, онг,  
Кибрни от, ўтларга тушсин.  
Юрагимда отди қанча тонг,  
Кетяпман, ишим юришсин.  
Қайтган куним келади кўклам.

Дўст йўқотдим душмандан ортиқ,  
Душман топдим дўстдан карамли.  
Истаганинг қилавер тортиқ,  
Кетяпман орқалаб ғамни.  
Қайтган куним келади кўклам.

**ТҮЙ**

Бир кунлик тўй, дунё матоҳи,  
Қайтариқ куй банданинг оҳи...  
Бунча равон созлаган роҳинг,  
Бунча хушбўй зикринг, Илоҳим!

**КИМ АСАИДА КИМ...**

Исботланиб бўлди бадгумонлигим,  
Кўрқоқ давраларда қаҳрамонлигим.  
Дилим қонатади шифо каломи,  
Ёлғон бўлиб чиқди меҳрибонлигим...

**БУЛБУЛ...**

Булбул, гулга боқиб қиласан ҳаво,  
Дилга боқиб балки чиқардинг наво.  
Гулга боқиб, қулга этгансан нидо,  
Хур қавмидан дердим, нафсинг бор экан,  
Пулга боқиб, охир бўлибсан расво...

**БАНДА**

Чиндан нотавонман, муҳтож банданман,  
Тиланчинг бўлойин, мендан ҳеч безма.  
Бағрим қон, ўтиниб сендан сўрайман,  
Пашианинг оёғи остида эзма!..







Абдусоид КЎЧИМОВ

# БУНИ ХАЁТ ДЕЙДИЛАР

## Атоқли адиб Одил Ёқубов ҳузурда

Янги йил яқинлашган. Биз: Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, профессор Пирмат Шермухамедов ва камина устоз Пиримқул Қодиров зиёратидан сўнг Бодомзорга, ардоқли ёзувчимиз Одил Ёқубовнинг хонадонига йўл олдик.

— Ўзбек прозасини баландда учиб бораётган бир қуш десак, Одил Ёқубов билан Пиримқул Қодиров унинг икки қанотига ўхшайди, — деди Пирмат Шермухамедов. — Буларсиз насримиз кўримсиз, камбағал ва ғариб бўлиб қоларди.

— Аммо иккови икки дунё, — деди Муҳаммад Али ўйчан.

Хонадон дарвозаси қия очиқ турган экан. Қўнғирогини жиринглатмасдан тўғри бостириб бораверибмиз. Жим-жит ҳовлига киргач, қайси эшикни тақиллатишни билолмай, бир зум иккиланиб туриб қолдик.

— Устознинг пешин чоғи озроқ мизғиб оладиган одати бор эди-ю, — деди Пирмат Шермухамедов бир Муҳаммад Али акага, бир каминага қараб. — Бевақт кепқолдикми, дейман.

— Қўнғироқ қилиб қўйсак бўлар экан,— деди Муҳаммад Али.

Айни шу лаҳза ойнаванд айвон эшиги "ғийқ" этиб очилиб, остонада Одил Ёқубовнинг рафиқалари Марям опа пайдо бўлдилар.

— Хуш келибсиз, кираверинглар! — дедилар Марям опа мулойим кулимсираб. — Ҳозир Одил акага айтаман. Тўрга ўтинлар, ўз уйларингиздек бемалол ўтиринглар.

Марям опанинг нигоҳи қўлимдаги елим халтачадан боши кўриниб турган шишага тушганда, шуни бекитиб қўйсак майлими, дея самимий жилмайди. Опанинг бу жилмайишида узоқ йиллик қадрдон йўлдошининг феъл-атворини яхши билгувчи, уни асраш, авайлаш учун ҳаммиша хушёр ва ҳамма нарсага тайёр тургувчи оқила рафиқанинг меҳри товланиб тургандай эди.

Олди дераза-ойнали узун хона иссиққина экан. Хонанинг тенг ярми ердан тизза бўйи кўтарилиб супа қилинган, тепада ҳам, пастда ҳам ноз-неъматлар билан безатилган столлар турибди. (Янги йил арафасида кутилмаган меҳмонлар келиб қолишини хонадон соҳиблари, ҳойнаҳой, олдиндан билишган.) Тўрда уй эгасининг (бундан беш-ўн йил аввал тушган бўлса керак), кўркем портрети — дераза томонга бошини сал

бурган кўйи узоқларга хаёлчан тикилиб турибди Одил Ёқубов унда. Хонада биронта дабдабали жиҳоз ёки ортиқча ялтир-юлтир безак йўқ — стол-стуллар ҳам, парда-гиламлилар ҳам оддий, тоза ва ярашимли.

Марям опа кўрсатган стулларга энди жойлашган пайтимизда улкан адибимиз Одил Ёқубовнинг хиёл бўғиқ, аммо ўктам овози ҳаммамизни оёққа турғизиб юборди:

— Эҳ-ҳе! Худди отасининг уйидагидек керилиб ўтиришига кўринг буларни! — бошланг, эгнида спортчиларнинг кулранг кастум-шалвари, оёғида жунли юмшоқ "шап-шап", қўлида қаҳрабо тусли ҳасса, тик гавдасини олдинга ташлаброқ шошмасдин юриб келарди оқсоқол адиб.

— Отамизники бўлмай кимники! — бўш келмади Пирмат ака ҳам. — Сиз фақат бизга эмас, яна ўнлаб шогирдларингизга ҳам маънавий падарсиз, устоз!

Одил Ёқубов қандайдир сир-асрорни билишга интилаётгандай синчковлик билан Пирмат акага назар ташлади.

— Оласиз-а, Пирматжон, — деди дераза тагидаги иситиш батареясига ёндош одми оромкурсига оҳиста жойлашаркан. — Қариялар мақтовга ўч бўлишини биласиз-да, а?

Табиатан оғир-вазмин, доимо нималарнидир ўйлаб жиддий юрадиган устоз адибнинг бугунги кайфияти бутунлай бошқача эди. Мезбоннинг хуш кайфияти ҳаммамизга юқди. Қисқача ҳол-аҳвол сўрашишлардан кейин суҳбатимиз ўз-ўзидан шу кунларда ҳамма давраларда бўлгани каби 23 декабрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови яқунлари мавзуидан бошланиб кетди. Одил Ёқубов сайлов таассуротлари тўғрисида тўлқинланиб ҳикоя қила бошлади:

— Менинг тушунишимча, Президент сайлови— овоз бериш йўли билан кўпчилик номзодлар орасидан танлаб, давлат раҳбарлигига сайлаш, дегани. Бу пухта тайёргарлик, ақл-заковат, фикри-онг билан баланд руҳда ўтадиган каттақон байрам, халқ байрами. Аммо, айрим мамлакатларда ана шундай тантанали маросим ҳокимиятпараст гуруҳларнинг бир-биридан ўч олиш, бир-бирига туҳмату бўҳтонлар уюштириб сангималоматларга кўмиб ташлаш, бир-бирининг юзига лой чаплаш майдонига айланиб кетади. Демократия

ниқоби остидаги сиёсий найрангбозликлар, охир-оқибат, қон тўкилишигача бориб етган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Яратганга шукр қилиб фахру гурур билан таъкидлайманки, биздагидек тартиб-интизом, ўзаро ҳурмат-эътибор билан, муқобиллик тарзида ва соф демократик тамойиллар асосида ўтган сайлов жаҳонда жудаям кўп эмас, халқимизнинг ҳар жиҳатдан камолга етганининг яна бир далолати бу. Юртошларимиз тўрт номзод орасидан ўзи билган, ишонган, ҳурмат қилган инсонни — Ислоҳ Каримовни танладилар. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди менинг назаримда. Негаки, Ислоҳ Абдуганиевич соҳибқирон Амир Темур ҳазратларидан кейин ватанга озодлик, юртга ободлик, раиятга бахт-саодат олиб келган мард раҳбар, ўткир сиёсатчи. Ислоҳ Абдуганиевичнинг миллатсевар етакчи, кўрқмас инсон эканликларига ўзим ҳам гувоҳ бўлганман.

Ҳеч эсимдан чиқмайди. 1980 йилларнинг адоги эди. Москвадаги Кремлнинг Съездлар саройида ўша замон халқ депутатларининг мажлиси якунига етай деб қолган. Мен уч кундан буён тинмай ҳаракат қилсам ҳам сўз ололмай тажанг эдим. Йиғилиш котибиятига, раислик қилувчига қайта-қайта қилган муурожаотларим натижасиз. Дардимни кимга айтаримни, кимдан мадад-ёрдам сўраримни билмай, аламмидан ёрилиб кетгудек бўлиб юрган пайтимда тасодифан Ислоҳ Каримовга рўпара келиб қолдим. Ўша кунларда Ислоҳ Абдуганиевич Республика фирқа қўмитасининг раҳбари ловозимида энди-гина иш бошлаган эдилар. Танаффус пайти, сарой ичи говур-гувур эди. Биз одамлар у ёқдан бу ёққа ўтиб-қайтиб турган минбар яқинида тик турган кўйи бир неча дақиқа суҳбатлашдик. Мана шу бир неча дақиқалик учрашув неча кунлардан буён ҳал бўлмаган, эҳтимол, ҳеч қачон ҳал бўлмайдиган муаммоларимни ечиб берди. Мен у кишига узук-юлуқ тарзда дардимни айтдим. Ислоҳ Абдуганиевич бошини хиёл эгган ҳолатда жим туриб сўзларимни тингладилар. Сўнгра ўткир тикилганча дона-дона қилиб:

— Мен гаплашаман. Уялтириб қўймайсизми? Сизга ишонаман, тайёрланинг, — дея тўғрига қараб ўтиб кетдилар.

Елкамдан тоғ ағдарилгандай енгил тортиб, севинчим ичимга сиғмай жойимга бориб ўтирдим. Ўтирдиму, папкада маъруза матни йўқлигини кўриб баданим музлаб кетгандек бўлди. Ҳар куни чўнтакка солиб келиб, сўз тегмагач, қайтариб олиб кетиб кечаси билан қайта-қайта тузатишган, ишлов берилган лаънати қоғозлар хонадаги стол устида қолиб кетган эди! Бир ёқда танаффус тугганини билдирувчи қўнғироқ чўзилиб-чўзилиб жиринглапти, бир томонда ҳали замон

минбарга чақириб қолишлари ҳам мумкин. "Ўзинг шарманда қилма!" деганча халлослаб меҳмонхона томон чопдим. Ҳар қалай, улгурдим...

Одил Ёқубов салкам йигирма йил аввалги воқеаларни тўлқинланиб сўзлапти. Худди кинодагидек аниқ-тиниқ тасвирлаб берапти. Биз ҳам адиб билан ёнма-ён ўша маҳобатли саройда юрибмиз гўё. Ана, Ёқубов минбарга кўтарилди. Сокин тонг момоқалдилогидек гумбураб, жаранги нафақат собиқ шўролар салтанати сарҳадларида, балки, ундан узоқ-узоқларда ҳам акс-садо берган машҳур тарихий нутқ янграй бошлади. Бир неча минг киши ўтирган ҳашаматли сарой сув қуйгандек жим-жит, ҳамманинг нигоҳи қуйиб-қайнаб сўзлаётган ўзбек ёзувчисига қадалган. Мустабид тузум адолатсизликларидан газабланган, аммо дардини бировга ёришдан чўчиб юрганларнинг қарашларида ҳайрат ва қувонч, салтанат кўриқчилариникида эса нафрат ва газаб! Ўзбек ёзувчиси шу чоққача бундай баланд минбардан туриб ҳеч ким айтмаган, айтолмаган, айтишга кўрққан, айтишга кучи, журъати, жасорати етмаган муаммоларни — оддий халқлар чекаётган аламлар, азоб-уқубатларни сўзлаёттир. У машаққатли огир меҳнат туфайли нозик бармоқлари косовдек қорайиб кетган, алвон ёноқлари бужмайиб, кўкракларини чиқмай қолаётган, ўн олти-ўн етти ёшида эллик-олтмишдан ошган аёллар сингари тарашадай қотиб қизлик жозибасидан айрилаётган ўзбек қизларининг аянчли қисмати ҳақида; Америкадаги қора танли қуллардан ҳам хор-абгор деҳқонларнинг ғариб ҳаёти тўғрисида, қарамлик, мутелик фожеалари, зўравонлик кулфатлари тўғрисида сўзлаёттир...

"Одил Ёқубовнинг бу жасорати тасодифийми? — савол бераман ўз-ўзимга. —

Қалбида ўз халқига, ватанига чексиз-чегарасиз муҳаббат, буюк эътиқод бўлмаган одам даврга, даврнинг бешафқат оқимига қарши сузиши мумкинми? Миллион-миллион ватандошлари кўксини неча ўн йиллар мобайнида қийнаб, эзиб келаётган дарду ҳасратини тасодифан катта минбарда туриб дод солармиди! Умуман, Одил Ёқубов биронта ишга тасодифан қўл уриши мумкинми? Тасодифга қурилган жасоратнинг умри қисқалигини Одил Ёқубовдек аллома адиб билмайдими? Унинг умри, унинг ижоди бошдан-оёқ жасоратлардан иборатдек эмасми? "Эр бошига иш тушса", "Улуғбек хазинаси" қайси жасоратдан кам! "Диёнат", "Оқ қушлар, оппоқ қушлар"-чи!..

— Агар ўшанда Ислоҳ Абдуганиевич аралашмаганларида қўлимдан ҳеч иш келмасди, — ҳикоя қиларди Одил Ёқубов. — Мендай бир ёзувчига ишониб, бир эмас, бир неча давлатлар тақдирини, ҳатто дунё тақдирини ҳал қилишга қодир мамлакат минбаридан минбар





хўжаларининг мўйловига болта ўтмайдиган бир замонда сўз олиб бериш тенгсиз қаҳрамонлик эди. Майли, бошқалардан гинахонликни кўя турайлик-да, ўзимиздан чиққан Нишонунинг кўрқоқлигини бир эслайлик. Фаргона фожеаларини бозорчиларнинг бир килограмм қулупнай учун бўлган арзимас жанжали, дея хаспўшлашга уринган бу одам ўша пайтда Бутуниттифоқ миллатлар кенгашининг раиси ва, айни чоғда, навбат билан мажлисга ҳам раислик қилиб турган "катта арбоб" эди. Сўз сўраб шахсан ўзининг номига ёзган учта хатимнинг биронтасига жавоб беришни ҳам ўзига эп кўрмади. — Одил ака бир зум тин олди, қовоқлари уюлди, пиёладаги чойдан бир-икки ҳўплади. Сўнг: — Адолатли раҳбар миллатнинг бахти, нур сочиб бошида чарақлаб тургувчи кўёши, — деди яна чеҳраси яшнаб. — Ана шундай юртбошиси бўлган халқ ҳеч кимдан кам бўлмайди. Истиқлол йилларида бутун ўзбек халқи — ҳаммамиз ўз кўзимиз билан кўриб, кузатиб келяпмиз. Ахир, юртимизни жаҳонга ким танитди, ким азалий қадриятларимизни, урф-одатларимизни улуғлади, бизни менсимаган баъзи бировларни ким тан олдириди! Бугун ёш бола ҳам аниқ жавоб беради бу саволларга. Шунинг учун ҳам ватандошларимиз мамлакат Президентлигига яна муҳтарам Ислом Каримовни танладилар. Тинчмиз, осойишта-хотиржаммиз, ҳар куни эрталаб болаларимиз кулиб-кулиб ишга, ўқишга жўнайдилар, кечқурун яна ўйнаб-кулиб уйга кириб келадилар. Кунда тўй, кунда тантана, дастурхонлар тўкин-сочин.

## 2

Келинлардек хизматбардор, меҳмоннавоз Марям опа, ҳамма нарса бор-ку, оввора бўлманг, дейишимизга қарамай, сизлардан азиз меҳмон борми, бир кепқопсизлар, деб бирида қази, бирида ҳил-ҳил пишган қовоқ тўла тақсимчаларни дастурхонга қўйди. Одил ака яна ҳазилга ўтди:

— Бу хонимга олтмиш йилдан бери тежамкорликни ўргатолмаймиз. Қази деганни ҳам шундай қалин кесадими! Қараб туришлар, бир пасдан кейин карсондай-карсондай косаларни лим-лим қилиб шўрва кўтариб келади ҳали бу хотин! — Одил Ёқубов Фафур Фулом ёки Саид Аҳмад сингари хушчақчақ, қувноқ аскиялар айтиб барчани кулдириб юрадиган ҳазилкашлардан бўлмаса ҳам бугунги лутфлари ёқимли ва беғубор эди.

— Буни ҳаёт дейдилар! — Одил Ёқубовнинг машҳур иборасини тилга олди Муҳаммад Али. — Бу ёғига энди чидайсиз, устоз!

Самимий гурунг самимият ичида кечган йилларни эсга туширди. Нашриётда, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида, Ёзувчилар уюшмасида ўтган вақтлар бирин-кетин ёдга олинди. Одил Ёқубов бош муҳаррир ўринбосари вазифасида хизмат қилган йилларда Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг мартабаси ниҳоятда баланд бўлгани, йилига 80-90 номда шеърый ва насрий асарлар, кўплаб таржимачилик, адабий танқид ва драматургияга оид китоблар чоп этилгани эсланди. Ва, суҳбат табиий бир тарзда, Ҳамид Фулом шахсига уланиб кетди. Бу ноёб фазилатлар эгасининг олижаноблиги, ёш ижодкорларга ҳамиша меҳри товланиб туриши, у киши бўлмаганида нашриёт шу қадар юксак мавқега эга бўлолмаслиги айтилди.

— Туш чоғи бош муҳаррир ўринбосарининг хонаси одамга тўлиб кетарди, — деб эсга олди Муҳаммад Али, — Нашриётнинг "ақанг мен" деган шахматчилари Одил Ёқубовдек улуғ ёзувчи билан беллашгани бел боғлаб

келар, устоз эса уларни битта-битталаб ағдариб ташлар эдилар. Баъзан Мирзиёд ака, баъзан Суннатилла ака билан бўлган кураш сал-пал чўзилар, биз, томошатаалаб ёш-яланглар эса устознинг "Буни ҳаёт дейдилар!" деган ҳайқиригини интизорлик билан пойлаб, устозга чин дилдан галаба тилаб ўтирар эдик. Негаки, устознинг кайфияти аъло пайтларда кўпгина битмаган ишларни битириб олар эдик-да!

Маза қилиб кулишдик. Одил Ёқубов ҳам роҳатланиб ўрнидан бир кўзғалиб қўйди-да:

— Умр — ўткинчи меҳмон. Умр — дарё, оқиб кетганини билмайсан, — дедилар хўрсиниб. — Бирпасда саксондан ошиб, ҳолвадай пишиб ўтирибмиз. Албатта, шундай улуғ ёшга етганга шуқр деймиз, атрофда юз бераётган беқиёс ўзгаришларга қараб бир суюнсак, болаларимизнинг, неварачевараларимизнинг яйраб-яшнаб камолга етаётганларини кўриб бир суюнамиз. Аммо... — Оқсоқол ҳаммамизга муғомбирона нигоҳ ташлаб олди. — Аммо, инсон боласига қариликдан гурбати йўқ. Биров билан улфатчилик қилолмасанг, узоққа юролмасанг, қиттак-қиттак отиб, ёшликдагидай кўча-кўйда қиз-жувонларга гап ташлолмасанг, ҳар куни таниннинг ўн жойи симиллаб оғриб турса. Қамишдай ўсиб-ўсиб, бўйрадай ерга тўшалиб ётсанг... Агар битта талабгор топилганда, қариликнинг ўттиз йилини ёшликнинг ўттиз дақиқасига жон-жон деб алмаштирган бўлар эдим.

— Биз бўлсак, Одил Ёқубовдек пиру бадавлат қария бўлайлик, деб орзу қилиб юрибмиз-ку! — деди Пирмат ака ёлғондакам ҳайрат билан.

— Шошилманг, мендан ўтиб, мендан баттар ҳам бўласиз ҳали. — деди Одил ака вазминлик билан. — Лекин ўтган вақтнинг қайтмаслиги чатоқ. Биладда куч-қувват, юракда гайрат-шижоат борида қиладиганингни қилиб қолиш керак экан. Кейинги афсуслар бефойда — қийнайди, эзади, азоблайди халос. Баъзида ҳаётимнинг қанча-қанча кунлари, ойлари бұхуда кетганини ўйлаб вужудим зирқирайди. Бекор кетган фурсатлар ўчини олгим келади, куну тун қимирламай ўтириб ёзсам, дейман, аммо қари от чартоққа ярамайди, дегандай салга чарчаб қоламан, алам қилади, на фойда.

Саксон тўрт ёшида "Осий банда"дек беқиёс эсдаликни битириб қўйиб яна "чарчайман", "алам қилади" дея нолиш таажжубли, ҳаяжонли, ҳайратли, ҳавасли — чин юракдан таъзим қилгинг келади. "Ҳа, буни ҳаёт дейдилар!" деган ҳайқириқ ич-ичингдан қайнаб чиққанини сезмай қоласан.


Ҳассос адибнинг армонли сўзлари таъсиридами, устознинг юзларига тикилиброқ разм солдим: манглайидаги чизиқлар қалинлашган, сал-пал озгани учунми бўйи хиёл эгилиб, елкалари бўртиброқ тургандек; сочлари ҳам сийраклашиб оқлари кўпайгандек туюлди. "Йўқ, булар — етуклик нишонлари, — дейман ичимда. — Устоз янаям улуғвор, басавлат, донишманд қиёфага кирибдилар. Ахир, "Тенгдошлар", "Бир фелъетон қиссаси", "Муқаддас", "Биллур қандиллар", "Қанот жуфт бўлади", "Кўҳна дунё", "Адолат манзили"дай бебаҳо асарлар муаллифи қариши мумкинми!

Ҳали чой, ҳали ёғли патир олиб келиб турган Марям опа худди устоз башорат қилганидек, катта-катта косаларда буги чиқиб турган иссиқ шўрва келтирдилар.

Одил ака ижодий ишларимиз, режаларимиз билан қизиқди. Биз "Осий банда"нинг тақдирини сўрадик.

Ёзаётган асари тўғрисида ҳеч қачон лом-мим демайдиган, сир сақлашни яхши кўрадиган, борди-ю





нималар устида ишлаётгани билан қизиқиб қолсангиз, э-э, бир нарса қиялман-да, дея ҳар доим қисқа ва мавҳум жавобни яхши кўрадиган Одил Ёқубов бугун темир одатини бузди, "Осий банда" тўғрисида анча маълумотларни гапириб берди.

— Қари от ујрдан олдин чанг чиқарар, деганларидай биз ҳам асарни тамоман охирига етказмай туриб газет-журналларда парчалар беришга бердигу адоғига етганда бошимиз қотиб ўтирибмиз, — кулди Одил ака, — Лекин, меҳнатдан қочиш йўқ. Француз адиби Вольтер, меҳнат бизни учта зўр фалокатдан: ғамгинлик, иллат ва муҳтожликдан халос қилади, деган. — Нон емоқчи бўлган одам, ўтин ташишдан эринмаслиги керак, тўғрими?

— Эълон қилинган парчаларнинг ўзиёқ адабий жамоа орасида қизгин баҳслар уйғотди. — деди Пирмат ака. — Профессор Санжар Содиқ "Жаҳон адабиёти" журнали ўтказган бир давра суҳбатида: "Осий банда" романи китобхонни ларзага солиши, юксак савияда ёзилганлиги, кўзимизни ярқиратиб очишига кўра сўнгги йиллар адабиётида энг жиддий ҳодиса даражасига кўтарилди", дея юксак баҳолади.

— Бу романда аввали асарларингиздан фарқли ўлароқ ўзига хос янги усул танлабсиз, — фикр билдира бошлади Муҳаммад Али. — Аксарият қаҳрамонларнинг номлари ўрнига "масхарабоз подшо", "лудуқ подшо", "кўзойнак подшо", "катта оталар", "кичик ота"... каби сифатлашлар ишлатилади. Бу сифатлашларга дуч келганда хаёлимизда беихтиёр Хрушчёв, Брежнев, Андропов каби XX асрнинг иккинчи ярмидаги шўро давлатини бошқарган бошлиқларнинг қиёфалари гавдаланади. Умуман, романда мамлакатдаги қарийб ярим асрлик ўта мураккаб ва чигал ҳаёт шу қадар реалистик бўёқларда тасвирланганки, ёзувчининг маҳорати ҳар қандай ўқувчини ҳайратга кўмади, хаёлга чулғайди, мудроқ хотираларини яна қайта тирилтиради, иждокор аҳлининг эса ҳавасини кўзгайди. Асарни ўқиётиб, бу романи ёзишда устозга қайси воқеа туртки бўлган экан, деб узоқ ўйладим.

О. Ёқубов:

— Туртки, таъсир адабиётда доимо бўлган, бундан кейин ҳам бўлади. Кони исмли адвокат айтиб берган оддий бир воқеа Лев Толстойга "Тирилиш" каби гениал асарнинг ёзишига туртки бергани кўпчиликка маълум: Замонасининг бой-зодагонларидан бирининг эркатой ўғли ёш хизматкор қизни йўлдан уриб армияга кетадию, бир неча йилдан сўнғ судда ўша қизга рўпара келади. Фоҳиша сифатида маҳкамга тортилган бу жувон ўзи йўлдан урган қиз эканини билиб қолиб, унга ёрдам беришга жазм қилади... Катюша Маслова воқеаси ва образи ана шу воқеа таъсирида дунёга келади. "Туртки"— адиб руҳониятида узоқ вақтлардан буён тўлқинланиб ётган туйғуларни туйқусдан бўрон каби кўзгатиб, жунбушга келтириб юборадики, энди дилдагиларни қозоғга тўкиб солмасликдан ўзга чора қолмайди. Адабиётшунослар "илҳом париси" деб атайдиган ҳодисот, эҳтимол шудир. Аммо, мен бундай тўполончи лаҳзаларга камдан-кам дуч келаман. Узоқ ўйлаб, мияда пишיתיб, маълум бир тўхтама келмагунча столга ўтирмайман. Унча-мунча "туртки" ўрнимдан кўзгатолмайди, — адиб ёқимли жилмаяди. — "Осий банда" ҳам кўп йиллик кузатишларимнинг бир бўлаги. Қаҳрамонларнинг барчаси яқин ўтмишда ўзим кўрган, суҳбатлашган, улфатчилик қилган, дардлашган кишилар. Уларнинг айримлари ҳаётдан кетган, айримлари тирик.

Асарда энг катта раҳбардан то энг куйидаги майда қоровулгача — ҳаммаси аслида осий банда экани, қаердадир хатога йўл қўйиши, қаердадир савобли юмушларга бош бўлиши, қаердадир фитналарга аралашиб қолиши мумкинлигини баҳоли қудрат тасвирлашга ҳаракат қиялман. Узоқ йиллар давомида республикаимизни кўп мартабалаб айланиб чиқдим. Айниқса, "Литературная газета"нинг Ўзбекистондаги махсус муҳбири вазифасида хизмат қилган вақтларимда хилма-хил қиёфадаги, характердаги одамларнинг қизиқарли гурунглари кўп тингладим. Бир вақтлар шону шуҳрат нурларига беланган, кейинчалик босартусарини билмай адашган, охир-оқибат афсус-надоматда ич-этини еб адо бўлганларни кўрганда ачиндим, юрагим эзилди. Ёзувчилар уюшмасида ишлаган йиллар ҳам улкан дорилфунун бўлди. Ҳар куни тўда-тўда одамлар турли муаммоларга жавоб қидириб бу даргоҳга келар эди. Улар собиқ шўро жамяти қонун-қоидаларидан ва ўша замоннинг ҳуқуқ ҳимоячиларидан ҳақиқат тополмай қийналган, идорама-идора, эшикма-эшик сарсон-саргардон бўлган кишилар эдилар. "Осий банда" инсон руҳий оламида бўкиб ётган осийлик изтироблари тўғрисидаги китоб бўлиши керак.

### 3

...Одил Ёқубов Ёзувчилар уюшмасини бошқарган кезларда бир муддат улуг адиб билан ёнма-ён хизмат қилиш қувончи менга ҳам насиб этган. Бу қутлуг даргоҳда ҳар куни улуг адиб билан ҳамнафас бўлиб ишлашнинг ўзи беадоқ бахт эди менга ҳам. Шўро салтанатининг иморатлари қимирлаб, ўзгаришлар, эврилишлар шамоли эса бошлаган ўтган асрнинг саксонинчи йиллар охири эмасми, Одил ака ҳозиргина эслаб ўтганидек, Ёзувчилар уюшмасини қидириб келувчилар сони беҳад ошиб кетган, ҳар куни республикаимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан келган гуруҳ-гуруҳ одамлар эрта азондан уюшма биноси олдида қаторлашиб туришар, худди нажот қалъасига ошиққандек ичкарига интилишарди. Пушкин кўчасининг бошидаги уч қаватли уюшма биносининг залларию хоналари ҳам эрталабдан кечгача гавжум бўлар, қандайдир мажлислар, конференциялар ўтказилар, уюшмага мулақо алоқаси бўлмаган кишилар ҳам ўралашиб юрарди. Улар орасида адолат қидириб келувчилар билан бирга замонанин олағовурларидан фойдаланиб ўзини кўрсатиш, вахзонлиги, маҳмадоналиги билан "бир нималик" бўлиш илнжинда юрганлар ҳам йўқ эмасди. Минбарларда қўлларини силтаб, сочларини тўзгитиб она тилимизга давлат мақомини бериш, Ватан мустақиллиги учун курашиш тўғрисида бақир-чақир қилаётган бу нусхаларнинг кўкайида мансаб-мартаба олиш, мол-мулк орттиришдан бошқа ҳеч вақо йўқ эди аслида. Одил ака буларга нега индамайди, уюшма эшикларини нега очиб қўяди, деган мазмунда мулоҳазалар ҳам пайдо бўлганди, албатта. Шунда Одил ака, ҳайдасанг, кўчага чиқиб жанжал-тўполон қилишади, ундан кўра ичкарида бақир-чақир қилиб ўпкасини босиб олсин, дердилар кўпни кўрганларга хос кенглик билан. Аммо, ёрдамга муҳтожлардан кўмагини, маслаҳатини аямасди, ҳар куни бир қанча идораларга хатлар жўнатилар, телефон орқали илтимослар қилинар, юзма-юз ўтириб гаплашмаса бўлмайдиган жойларга бориб келишдан эринмасди. Одил аканин яна бир фазилатига ҳайрон қолардим. Баъзи хушомадгуй, маддоҳ кимсалар Одил аканин ҳузурига кириб битмаган ишларини битирарди-



да, коридорга чиқар-чиқмас игвонинг инига чўп суқарди. "Шундай улкан ёзувчи дўст билан душманни ажрата олмасмикан" деган ҳаёлга борардим гоҳида. Кейинроқ билсам, Одил ака ҳаммасини билар, ҳаммасидан хабардор экан. Умуман, амалдорнинг атрофида яхши инсонлар қаторида манфаатпараст, ичиқора, манфур ва майда одамлар ҳам ивирсиб юришини, ана шундай ипириқки кимсалардан холи жамият ҳозирча бу кўҳна дунёнинг пешонасига битмаганини анча кейин ҳаётнинг ўзи менга ҳам тушунтириб қўйди. Одил аканинг кенглиги, барчага тенглиги, талантларни қадрлаши, умидли ёшларни қаноти остига олиши, тўғри йўлни кўрсатиб устозлик мақомини тўқис адо этиши, бировни сотмаслиги, бировга сотилмаслиги, ватан бахти, миллат манфаати йўлида ҳар қандай шахсий ҳузур-ҳаловатдан воз кеча олиши, ҳеч қачон этиқодига хиёнат қилмаслиги кўплар қаторида менинг ҳам ҳавасимни келтиради. Шундай яшашдан улуг бахт борми аслида ҳам...

— Сўзларингиздан аён бўладики, адиб, энг аввало ўзи кўрган, билган одамлар, ўзи бошидан кечирган воқеалар тўғрисида ёзмас экан, мукамал асар дунёга келмайди. — Мулоҳаза билдирди Пирмат ака. — Аммо, тасаввур-чи? Мана, мисол учун ижодингизга назар ташлаган ўқувчи Мирзо Улуғбек, Беруний, Ибн Сино, Али Қушчи сингари Ўрта Осиёнинг буюк алломалари ҳаёти ва фожиали тақдирларига дуч келади. Булар ёзувчининг беадоқ тасаввури мевалари эмасми?

— Пирматжоннинг ажойиб одаги бор-да, — деди дона-дона қилиб устоз адиб. — Кўпинча ўз саволига ўзи жавоб беради-ю, бу ёғига нима дейсан, дегандек юзингга қараб илжайиб тураверади. Албатта, тасаввур сўздан бой. Ойбек домла Навоий ҳазратлари билан, Пиримқул Бобур мирзо билан бир дастурхон атрофида ўтириб чойгурунг қилган эмас, Пугачёвни Пушкин танимас эди. Мирзо Улуғбек яшаган давр билан боғлиқ воқеаларни ўрганаётиб архив тўзонлари орасида ўтирган пайтларимда, бу улуг аллома менга ўз отамдай, ўз оғамдай яқин бўлиб қолди, унинг ўйлари менинг ўйларимга, дардлари менинг дардларимга айланиб кетди. Баркамол асар яратиш учун ижодкор кўрган-кечирганлари баробарида бепоён тасаввур дунёсига ҳам эга бўлмоғи зарурлигини ўшанда янаям теранроқ ҳис қилдим. Айни чоғда, талант ва билим, ўзи яшаётган заминга, шу заминдаги халққа, халқнинг урф-одатларига чексиз меҳр-муҳаббат бўлмоғи; шу халқ хурсанд бўлса, шу замин гуллаб-яшнаса астойдил яшнаб барқ уриши, йиғласа, кўзига тупуқ суриб йиғлаган хотиндай эмас, чин юракдан йиғлаши керак ёзувчи ҳам! Қаҳрамонларнинг қалб торларини чертиш, "тирик одам" яратиш учун эса 'юксак бадий маҳорат, нозик дид ҳам талаб қилинади. Қаламқаш майда эпизодик воқеа, ҳодисалар негизида ётган чуқур ижтимоий омиллар, фожиавий тақдирлар ва уларнинг изтиробларини теран идрок этиши, ҳаётнинг ўзи кўндаланг қўйган синовларни закийлик билан англай билиши, қаҳрамонлари билан бирга нафас олиб, бирга яшамоғи зарур. Микеланжело ўзи яратган ҳайкал тирикдай кўриниб, қўрқиб кетган, Бальзак қаҳрамони ўлганда инфаркт бўлиб қолган, Кумушнинг ўлими тасвири пайтида Қодирий йиғлаган, деган гаплар бекор-беҳуда эмас.

Сухбат қизиган сайин Одил Ёқубовнинг баҳри-дили очилиб борарди. У ёзувчи маҳорати, сўз санъати, адабий ва фалсафий таҳлил, ижодда ростгўйлик ва самимият, ўзбек тилининг кўркамлиги, бурролиги, пишиқлиги ва

жозибадорлиги, бой ва ихчамлиги; сўз кўнгли маҳзанининг қулфи-калити экани, инсон тафаккуридаги энг юксак, энг чуқур ва энг оташин туйғуларни сўзда очиқ-ойдин ифодалаш фазилатлари; сўзларни турфа рангларга бўяб-бежамаслик, дабдабали, баландпарвоз, чайналган, чучук, тушуниш қийин бўлган ялтироқ сўзлардан қочиш; сўзни севиш, эъозлаш, ҳурмат қилиш, авайлаб-эҳтиётлаб қўллаш; қаламқашнинг ҳар каломида ҳақиқат гуллари барқ уриб яшнаб туриши, ҳаёт нафаси, яшаш сурури уфуриб туриши ҳақида мароқ билан сўзларди.

— Билиб ишлатилган сўз мўъжизалар жавҳари — кулади, кулдиради, курашга ундайди, йиғлайди, йиғлатади... Сўзлар гапиради, савол беради...

— Ёзганларингизнинг ҳаммасидан кўнглингиз тўладими? — Одил Ёқубов бир зум тин олганидан фойдаланиб қолишга ҳаракат қилди Пирмат ака. — Бундан ўттиз-қирқ йил аввал ёзган асарларингизга қандай баҳо берган бўлар эдингиз?

— Ҳар битта ёзувчи ўз асарига ўзи баҳо қўяверса адабиётнинг аҳволи вой бўлади, — деди Одил ака. — Аммо, муҳим масалани тилга олдингиз. Ростдан ҳам агар имкони бўлганда бугун айрим асарларимни бошқача ёзган бўлар эдим. Мисол учун, "Эр бошига иш тушса" деган роман. Бу асар 1966 йилда китоб ҳолида нашр этилган. Унда ёшлик даври оғир уруш йилларига тўғри келган авлоднинг мураккаб ҳаёти, фронтга кетган оталарининг, акаларининг ўринларини эгаллаган ўн олти-ўн етти яшар ёшларнинг "этик билан сув кечиб" қилган машаққатли меҳнатлари, уруш орқасида ноҳақ йўлда юрган нопок одамлар билан кураши, бир сўз билан айтганда, ёшидан бурун улгайиб, уруш йилларининг катта масъулиятини ўз зиммаларига олган ажойиб авлоднинг дўстлиги, севгиси, орзу-ҳаваслари тасвирланган. Лекин, романда ёш қаҳрамонлар йўлидаги қийинчиликларни енгиб ўтиш эпизодлари гоҳи ўқувчи юрагини ларзага солмайди. "Улуғбек хазинаси"даги Али Қушчида ҳам бир ёқламалик сезилади. Ёки "Диёнат"даги Отақўзи. Бир маҳаллар уни "Синчалак"даги Қаландаров образига "қариндош" деганлар ҳам бўлган. Гарчанд бундай қарашларда ҳеч қандай асос бўлмаса ҳам Отақўзи характерида қиёмига етмаган, "пишитадиган" ўринлар бор.

#### П. Шермухамедов:

— Бунин Лев Толстойнинг "Анна Каренина"дек дунёга машҳур асари ҳақида: "агар Толстой уни менга таҳрирга берганида, мен унинг тўртдан бирини қисқартириб ташлардим, шунда роман анада ярқираб кетарди!" деган. Толстойнинг ўзи эса улуг Шекспирни инкор этган. Ўзбек ёзувчиларининг асарларини ўқиганда Сизда ҳам шундай фикрлар пайдо бўлганми?

#### О. Ёқубов:

— Анча йиллар илгари буюк адибимиз Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" романида гоҳи кишини ишонтирмайдиган лавҳалар, эпизодлар, илмий тил билан айтганда, реалистик услубдан жиндай чекиниш ҳолатлари учрашини айтиб, бошимга анча-мунча гавғоларни "сотиб" олганман. "Ўзи ким бўптики, шундай улуг ёзувчига осилади?" қабилида дўқ-пўписалар ҳам бўлган. Бундай ёндошиш, афсуски, ҳозир ҳам учраб туради. Гап шундаки, ёзувчи ўқиган ҳар қандай асар тўғрисида ўз мулоҳазаси ва ўз фикрига эга бўлмоғи керак. Асар қандай улуг инсон томонидан ёзилганидан қатъи назар фикрини айтишдан ийманмаслик зарур. Шундай ҳикоялар борки, мисол учун М. Шолоховнинг "Инсон тақдири" ҳикояси, тафаккур усулига кўра романдан кам эмас. Ёмон, ўртача ва яхши

асарлар доимо бўлган, бундан кейин ҳам бўлади. Зўраки чираниш билан "семиртирилган" чучмал, гирт китобий, ҳозиржавобликка маҳлиёлик руҳидаги заиф асарлар кўлимга тушганида жуда хафа бўламан.

**М. Али:**

— Энг аянчлиси яна шундаки, айрим танқидчилар шундай хашаки асарларни кўкка кўтариб мақтайдилар.

**О. Ёқубов:**

— Начора, бўш қудуқ шудринг билан тўлмайди. Бўш асар ҳам мақталгани билан яхши бўлиб қолмайди. Бу ўринда айрим ёш ёзувчиларда роман сўзига маҳлиёлик қусури борлигини ҳам назардан четда қолдирмаслик керак. Улар семиз китоб ёзсам одамлар тез тан олади, деб ўйлашади, шекилли. Ваҳоланки, Чингиз Айтматовнинг донғи дунёга кетганида у ҳали битта ҳам роман ёзмаган эди.

**П. Шермухамедов:**

— Таниқли рус танқидчиси Леонид Теракопьян "Улуғбек хазинаси"ни таҳлил қиларкан: "Бу ижтимоий-аналитик роман ўзбек тарихий парозасида Ойбекнинг машҳур "Навоий" асари билан ҳақли равишда ёнма-ён туради" деган эди.

**О. Ёқубов:**

— Бу Теракопьяннинг фикри. Танқидчилар муайян асарни чуқурроқ таҳлил қилишдан зерикканда доимо шундай усулни қўллайдилар.

Севимли адибнинг сўзларини эшитган сайин эшитгинг, ҳаётий мулоҳазаларини тинглагинг, юрагида қайнаб ётган фикрларидан баҳра олгинг келади,

суҳбатидан айрилгинг келмайди. Аммо, режа бўйича бугун яна бир кекса адибимизни янги йил билан қутлашимиз, суҳбатидан баҳраманд бўлишимиз керак. Бир дунё важ-карсонлардан сўнг аранг жавоб тегди.

— Қарининг сўзи дори, деганлар. Дори кўпайиб кетиб, асабга тегдими дейман, — дедилар қузатаётди.

Устознинг кайфияти чоғ, руҳи бағоят баланд эди. Жавоб текканидан беҳабар, ошхонада куйманиб юрган Марям опа, кўзғалманглар, ҳозир бешбармоқ сузаман, деганда, Одил ака, эй, хотамтой хоним, Тошкенти азимда бошқа меҳмонларам бор, деб яна ҳазил қилдилар. Одил Ёқубовнинг супада ҳассага таянганча жилмайиб туриши, адибнинг "Туш" деган бадиасини ёдимга туширди. Бадиа, болалигида илк марта Л.Толстойнинг "Ҳожимурод" қиссасини ўқиб, таъсирлангани ҳақида. Қиссани ўқиган куни ёш Одилнинг тушига Толстой киради. Руснинг улуғ ёзувчиси унинг бошини силаб, сен ёзувчи бўласан, деб фатво бергандай бўлади... Одил бобонинг ҳозирги ҳолати нимаси биландир Толстойга ўхшаб кетаётгандек эди. Рост-да, соч-соқолни ўстириб, эгнида узун кўйлак, белида қамиш камар, бир кўлини камарга суққанча, қадини гоз тутиб турса...

Хаёлимдаги бу манзарани ҳамроҳлардан яширдим.

— Келинларимга салом айтинглар, — деди Марям опа.

— Янги йил билан табриклаб кўйинглар, — деди Одил ака.



**Муқаддас ТАЙЛАНОВА**

## Ёғдулар кўркиннга зед берсин

**ЁҒДУ**

Ёғдуга чўмилган чароғон,  
Тошкентнинг кўчаси хўб гўзал.  
Заррин нур кўзингга термулиб,  
Гўё айтмоқчидай бир ғазал.

Тинмайди милтираб ҳар чироқ,  
Бир тилак айтмоққа чорлайди.  
Пойтахтнинг бағрида ҳар бири,  
Юлдуздай ярқираб порлайди.

Чароғон шаҳримсан, Шош шаҳрим,  
Ҳамиша навқирон ёш шаҳрим.  
Ёғдулар кўркиннга зед берсин,  
Онамдай меҳри қуёш шаҳрим.

**ЯНГИ КУН**

Оппоқ тонг, булбуллар сайрайди,  
Яшнатар борлиқни табиат.  
Шудринглар барларда яйрайди,  
Ирмоқлар пичирлар пок ният.

Атиреул ҳидига ошуфта,  
Болари гулзорни кезади.  
Дунёни бир ширин ва майин,  
Турфа гул ислари безайди.

Янги кун бошланар, янги кун,  
Тонгданоқ ниятим буюқдир.  
Оҳори тўқилмай ёзганим,  
Қуёш нурларидай суюқдир.



**НАЙ**

Қамишдан ясалган мўъжиза,  
Куйларин тингласанг бир ажиб.  
Кўнглингда тугёнлар қўзғалар,  
Шеър ёзгинг келади муносиб.

Найнинг навоси бу ёқимли,  
Завқ берар, шавқ берар инсонга.  
Гўёки орзу ва ўйларинг,  
Учиб кетаётир осмонга.

Инсоннинг қўли гул дейдилар,  
Йўқдан бор қилиш ҳам бир ҳикмат.  
Шу куйнинг тафтидан сезилгай,  
Қандай гўзал эрур табиат.







## ОТАУЛИ

## З О Р

Бадиа



*Таниқли ёзувчи, таржимон, мунаққид ва публицист Отаули (Раҳимжон Отаев)нинг дастлабки насрий асари "Қалб дарчаси" 1984 йилда "Ёшлик" журналида эълон қилинган эди. Шундан кейин ўтган йигирма беш йил мобайнида ёзувчининг "Сурнай наволари", "Собир қовунчи қиссаси", "Афанди ўлмайдиган бўлди" каби йирик насрий асарлари, шунингдек, ҳикоялари, мақолалари, бадиалари, рус ва қорақалпоқ тилидан қилинган таржималари илк бор жуналимизда ёруғлик кўрди. Бошқа тенгдошлари қатори бу ёзувчининг ҳам ижодий камолотида жуналимиз, айтиши мумкинки, ўз вазифасини сидқидилдан адо этди.*

*Шу кунларда олтиши ёшга тўлган заҳматкаш ёзувчини қутлуғ ёши билан табриклаб, унинг янги ёзган кичик бир асарини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.*

**Зорим бор-у, зўрим ҳам йўқ, зарим ҳам...  
Халқнинг гапи**

Ота!

Ўйлаб қарасам, "Шу ўғлимни рассомликка ўқитаман!" дея ўн беш яшар ўспиринлик чоғимда мени Тошкентдек шаҳри азимга етаклаб келганингизга — қирқ тўрт йил, бу оламда Сизсиз яшаб юрганамга эса қирқ уч йил, Сизнинг номингизга ҳасратимдан чанг чиқиб битган дастлабки номамнинг ёзилганига — йигирма бир йил бўлибди...

Айтишгагина осон бу йиллар! Айниқса, етимликдаги бешафқат йилларда кўрган-кечирганларим кафтдеккина мактубга эмас, йирик дostonларга ҳам сизгамайди. Дostonларга сизга дил сўзларимни мухтасаргина дилномага сизгадиришга, мана, йигирма бир йилдан кейин яна бир маротаба уриниб кўрмоқчиман, отажон!

Мингдан-минг афсус-надоматлар бўлмайким, мен, орзу қилганингиздек, рассом бўлолмадим. Бунинг энг бирламчи сабабини ўзингиз яхши биласиз. Ўшанда биз жазирама ёз чилласида Беньков номидаги рассомлик билим юртига орзиқа-талпина етиб келганимизда совуққонлик билан маълум қилиндики, "Беньков"га қабул бошқа ўқув юртларидан бир ойча аввал ўтказилар экан! Биз содда-анойилар беҳуда овора бўлган эканмиз. Ўша-ўша рассом бўлиш орзуим кейин ҳам ушалмади. Чунки ўша йилнинг кузида Сиздан ажраб қолдик, мактабни битириб, битирмай хомғишт қуйиб, устачилик қилиб укаларимни боқдим, буёқда Тошкентда машъум зилзила рўй берди... Акам институтни битириб бориб, жамаи ўн жонни боқини ўз зиммасига олганидан кейингина Тошкентга келиш бахтига эришдим. Келдим-

да, ўзимнинг ҳолимни чамалаб кўрдим. Етимликда яшаш учун курашларда уззукун гиштқолип билан андава, арра билан болта ўйнаган қўлларим икки йиллик "мажбурий танаффус"даёқ шунақанги қотиб қолган эканки, бу қавариб-қодоқ бўлган қўлларнинг мўйқаламни қайта тутиши оғир! Қўлимнинг ҳоли бу, машъум зилзиладан кейинги шаҳри азимнинг ҳоли у! Рассомга нисбатан қурувчи устага кўпроқ мухтождек! Туркистонда норасида укаларим, улкан оилани бошқараётган ойим, Тошкентда ўзим ҳам айнан шунга мухтожмиз!.. Хуллас, кундузлари қурилишда ишлаб, кечалари дорилфунунда руҳшуносликка ўқидим. Бўёғини сўрасангиз, қурилишда ишлаш шарти билан ўқидим! Илло, аллакимлардек шунчаки олифтагарчилик, ё диплом учун ўқиганим йўқ! "Майли, ташқи табиат бўлмаса, одам боласининг ички табиатини беҳато чиза оладиган руҳият рассоми бўламан. Худо хоҳласа, майли, жонли манзаранинг, мўйқалам бўлмаса оддийгина қаламдаёқ ҳавас қилса арзигулик даражада аниқ-тиниқ чизаман, насиб қилса!" деган ниятни дил қаърида энг муқаддас сир тутдим. Мана, ўқини битирганимга ҳам ўттиз беш йил бўлибди. Лекин ҳали-ҳануз аниқ-тиниқ билолмай доғдаман: мени рассом сифатида кўриш орзуингизнинг бир чеккасини ушатиб, ақалли руҳият мусаввири бўла олдимми-йўқми? Назаримда, ҳозирга келиб нафақат қўлим, ҳаттоки дилим ҳам, тилим ҳам йилдан-йилга тобора қуруқлашиб-қаттиқлашиб кетаётгандек. Ҳолбуки сиз бир пайтлар Яссавий ҳазратларидан ҳикमत айтганингиздек, "Кўнгли қаттиқ дилозордан худо безор". Буюк Чўлпонимизнинг "Кеча ва кундуз" романидаги Зебиниса айтган "кўнглида

девлар отган улкан-улкан харсанглари бор" ўтакетган кўнгли қаттиқ-тошбағирларни ҳам мумдек эритиб-юмшата оладиган сувратни, ақалли унинг махражини нима билан қандай чизса бўлади, отажон, ҳали-ҳануз билмайман-биллолмайман...

Болалик хотираларимда Сизнинг кўп гапларингиз ўчмас бўлиб муҳрланиб қолган, отажон. Айниқса, шундай гапларингиз: "Менинг етти жонажон дўстиму етти ўғлим бор. Дўстларимнинг ҳаммаси каттакон, ўғилларимнинг ҳаммаси кичкина. Дўстларим ноаҳил, ўғилларим кичигида ҳам аҳил, эртага улгайганида ҳам аҳил бўлади-да, аввало шу яхши феълига яраша вақти келиб етти дўстимнинг ўрнини эгаллайди!.."

Эвоҳ, энди ўйлаб қарасам, бу орзуингизни ҳам кўнгиладигидек ушата олмаганга ўхшаймиз, отажон! Тўғри, ношукурлик — гуноҳ. Худога шукур, етталамиз оилали, бола-чақали, қўрли-қутли бўлдик. Ўттиздан кўпроқ невараларингиз, тобора кўпаяётган эвараларингиз... "Ўзларингдан кўпайинглар" деган қутлуг дуоингизнинг ижобати шунчалик бўлади-да! Бу кўнларга етганлар бор, етмаганлар бор! Етказганига шукур! Беш азаматингиз қадимий Туркистонда, икки азаматингиз мустақил Ўзбекистонда мустақил оила бошқариб туришибди... Лекин, барибир, кўнглим бутун эмас, унинг бир чеккаси нимагадир ҳамиша кемтик, дилим алағда, қалбимда алланечук ҳадик-хавотир... Сиз билмайсиз, албатта, отажон, қирчиллама ёшда соппа-соғ юргангизда Сизни "йўлини қилиб" куппа-кундуз ўлдириб юборган ўша дўст ниқобидеги тили бошқа, дили бошқа ғанимларингиз!.. "Аҳил бўлади-я, аҳил бўлади! Жиловларини қўлимизга олиб, бир-бирларига юзини тескари қилиб юборсак, ана ўшанда кўрамыз бу ўғилларингнинг аҳиллигини, аҳвол-руҳиясини!" дея онаизоримнинг ёлғизлиги, мунис-муштипарлиги, ишонувчанлигидан устомонлик билан фойдаланишиб, биз норасида етимларни не кўйларга солмадилар кейинги қирқ уч йил мобайнида улар! Бугун ҳам ўша "дўстларингиз"нинг тирик қолганлари, агар бўш келгудек бўлсак, бир-биримиз билан уриштириб томоша кўриш, ҳаттоки икки ўртада одил ҳакамлик қилишга ҳамиша ҳозир-у нозирлар! Уларнинг кўп йиллардан буён чуқур илдиз отиб, илдизи алақачон сувга етган авлодларидан, айниқса, қўрқулик, отажон! Хато қилишини муштоқлик билан қутаётган бу қулай пайт пойлаш ишқибозларининг наздида биз ҳамиша ўтирсак — ўпоқ, турсак — сўпоқмиз. Уларнинг фитналарини ўз вақтида тушуниб, қаршиликларини енгиб ўтиб, ҳамиша хушёр туриб, аҳиллигимизни қўлдан бой бермай яшаш ўта-ўта мушкул экан, отажон! Начора, ёмонлари ўз маънафатлари йўлида бирлашишга ҳамиша тайёр, яхшилари эса, тарқоқликка, ўзи ўзига хон, ўзи ўзига бекликка майил дунё экан-да!

Яқинда бир дилтортар укахоним кафтдеккина суврат кўрсатиб: "Шунга муносиб изоҳ топа оласизми?" деб сўраб қолди. Қарасам, етти нафар нуруний отахоннинг ёнма-ён ўтириб тушган сувратни экан. Укахоним маълумот бердики, тўнғичи саксон етти яшар, кенжаси етмиш икки яшар етти оға-инининг сувратни экан бу! Ҳаммалари соғ-омон, бола-чақали, невра-чеварали, ували-жували экан!.. Бу пири бадавлат отахонларнинг бутун пушти-палаги кафтдек сувратга сивавермаслиги аниқ, албатта. Лекин шу еттовлоннинг сиғиб-сиғишиб, бир-бирини сиғдириб, аҳил-тотув, елкадош бўлиб баҳамжиҳат ўтиришининг ўзиёқ ҳавас қилса арзигулик ибратли ҳодиса эмасми?! Яна йигирма йилдан кейин биз етти оға-инига ҳам бир-биримизга шундай елкадош бўлиб ёнма-ён туриш насиб қиларми экан-а, отажон?! Шоядқи Сизнинг қирчиллама ёшингизда ногаҳонда чала қолган дуоларингиз ижобат бўлиб бизга ҳам насиб қилса!

Яқинда мамлакатимиз қалам аҳлининг бир улкан йигинида етмиш яшар пири бадавлат нуруний отахон ўзининг отасиз-етимлигидан ҳасрат қилиб қолди. Ўшанда сидқидилдан оҳ-у-зорни эшитиб ўтирган саксон яшар яна-да нурунийроқ отахонлар беихтиёр унга қўшилишиб: "Мен ҳам етимман!" "Мен ҳам!.." дея зорланиб нолаи афғон қилишса бўладими! Ўшанда энг ёш "етимча-етти кулча" сифатида ўйланиб қолдим: етимлик шундай беқиёс кулфат, бир умрлик бало, ушалмас армон эканки, у одам боласининг юрагини то сўнги нафасига қадар исқанжага олаверар экан! Ҳали олтмишга кирмай мен ҳам бу сўнгсиз армон қалбимда нечоғли чуқур илдиз отганини яхшигина ҳис қилиб турибман. "Тўқсон ёшимда аҳволим бунчалик ночор, эртага қарисам нима бўлади, қайдам?" деган экан яшаш иштиёқи чексиз бир онахон. Етимликнинг дилдаги асорати олтмишга етмай бу қадар кучли, эртага қандай бўлар экан-а?.. "Мен етим ўтганман, оҳ, у етимлик! Вой бечора жоним десам арзийди. Бошимни силашга бир меҳрибон қўл, бир оғиз ширин сўз нондек арзанда. Мен одам эдим-ку, инсон фарзанди!.." Шундай сидқидил изҳор — самимий дилномани бита олган одамгина етимнинг кўргиликлари қойилмақом қаламга олинган "Шум бола"дек шоҳ асарни ёза олади, албатта. Гоҳида ўзимча ўйлайман: XX аср ўзбек адабиётидаги энг нуруний сиймо ва покдомон руҳоний зот бўлмиш Юсуфбек ҳожи ўзининг ёлғиз зурёди, ягона нуридийдаси, ҳаёт чироғига шунинг учун ҳам "Отабек" деб от қўйганки, у етимликнинг бутун жоизларини буюк шоирдан ҳам кўпроқ бошидан кечириб, отасини қўмсаб-соғиниб, қалбидеги ушалмас армон юкини бўзар қўтариб яшаган бўлса керак!.. Шундай мискинона ўйларга чўмиб ўтирганимда хонам бўйлаб тагин таниш оҳанг янгради: "Деразамнинг олдида кўнган сайроқи куш сизмасми, ота?.." Отага ички етимликда умр кечирган шикаста дилнинг яна бир оҳи-зори бу!

*Андижонда ўт ёқсам Ўйда тутун,  
Бу дунёда бормикан-а, бағри бутун?..*

Кўпни кўрган халқимизнинг бу оҳи-зорини ҳозирга келиб олтмиш ёш остонасида анчагина теран хис қила оламан, албатта. Баайни Отабек Авлиётода шаҳид кетганидек, ҳар бир урушда ҳамиша оталар шаҳид кетганлар, балоғардон бўлганлар, қувғин, бадарға, сазойи этилганлар, мардикорликка жўнатишганлар... Бас шундай экан, бевалар билан етимларнинг бағри қандай ҳам бутун бўлсин?!. Сизнинг ўқитувчи сифатида умрингизнинг сўнги лаҳзаларига қадар нима учун фақатгина биринчи синфга сабоқ бериб яшаганингизни ҳам ҳозирга келиб тушунгандек бўламан. Болалар табиатан кўнгилчан оналарга нисбатан донишманд оталар йўриғига юриб бошлашида асрлар таслигидан ўтган ажиб бир ҳикмат бор экан, ўйлаб қарасам! Ҳозир эса, эвоҳ, мактабларда асосан оналар сабоқ бермоқдалар! Айниқса, биринчи синф ўқувчилари орасида оталар анқонинг уруғига айланиб қолган! Тарбиядаги баъзи бир муаммоларнинг туб илдизи шунга бориб тақалмасми экан, сиз нима дейсиз, отажон? Ота тарбиясини етарли олмаган бола бу инсоний тириклик айвонида ўзига муносиб йўл топа олмай, бот-бот қоқилиб-суринаверар экан!..

*Онасиз етим шум етим,  
Отасиз етим гўл етим.  
Алдам-қулдам дунёда  
Ўзинг учун ўл, етим!*

Бугунги дориломон замонда отаси ёнида тоғдек суянчиқ, мустаҳкам қалқон, балоғардон, донишманд



маслаҳатгўй ва қиблагоҳ бўлиб турган ўзимга тенгдош оталарга шунақанги ҳавасим келади, шунақанги ҳавасим келади, отажон, асти қўяверасиз! Отанинг беқиёс ўрни ўзинг ҳам ота бўлганингда — бир маротаба, ўз Отабегингни ота қилиш тараддулида турганингда — яна бир маротаба жуда қаттиқ билинар экан! Иккинчи армон юки биринчи армон юкидан минг чандон оғирроқ экан! Гарчи андак кечикиброқ бўлса-да, Худога шукур, ўттиз ёшимда — ота, қирқ ёшимда набирангизни суннат қилдиргач, отаули бўлиш мен етимга ҳам насиб қилди-я. Лекин энди... ёши ўттизга қараб кетаётган ёлғиз ўғлимнинг бўй-басти, суврати-ю сийратига юрагим тўкилиб назар ташлайман-да, армонимга армон қўшилади. Набирангизнинг қадди-камолени кўрсангиз эди, отажон! Қани энди ақалли бир лаҳзага тирилиб келиб, онаси икковимиз интизорлик билан кутаётганимиз — унинг ҳам ота бўлиш бахтини тилаб дуо қилсангиз экан! Кошки ақалли саксондан ошган волидаи мукаррамам Туркистондан Тошкентга кела олсалар-да, шу лаҳзаларда ёнимда турсалар! Қани энди ақалли қайнотам ва ё қайнонам ёнимда бўлса!.. Мана энди икки етим...

Эвоҳ, йиллар ўтгани сайин наинки армонимга армон, хавотиримга хавотир ҳам қўшилмоқда: шу нуридийдам, кўзимнинг оқ-у қораси бугунги кунда сувратига қараб сийратини мутлақо билиб бўлмайдиган устаси фаранглар бисёр бу шаҳри азимда тез орада ўз тенгини топа оларми экан?

Хуллас, тобора ошиб бораётган ҳадик-хавотирлар исканжасида, ҳали ўша келиннинг ўзидан дом-дарак йўғу, онаси билан турлича хаёлларга борамиз. "Мевасидан

мағзи ширин" деганлари қанчалик тўғри, билмадим. Лекин кейинги йилларда кирови ота бўлишдан ҳам кирови бобо бўлишнинг минг чандон мушкулроқлигини дил-дилдан ҳис қилиб тургандекман. Сизнинг пушти-палагингизни шаҳри азимнинг қоқ марказида қўнғилдагидек ўстириб-ундира олганим учун Худога минг қатла шукур қилсам арзийди, албатта. Энди бу пушти-палакнинг туп қўйиб, япроқ ёзгани-ю ширин-шакар мева берганини кўриш шоядки бизга ҳам насиб қилса! Набирангизнинг ота сифатидаги қадди-камолени тез орада кўра олсам қанийди! Оталик бахтини қонуний ворисга топшириб, бобо бўла олсам қанийди! Қаҳрамон шоиримиз Ўзбекистон давлат мустақиллигининг дастлабки йилларида ёзган шеърий туркумининг умумий номи "Оталар илқида замон ила вақт" деб аталган эдики, бу қуйма сатр замирида гоят теран маънолар — чинакам ҳикмат бор деб ўйлайман. Бу ҳикматли сатрни дилда такрорлаб қўнғим мумдек эрийди...

Илоё кирови бобо сифатида вақт-у замон бешигини тебратишни кирови оталар зиммаларига шараф билан юклаб, авлодлар довонидан қўнғилдагидек ошиб ўтиш барчамизга муяссар бўлмай! Илоё энди етимликнинг юзи тескари, ҳар бир инсоннинг юрак-бағри бутун бўлмай! Келинларимиз кирови келин, куёвларимиз кирови куёв бўлмай! Ўғилларимиз чинакам ОТА, қизларимиз чинакам БИБИ бўлмай! Илоё жаннатмакон юртимиздаги ҳар бир инсоннинг зари билан зўри тобора кўпаяверсин, лекин оҳи-зори буткул тугаб битсин! Зора бу нома отасиз ўсиб-унган сўнги етимнинг сўнги оҳи-зори бўлиб қолса!.. Шундай тилакларимга етиш ўзимга ҳам насиб қилишида Сизнинг руҳи покингиздан сидқидил мадад сўрайман, отажон...



## ЁШЛАР ЙИЛИДА "ЁШЛАР КИТОБИ"



Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, "Шарқ" наш-риёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти ҳам-корлигида чоп этилган "Ёшлар китоби" тўплами республикамиз ёш ижодкорлари учун катта совға бўлди. Ҳажми ўттиз босма тобоқдан ошиқ "ёстиқдай" китобга етмишдан ортиқ истеъдодли ёш қаламкашларнинг шеърий, насрий асарлари, адабий тадқиқотлари ҳамда таржималари жамланган.

Мазкур китобнинг кириш сўзида таъкидланганидек, ёш ижодкорларимиз ўз овози, теран фикрлари, мушоҳадалари орқали мустақил юртимиз ва халқимизнинг бетакрор қадриятларини келажакда жаҳон адабиёти саҳнасида кўрсатишлари шубҳасиз. "Ёшлар китоби"га жамланган асарлар ана шундай ишонч билдиришга имкон беради.

Куни кеча Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида мазкур китоб тақдими бўлиб ўтди.



Адиба УМИРОВА

# УМР

## *Бир соғинчдир*

Ҳақиқий шеър юракдан тугилади. Ўқиганда шеърхон қалбида абадий қолади. Инсон шахсини тириклик ташвишидаги майда ғамлардан баландроқ кўтариб, мардликка, олижанобликка, эзгуликка талпиниб яшашга чорлайди.

*Қулоқ солсам шивирлагай  
ҳатто тошларинг,  
Ою қуёш, камалаклар  
кўзу қошларинг.*

*Бешигимни тебратгандир  
қалдирғочларинг,  
Ою қуёш кўрпа солган  
айвоним, Ватан...*

Одам кўнгли доим мана шундай самимий чорловлардан нурланади. Поэтикадаги ою қуёш — далада офтоб тафтидан кўллари қорайган теримчи Сингил, қалдирғочлар чинорлардан беланчак ясаб, алла айтган муштипар Она, кўрпа солган айвон — Ватан ёки киндик қон тўкилган муқаддас Тупроқ эмасми?

Бир вақтлар С. Есенин ёш шоир В. Эрлихга "Яхши бир маслаҳат олмоқчи бўлсанг, Ватанингни излаб топ. Ватансиз — шоир бўла олмайди", деган экан. Ватанни таниш ва энг гўзал сиймоларда тасвирлаш шоир учун қанча бахт бўлса, буни юракдан англаш китобхон учун фараҳлидир.

*Бу юрт нон ислидир, бу юрт — бугдойбўй,  
Гулбахор, менга ҳам кўк чойингдан қуй!  
Ёзилсин дилдаги бор хуморларим,  
Менинг акам, синглим — бугдойзорларим.*

Ватанга ички ришталар билан боғланган руҳ мана шундай изҳорлардан маънавий озуқа олади. Шоир Сўзи қалбда алангалайди. Шунда Ватанни шунчаки севиб бўлмаслигига ишонасиз.

*Бир кунда сотилдилар  
отилмаган шоирлар,  
Бир тунда отилдилар  
сотилмаган шоирлар.*

Таъбир жоиз бўлса, ушбу мисралардан "Ҳаёт учун биз гўё кўкдан отилган юлдуз" дея эрқаланган шоир Усмон Носирнинг аянчли қисмати, ҳадсиз ҳасрат, армонларини фаҳмлагандек бўламан. Уша XX аср қатоғон йиллари... Аёвсиз суронлар... Қатоғон қурбонларига айланган улуг ёзувчи Абдулла Қодирийнинг фарёдлари... Буларнинг фожеаси оқсоч тарих сўзлаётган ғамгин ҳикояга ўхшайди. Риёкорлик манзаралари кўз ўнгимизда хира тортади. Қалб яна ҳамоҳанг сатрларга кўчади.

*Умр — бир соғинчдир,  
Умр — бир оғриқ.  
У томони зангор,  
Бу томони сориг.*



Ҳаёт инсонга нима учун берилган? Умр-чи? Шодлигу қайғуларга тўла бу борлиқдан яшашдан ўзи маъни не? Шоир бу саволларга бир сўз билан умр — соғинч, яъни муҳаббатдир, ғамдир лекин барибир гўзал, дётгандек. Бунинг ҳар дақиқасини ҳис этиб, чиндан яшамоққа чорлайди. Умрингда кечган хатоларни англаб, лаҳзаларни ҳаётнинг гўзал неъматлари билан безагинг келади. Ёнингдаги бутун қалб соҳибининг қисматига айланган шеърларидан таскин излайсан. У шеър — исмсиз дардларингга ҳамдам бўлиб, руҳиятинг завқ туйғулардан сув

ичади. Қалб яшнамоқ илинжида ҳали ҳеч ким поёнига етмаган илоҳий ишқнинг титроқли изҳорларига қулоқ тутади.

*Ҳаёт бор то садоқат бор,  
нафосат бор, латофат бор.  
Қара, қанча назокат бор,  
кўзу қоши қорасинда.  
Бу оқ тушдай хуш айёмлар,  
Бу оққушдек хуш оқиомлар,  
Кўнгилар ишқ тўла жомлар,  
кўнги базми сафосинда...*

Энди "Юраклар янги қолгайдир, умрда ранги қолгайдир", "Эй кўнги, ўксинмағил, қиш ортидан келгай баҳор..." каби сатрлар кўнгиларга умид бағишлайди. Энди шеърдан ўзингни, ўзлигингни ахтара бошлайсан. Ва бирдан:



*Бунчалар меҳрни ҳеч қайдан топмам —  
Опам — кўнглим бўлди,  
Кўнглим-чи — опам.  
Дарду соғинчларга шунчалар сингдим —  
Синглим — кўнглим бўлди,  
Кўнглим-чи — синглим.*

Шеър — ҳақиқат дарчаси дейишади. Дарҳақиқат, шоирнинг ҳар айтган сўзи ўқувчи қалбига адолат, эзулик тимсоли бўлиб муҳрланади. Шу билан бирга дунёни тийрак нигоҳ билан илғаб, ҳақиқатларини Виждон амри билан идрок этиш бахтини инъом этади. Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид мана шундай ҳақпарвар шоир. Унинг шеърлятига Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов юксак баҳо берганлиги бежиз эмас. Унинг шеърлари энг аввало самимий фазилатларга бой, теран ва ўзига хос. Сатрларидаги дардлари, ғамлари ҳам китобхонга таскин беради.

"Дўрмондаги ҳаққуш" деб аталган шеърини шундай сўзлар билан бошлайди:

*Фасллар кетдилар — ёзу қиш, кўклам,  
Умрлар ўтдилар — рўёми ё туш.  
Фақат кимларнидир чақириб йўқлаб,  
Бўзлаб қолаверди бунда бир ҳаққуш.*

Шеърдаги ҳаққуш — ким? Бу шоирнинг юраги эмасми? Ижодкор қачонгина рост сўзласа, ёзганлари юракка сингади.

Адабиётимизнинг қадимий ва умрбоқий ғазал жанри Сирожиддин Саййид ижодида алоҳида ўрин тутади. Ғазал ёзиш ҳар қандай ижодкорнинг қўлидан келавермайди. У шоирдан сўзда, тасвирда, образ санъатини қўллашда маҳорат талаб этади. Фузулий "Ғазал билдирур шоирнинг қудратини" деб бежизга айтмаган.

"Куйдим" — мен шоирнинг шу биргина ғазалини адабиётимизнинг сара шеърларидан дегим келади. Ушбу ғазал шундай бошланади:

*Мен ишқ элининг нолаю афғонида куйдим,  
Кўнгли уйининг оташи армонида куйдим.*

*Меҳрин тилабон ўтса агар ошиқи зорлар,  
Меҳримни бериб мен эса товонида куйдим.*

*Мушкул эди йўл, ранж ила изҳориға етдим,  
Сизлар куйида, мен эса домонида куйдим.*

*Ташбеҳига, ҳолим будурур, ўзга қиёс йўқ,  
Соч толасидай чоки гирибонида куйдим.*

*Ишқ аҳли фироғинда фиғон этса агар, мен  
Ёнида юриб, ёнида ҳижронида куйдим.*

*Дунёни азалнинг ғазалий матлаби булдур:  
Бошлаб ҳама ишни они поёнида куйдим.*

*Ҳам меҳнати, ҳам миннати, ҳам заҳмати — борин  
Жон жомиға жамлаб, даги уммонида куйдим.*

Сирожиддин Саййид ғазалга ошиқ қалбидаги ўтли туғёнларни олиб кирди. Шоирнинг "Ахтарайлик", "Муҳаббат кошонаси", "Икки дил ғазали"лари ҳам мумтоз наволардек одамни сеҳрлаб қўяди.

А. Блок ёзган эди: "Ҳаётга чегарасиз талаблар қўйиб яшашгина тирикликни оқлай олади... Кутилмаганини кутиш "бу дунёда йўқ нарса"га ишонч эмас, балки бўлиши муқаррарлигига ишончдир. Майли, у ҳозир бўлмасин, яна узоқ вақтлар бўлмаса ҳам майли. Аммо ҳаёт уни беради, зеро, у — гўзалдир". Ҳа, шоир назарда тутган ишонч умрни безайди. Қалбда умид ниҳолларини экади. Умидсиз, ишончсиз инсонгина ҳаётдан бебаҳра ўтади.

Сирожиддин Саййиднинг янги ёзган шеърлари ва илгари нашр этилган китобларида ҳам мана шундай маъно мантиғи юксак шеърлар жуда кўп. Шоир она Ватанни қаламга оладими, муҳаббат ва садоқатни тараннум этадими, назмидаги жўшқинлиги, ранг ва ифорлари қалбингизни яйратади.

Ҳаётимда кўп шоирларни учратдим ва кўп ўтмай улардан анча узоқлашдим. Сабаби, улар ёзганларига ўхшамасди. Сирожиддин Саййид эса оқибатли устоз ҳамдир. Шеър заҳмати, ижод машаққатини яхши анлагани учунми, ҳеч қайси ижодкорнинг қисматиға бефарқ қарамайди. Сўзида собит. Юксак инсоний фазилатларга эга. Самимий. Ҳатто майдакаш кимсаларга ҳам бағрикенг. Ижод майдонига кирган ҳар бир ижодкорни беғараз, беминнат қўллаб-қувватлайди. Шунинг учун ҳам:

*Оламча аламни бахт этгудайин,  
Гулу чечаклардан тахт этгудайин,  
Дунёни шеър билан забт этгудайин,  
Шоир бўламан деб келган болалар...*

*Бир тонг поездлардан тушар кўп гуллар,  
Жилғалар, гиёҳлар, насимлар, еллар.  
Уларни асрагил, эй тақдир улар —  
Шоир бўламан деб келган болалар...*

дея ёза олади.

Эсимни танибманки, Сирожиддин Саййиднинг шеърларини ҳаяжон билан кузатиб бораман. Отам туғилган кунимда шоирнинг қўплаб шеърӣ китобларини совға қиларди. У киши билан учрашиб, ўзидан дастхат олиш мен учун ушалмас орзу бўлган. Бу учрашув менга Жиззахда ўтказиладиган анъанавий Зомин ёш ижодкорлар анжуманида насиб этди. Анжуманда Сирожиддин Саййид момогулдиракдек овози билан шеър ўқигани ҳамон хаёлимда ўрнашиб қолган. Ўшандаёқ қалбимда бутун шоир бўлиб муҳрланган. Бир даста қораламаларимни қўлиға тутганимда, шеърларимни ўқиб менга "Куйдим" (энг яхши кўрган китобим)ни совға қилганди. Ҳаяжон билан китобни варақласам: "Сингил, шеърят бир қисматдирки, шоирдан кўп қурбонликлар талаб этади. Бу йўлда сабр, қаноат талаб,. С.С." деб дастхат ёзилган экан. Анжумандан қайтгач, шеърят мендан нимани қурбонлик талаб қиларкан, дея кўп вақтгача ўйлаб юрдим. Сирожиддин аканинг бу сўзлари энди ҳаётимда ўз тасдиғини топаётганга ўхшайди.





Илҳом ШЕРАЛИЕВ

# БАЛАНД-БАЛАНД БУЛУТЛАР

## Ҳикоя

Аввал улар қишлоқдаги энг бахтли оила эдилар.

Баланд-баланд тоғларнинг бағридаги гўшада яшайдиган ёшу қари борки, яқиндагина бунёд бўлган оилага — Мансуржон ва Нозималарга ҳавас билан қарашарди.

...Мансуржон панжарани маҳкам сиқаркан, ўша саодатли онларни эслади...

\* \* \*

Тўйдан кейин ўзини жаннатга тушиб қолгандай ҳис қиларди. Ҳаёт унга ўзининг энг яхши лаҳзаларинигина ҳада қилиб, нохуш ҳолатларнинг барчаси уни четлаб ўтарди гўё.

Ишга "яхши бориб келинг..." деган ёқимли овоз кузатиб қолса, кўп меҳнат талаб қилмайдиган ишидан қайтганда, "яхши келдингизми?" дейилмиш юракни ёқувчи савол ва жонни талвасага солувчи табассумли чеҳра уни кутиб оларди.

Дарвозадан кира-кира, ишга кетганидан буён ўзини интизорлик билан кутиб турган хотинининг кўлларидан тутар, лабларини кулоқларига яқинлаштирганча, "соғиндим" дея шивирларди. Уйда ўтадиган ҳар бир фурсатдан бахт уфурарди. Бу кошонадаги ҳар бир лаҳза унинг учун байрам эди. Қаршисида уялинқираганча ибо билан кулиб турган нигоҳнинг фақат ўзига аталганини ҳис қилар экан, шундай тақдирга рўпара қилгани учун Тангрига чексиз шукроналар айтарди. Мана шундай кунларини кўра олмай дунёдан ўтиб кетган ота-онасини эслаганда, бироз ўксиниб қўярди холос.

Ҳаммаси туман марказидаги у ишлайдиган идорага янги ходим келганидан бошланди. Фирма раҳбари Мансуржонни ўз хонасига чорлади. Борди.

— Келинг, ўтиринг, — деди директор ёнидан жой кўрсатганча мулойимлик билан, — ўтиринг, Мансуржон!

Секин бошлиқ кўрсатган жойга бориб ўтирди. Тоқатсизлик билан директорнинг оғзини пойлади. Чунки ходимларини ҳадеб ҳузурига чорлайверадиган бошлиқлар сирасига қирмайдиган Қобилжон Қулиев не боисдан уни эслаб қолганига ҳайрон эди.

— Бизга янги кадр келганидан хабарингиз бор, — йўтала-йўтала гап бошлади Қобилжон Қулиев — Энди-и, ука, биласиз, сиз бошқариб келаётган бўлимда икки-уч ойдан буён ишлар жуда суст кетмоқда...

Мансуржоннинг юраги "шиғ" этди. Нохуш бир воқеанинг содир бўлишини сезиб, кўнглида тушуниб

бўлмас талотум бошланди.

— Агар, ишлар шундай кетаверса, фирмамизнинг инқирозга учраши тайин. Шунга ... вақтинчалик янги келган ходимимиз Жобиржон сизнинг ўрнингизга би-ир ишлаб кўрса. — Бошлиқ бир муддат керакли сўзни тополмай гапдан тўхтаб қолди. Кейин олдиндан тайёрлаб қўйган гапларини чамалаб олиб, гапида давом этди. — Йўқ, сизни ёмон ходим демоқчимасман. Ишга тушиб олишингиз қийин бўляпти-да. Агар Жобиржон ҳам ишни кўнглидагидек олиб боролмаса, сизни ўзимиз чақириб оламиз... Агар йўқ демасангиз.

Мансуржон бошлиққа ҳеч нарса демасдан шитоб билан ташқарига жўнади. Уни қишлоқдаги баъзи бир бекорчи ўртоқларидан биргина афзаллик томони ҳам марказдаги мана шу иш эди. Тошбақа юриш билан бекатга томон кетаркан, ичида ўзини "бекорхўжалар" сафига биратўла қўшиб қўя қолган бошлиқни сўкиб борарди. Автобусга ўтирганидан сўнг ўзини-ўзи пича юпатган бўлди: "Дипломим бор-ку, ишсиз қолиб кетмасман..."

Дарвозага яқинлашган заҳоти дилхираликларини тамоман унутгандай бўлди.

— Жуда соғиндим, — пичирлади ўзини интизорлик билан кутиб турган паривашга. — Жудаям... — кейин эса ёрининг ўнг кулоғини эркалаганнамо беозор тишлаб қўйди.

— Кўйинг-е, — Нозиманинг юзлари ловулади. — Кўшнилар кўрса нима дейди...

Нонушта маҳали иккаласи ҳам жим эди. Гап ўртасида Мансуржон бугун идорасида бўлиб ўтган воқеаларни ҳам қисман айтиб ўтди:

— Мени вақтинчалик ишдан озод қилишмоқчи шекилли, — деди у аллақачон юз бериб бўлган гапни келаси замонада сўзлаб.

— Қайтага яхши-да, уйда кўпроқ бўласиз, — дилкашлик билан сўз қотди Нозима.

— Ўрганиб қолувдим-да!..

— Э-э, ташвишланманг, ўзлари чақириб олишади. Сиздай мутахассисни барибир топишолмайди.

Эртаси кун Мансуржон ўзига янги иш топиш мақсадида марказга йўл олди. Дипломини қўлтиқлаганча кирмаган эшиги қолмади ҳисоб. Ҳаммасида бир хил жавоб такрорланди: "Бизда бўш ўрин йўқ!"

Ниҳоят, шаҳарча четигади бир идорадан умид бағишловчи гап эшитгандай бўлди:





— Бир ойдан сўнг ҳисоб бўлимимиздаги битта ўрин бўшайди. Хабарлашиб туринг!

Деярли бир ой фурусатни уйида, Нозиманинг ёнида ўтказди. Ҳамма-ҳаммаси кўнгиладигидек эди. Фақат авваллари маош оладиган вақти келганда юраги хиёл эзилди. Оила "бюджетига" фақат хотинининг ҳиссаси қўшилгани боис ўзини ноқулай ҳис қилди. Аммо бунақанги гап Нозиманинг ҳаёлига ҳам келмаслигини у ич-ичидан ҳис қиларди.

Орадан уч ҳафта вақт ўтгач, яна туман марказига борди.

— Бирор ҳафта кутинг-чи, — деди фирманинг бош ҳисобчиси қовоғини уйиб.

Мансуржон бир ҳафтани кун санаб-кун санаб ўтказди. Кейинги душанба келиши билан сабри чидамай шаҳарчага жўнади. Назарида, шовилмас, ўша "ўрин"ни бошқа биров эгаллаб қўядигандек эди. Минг бир ҳадик билан яна ўша идора эшигини қоқди.

— Икки кундан кейин келинг, — тундлик қилди бош ҳисобчи — Бунча ичингиз танг бўлмаса, ҳали бир ҳафта ўтгани йўқ-ку!

Яна икки кун кутиш керак. Икки кун-а! Хотинининг ишдан келишига эрини кутган ожиза каби кўз тутиб туриш унинг жонига текканди.

Соат санаб ўтказган кунларининг беҳуда кетганлигига у шаҳарчага кейинги борганида амин бўлди.

— Бошқа одам олдик, — деди таниш "мансабдор" умуман бепарволик билан. — Ишни бошқа фирмандан қидиринг!

Шундан кейин жаҳл устида бу одамга нималар деганини эслолмайди. "Бухгалтер" унинг бир ойлик керакли вақтини лоқайдларча чиппакка чиқарганди. Яна қайтадан иш қидиришга ҳафсаласи бўлмади, қайси томонга юришини билмасдан талмовсиради. Доимо шошиладиган уйига ҳам боргиси келмасди. Борса, ҳатто Нозима ҳам унга бекорчига қарагандай нигоҳ билан боқадигандек эди. "Ҳа, Мансур! Кетдикми?" дея сўз қотган киракаш кўшнисини Заҳриддин акага ўзи ҳам билмаган ҳолда бақириб ташлади:

— Бормайман ўша қишлоққа! Эшитдингизми, бормайман!

— Мансур! — ҳайратдан қотиб қолди Заҳриддин ака. — Ҳаёлинг жойидами, ука?!

— Жойидамас! — Мансуржоннинг тишлари гижирлаб кетди. — Бораверинг!

Заҳриддин ака нималардир деб сўкинганча машинасини нарига ҳайдади.

Мансуржон кеч тушгунга қадар жойидан жилмади. "Энди нима қиламан?" деган савол бутун миясини чулғаб олганди. Бевафо ҳаёт унга берган жамики яхши нарсаларни бирин-кетин тортиб олаётгандек эди.

Уйига кириб борганида хотини хавотир олиб ўтирган экан.

— Ака, — деди у эрининг юзидаги ҳорғинликдан ташвишланиб. — Ишларингиз яхшими, ҳалиги ишингиз ҳал бўлдими?

— Йўқ-да! — Мансуржоннинг томоғига алланечук нарсаси тиқилди. — Бўлмади-и...

— Оббо, — Нозиманинг кўзларида бепарволик қалқиди. — Шунга шунчами, қуриб кетсин ўша ишлари. Куюнманг!

— Тушунмаяпсан-да, Нозима, — қўлидаги дипломига ишора қилди у, — манави энди умуман кераксиз матоҳга айланиб қолди. Бунинг ҳеч кимга кераги йўқ!

— Қайгурмасангиз-чи, — эрининг кайфиятини кўргач, ўзи ҳам йиғлагудек бўлиб Нозима, — ҳали ҳеч

қанча вақт ўтгани йўқ-ку, кўрасиз, ўша ишларнинг ўзи сизни ахтариб келади!

— ... бахтимизни ярим қилишди!

Нозима эрининг юзларига ҳайрат билан боқди:

— Бахт деганлари иш, пул билан бутун бўладиган бўлса... билмадим, уни ростданам бахт деб бўлармикан?

Мансуржон ялт этиб хотинига қаради. Ҳаёлининг икки-уч ҳафталардан бери фақат иш, пул топиш томонларга ўрлаб кетганини ўйлаб, ич-ичидан эзилди. Хотинининг тун каби қоп-қора сочларини, зим-зиё осмон бағрини ўзининг жилоси-ла ёритиб тургувчи ҳилол ойдан-да ойдин, тиниқроқ юзларини силеди.

— Менинг энг катта бахтим сенсан! — шивирлади у. — Сенинг исмингдан айро айтилгучи бошқа барча бахтларга... тупураман, ҳа, тупураман!..

\* \* \*

— Мансур ака, — таниш овозни эшитиб ўзига келди у. — Ака, соғлигингиз жойидами?

Тепасида ҳамхонаси Турсунбой турарди.

Хонадошини кўрганидан кейингина масрур лаҳзаларни эслаб ўкраб юборганини англади.

— Бирор жойингиз оғримаяптими ишқилиб? Нима бўлди, акам?

— Ҳеч нарсаси, укажон, ҳеч нарсаси, — ҳамхонасини тинчлантирди у. — Ҳаёлга берилиб кетибман...

Турсунбой чуқур уҳ тортиди.

— Уйни ўйлаяпсизми?..

— Ҳаа... Ўзим, мана шу қўлларим билан хароб қилган бахтимни ўйлаяпман...

— Кўйинг... йиғламанг, ака, сизга ярашмайди.

— Сен... сен бемалол дамингни олавер, Турсунбой. Ухлайвер, укам!

— Сиз-чи, ҳадемай тонг отади. Ухламайсизми?

— Мен... мени қўявер, барибир ухлламайман...

Мансуржон бу жойининг одамларига умуман ўхшамайдиган шоирсифат ҳамхонасини жойига ётишга бир амаллаб кўндиргач, яна ҳаёлга берилди...

\* \* \*

Бир ой бахт уфуриб тургувчи лаҳзалар билан яшадилар.

Ўша кунини Нозима мактабдаги дарсларини эртароқ тугатиб қайтди. Уйида ёнбошлаганча телевизор томоша қилаётган эрига жилмайиб қаради-да, сумкачасини ковлаб, ичидагини унга узатди.

— Маошим. Сиз олинг.

Мансуржоннинг кулиб турган чеҳраси бирдан тундлашди. Кейин эса хотинидан секин сўради:

— Нима учун мен олишим керак?

— Ният қилувдим...— эрининг гайриодатий авзоидан ҳадиксираганча жавоб берди Нозима, — сизга костюшим совға қиламан деб...

— Нима учун?!

— Нима нима учун? — тушуниксиз саволдан ҳайрон бўлди Нозима. — Шундоқ ўзим. Тўй костюмингизнинг оҳори кетинқирабди. Қайтага яхши бўлади. Алмаштириб киясиз.

— Ма, — пулни хотинига қайтариб узатди. — Костюм-шимгаям пул топилиб қолар. Бунга ўзинг учун бирор нарсаси оларсан.

Нозима бир пас ҳеч нарсага тушунмай турди, кейин эса пулни олди-да, жимгина нариги хонага ўтиб кетди. Шундан сўнг тонггача у ердан чиқмади.

Мансуржон эртаси кунини шаҳарчага отланиб қолди. Кечаги воқеадан кейин у қандай қилиб бўлмасин бирор тайинли иш топишга қарор қилганди. У қилган ишдан туни билан пушаймон бўлиб чиқди. Бориб хотинидан



кечирим сўрамоқчи ҳам бўлди. Аммо бунга гурури йўл кўймади.

Кечаги гаплардан кейин Нозимани икки-уч кун аразлаб юради, деб ўйлаганди. Кийиниб ташқарига чиқаётганида орқа томондан одатий ва ёқимли ўша овозни эшитди.

— Ака... — орқасида туни билан йиғлаб чиққани учунми, бодом қовоқлари хиёл шишинқираган Нозима турарди. — Яхши бориб келинг... — ерга қараганча одатий сўзларини такрорлади у.

Мансуржон ортга бурилиб, хотинига тикилиб турди. Кейин эса унинг яқинига борди. Қўлларидан тутмоқчиди-ю, кечаги гаплари учун ўзини бунга ҳозир ҳақсиз сезиб тўхтади.

— Маошингни ишлатмай тур, менга костюм-шим оламиз... Ўзинг танлайсан!

Нозима ҳеч нарса демасдан эрининг бўйнидан кучоқлаб олди. Сўнгра қилган ишидан уялиб, ичкарига чопқиллаганча кириб кетди.

Шаҳарчадаги ҳаракатлари яна беҳуда кетди. Кеч тушгач, оёқ-қўллари шалвираганча уйга қайтиб келди. Тагин ўша муқимлик, яна ўша бекорчилик...

Кунлар кетидан кунлар, ҳафталар кетидан ҳафталар ўтиб борарди. Бир куни Нозима бир гап айтиб қолди:

— Мактабда ўқитувчилар етишмаяпти. Жуда бўш ўтиргингиз келмаётган бўлса, янги иш топгунингизча мактабда ишлаб турунг. — У "ноўрин гапириб кўймадиммикан" деган хавотир билан эрининг оғзини пойлади. Мансуржон бу гапни эшитиб, бир қалқиб тушганди. Катта идоранинг ҳавосини олиб ўрганган одамнинг қулоғига бу хилдаги гап, албатта, ёқинқирамасди. Тонгача у ёқдан буёққа ағдарилиб шу ҳақида ўйлади.

Эртасига мактабга бориб директор билан гаплашди. Аммо...

— Ҳозирча бунинг иложи йўқ, — деди Қосим Самарович қулоқларини уқалаб. — Сизнинг мутахассислигингиз педагогик соҳага мўлжалланмаган. Яна бир хабарлашиб кўрарсиз, унғача мен ўқитувчилар билан маслаҳатлашиб кўраман.

"Уҳх, — оғзини каппа-каппа очди Мансуржон, — хабарлаш, эмиш! Жонга тегди-ку, бу кутиш деганлари!"

Бу пайтга келиб, рўзгордаги ёриқлар ҳам анча катталлашиб қолганди. Турмушлари кундан-кун ғариблашиб борарди. Нозима якшанба куни кечлик нонуштага мастава сузиб кирди. Одатда доимий равишда якшанба куни кечқурун палов қилинарди. Мансуржон бир косага, бир хотинига қаради.

— Нега ош қилмадинг?

— Дўконга сал кечроқ борибман, гуруч тугаб қолибди... — Айбдорларча бош эгиб жавоб қилди Нозима.

Мансуржоннинг ичидан зил кетди. У ҳаммасини сезди: Дўконда гуруч борлиги-ю, аммо уйда бунга етгулик пул қолмаганини ва хотини вазиятни унга сездирмаслик учун ёлғонлаётганини англаб етди.

— Нозима, — деди хотинига. — Сен ҳам тош эмассан-ку... Ёрилсанг-чи мундоқ! Дўконда гуруч бор экан де, уни сотиб олишга пул йўқ де! Айтсанг-чи, бир менинг ойлигим ейиш-ичишимизга ҳам етмаяпти де! Гапир... гапир, жоним!..

— Ака-а! — Гўё бақиргудек гапира кетди хотини. — Нималар деяпсиз?! Шуям гап бўлдими?! Агар уйимизда ҳар якшанба ош бўлишини хоҳласангиз... эртанги якшанбада албатта қиламан!..

— Йўқ, — Мансуржон ўрнидан турди. — Эртага қиласан! Бозорга чиқиб ҳаммоллик қилсам ҳам, эртага уйимизда ош пиширилади! Албатта қилинади!

Айтар гапларини айтиб бўлгач, шарт ўрнидан туриб ташқарига йўналди. Нозима киприклари пирпираганча эрининг ортидан қараб қолди.

Эрталаб уйғонганида, эри каллаи саҳарлаб қаергадир кетганди. Хавотирдан ўзини кўйрга жой тополмай қолди. Кеч тушиб, эри кириб келгунигача хаёлидан нималар ўтмади.

Кечқурун даричани очганида, Мансуржон бозордан шу ергача юқларини олиб келган аравакаш болага нималарнидир тушунтирарди. Бола "тушундим" дегандай бош ирғиб, турли хил озиқ-овқатларга тўла аравани ҳовлига томон тортқилади. Мансуржон мамнун киёфа билан унинг ортидан юрди. Нозима ич-ичидан қувониб кетди. Йўқ, у аравадаги нарсаларни эмас, яқин ўртада чехраси бундай очилмаган эрининг айна дамда хурсанд эканлигидан шод эди. Аравакаш бола иш ҳақини олиши билан бозорга қайтиб кетди.

— Нози, — Мансуржон қувноқлик билан қийқирди. — Қозоннинг тагига ўт ёқ, ҳозироқ ошни сайратиб ташла! — У аравадан туширилган масаллиқларга ишора қилди — Мана, ўша сабилдан бир дунё опкелдим!

Уларнинг хонадонига аввалги бахт шу лаҳзадаёқ бағамом қайтиб келгандек эди. Нозима ахийри юрак ютиб эридан бу нарсаларни қаердан олиб келганини сўради.

— Янги иш топдим, Нози, янги иш! Энди бизникида умуман йўқчилик бўлмайди! Бунақа нарсаларни хоҳласанг, уйиб ташлайман!..

Мансуржон энди ҳар куни тонг-саҳарлаб чиқиб кетиб, кеч тушганда икки-уч даста пул кўтариб келарди. Нозима аввал бошида бунга унчалик эътибор бермади. Аммо бир куни эри ўзига баҳоси оиланинг икки ойлик харажатларига бемалол етгули кундуз ёқали палто олиб келганида оғзи лағг очулиб қолди. Кечки нонушта маҳали эрига ялина бошлади:

— Ака, жо-он ака, айтинг, топган ишингиз қанақа? Яхши ишми, ҳарқалай? Айтақолинг.

— Э-э, — бепарво қўл силтади Мансуржон, — кўявер, яхши иш. Мен ёмонини танлармидим!..

\* \* \*

...Мансуржон ютоқиб тамаки тутунини тортар экан, панжара бурчагида хийла кўриниш бериб турган яримжон ойга тикилганча, ўша уйига арава тўла харидлар келтирган кунини эслади...

Бозорга боргач, нима қиларини билмасдан анча вақт ўйлашиб турганди.

— Ўҳ-хў, — шу пайт кимдир елкасига беозор шаппатилди. — Бизнинг шайтон уя қурган маконимизга ҳам қадам ранжида қиларканлар-ку!

Бу унинг мактабдош ўртоғи Ҳайитвой эди. Иккаласи яқин орада умуман кўришишмаганди, кучоқлашиб кетдилар.

— Ҳа, Мансурбек, бозорга кеп қопсан. Харидгами?

— Йў-ўқ, тирикчилик... Пулга зориқдим, жўра, шу зангардан топаманми деб келдим!

Ҳайитвой "ҳазиллашаяптими" дегандай унга тикилди. Эшитганининг чинлигига ишонгач, қийқириб юборди:

— Йўғ-е, сенми?! Қойил, қойил!

— Гапни чувалаштирма, йўлини ўргат, пул топишим керак!

— Шошма-чи, — бамайлихотир сўз қотди Ҳайитвой — аввал иқтисод, кейин сиёсат дейишган!

Бозор атрофидаги ошхоналардан бирига киришди. Ҳайитвой меҳри товланиб кетди, анчадан буён кўрмаган ўртоғини роса меҳмон қилди. Таомланиш маҳалида Мансуржонга мосроқ иш хусусида ҳам келишиб олишди.

— Бу жуда осон иш, — дерди Ҳайитвой оғзидаги луқмани ҳузур қилиб чайнарган, — ўзим ҳам яқиндан бери шу билан шуғулланаяпман.



— Айтаётганинг бинойи ишми, ҳартугул?

— Бинойи бўлганда қандоқ! — нашъа қилиб гапираверди ўртоғи. — Мардонов кўчасидаги Павел деган ўрис йигитдан битта сумка олиб, Самарқандлик Камол деган аптекачи болага етказиб берасан, тамом. Қарабсанки, чўнтагинга жарақ-жарақ пул кириб келаверади! Бу таклифни сени ўзимга яқин олганимдан айтаяпман. Бошқа биров бўлганида нонининг ярмини бериб қўядиган аҳмоғини топсин эди!

— Ўша сумканинг ичида... — кўнглидан кечаётган саволларни эҳтиёткорлик билан сўради у, — унинг ичида нима бўлади, ўзи?

— Сумканинг ичида... — бир муддат гапидан тўхтаб қолди Ҳайитвой — ... ҳа, майли айтаман, сен ўзимизникисан-ку. Эшит: сумканинг ичида қоғозига "Маде ин Германия" деб ёзилган, ичида эса аслида ўзимизнинг кооперативда тайёрланган арзон дорилар бўлади.

— Яроқсиз дорилар деявер...

— Ээ, ҳов бола, оғзинга қара! Ишонасанми, ўша сен айтаётган "яроқсиз" дорилардан ҳам тузалиб кетганлар сон мингта! Асосийси психология! Беморларга ўша ёзувни ўқиб кўришнинг ўзи кифоя!

— Заҳарланганлар-чи?.. Заҳарланганлар қанча?!

— Қўй, — Ҳайитвойнинг энсаси қотди. — Қўйсан-чи. Диёнатдан менга маъруза ўқима. Бу дориларни ўзимиз ўтказиб бермаганимиз билан, барибир, ўрнимизга бошқа одам топишади. Қўшилмасанг, ўзинг биласан. Мен жўрачилик маслаҳатимни айтдим. Яхшилаб ўйлаб кўр!

Мансуржон узоқ ўйланиб қолди. Ҳар қанча бу йўлга кирмасликка ўзини ундасин, хаёлига кеча уйда бўлиб ўтган гаплар келиб фикрини чалғитаверди. Охири, бир тўхтамага келиб ўртоғининг кафтига кафт урди.

— Бўпти... кўшиламан, фақат битта илтимос бор. Хизмат ҳақининг пичасини муддатидан аввал олиб берасанми?

— Ай, Мансур, — Ҳайитвой афтини бужмайтирди. — Бу ишда муддат нима қилади! Бу сенинг фирмадаги ишингмиди? Сумкани олиб келишимиз биланоқ ўша жониворнинг икки дастаси кўлимда деявер! Гап сотмасдан турдик, бўлмаса, ҳа демай хабар бериб қолишади. Унгина мен катталар билан сен тўғринда бир гаплашиб олай...

Ўша кундан бошлаб Мансуржоннинг ҳаёт китобида янги саҳифа очилди.

Даста-даста пул илинжида бу ишга ҳар икки-уч кунда қўл уриб тураркан, қийналаётган виждонига биргина гап билан таскин берарди: "Буни мен қилмасам ҳам бошқа биров қилади-ку... Фарқи пул кимнинг қўлига тушишида!.." Унинг ҳамёни кундан-кун тўлиб борарди.

— Ака, — деб қолди бир куни Нозима. — Негадир кўнглим гаш. Менга ҳам тузукроқ айтмай келаятган ишингиздан хавотирдаман.

— Э-э, Нози, — қўл силтади Мансуржон — Бунинг ҳеч қандай хавотирли жойи йўқ. Кўнглинг алағда бўлмасин.

— Барибир-да, ҳайронман бу ишни нега мендан ҳам сир тутаяпсиз. Айтақоли-инг, қанақа иш эди у!

— Ҳа, майли, — бироз ўтиб тилга кирди Мансуржон. — Фақат эсингда бўлсин, бу гапни бошқа ҳеч ким эшитмаслиги керак!

Шундан кейин у хотинига бор гапни айтди. Азбаройи, унга бўлган муҳаббатини ҳар қандай бойликдан ҳам устун кўйгани учун шундай қилди. Гап сўнгида ўзининг ҳаракатларини оқлай оладиган ягона юпанч сўзини ҳам такрорлади: "Бу ишни мен қилмаганим билан..."

Сир очилиб боргани сари Нозиманинг шаҳло кўзлари ҳам катта-катта очилиб бораверди. У эри

хотиржамлик билан таъкидлаётган қилмишдан маъқуллаб бўладиган жиҳатларни ахтара кетди. Аммо ҳарчанд қидирмасин, Мансуржоннинг "Мен қилмасам ҳам..."идан тузукроқ ваз топа олмади. Сўнг бирдан ҳушига қайтди-ю, ҳовлиққанча гапира кетди.

— Наҳотки... Шу нопок ишларга қўл ураётган одам сиз бўлсангиз!.. Ишонмайман, йўқ, ишонмайман!

— Ваҳима қилмасанг-чи, — кулимсиради Мансуржон, — ҳали ҳеч ким бу дорилардан зиён кўргани йўқ, Васвасангни йигиштир!

— Ака, — Нозима эрининг бўйнига осилди. — Жо-он, ака, ўтинаман, ҳамма қатори яшайвераёлик. Кўрасиз, тез орада иш ҳам топилиб қолади. Сиз... Сиз бунақа ишга қўл урмаслигингиз керак...

— Бе-е, — лаб бурди Мансуржон — бунга қаранглр! Нега шу гапга ёпишиб олдинг! Биров орқамдан кузатаётган бўлмаса, шу иш туфайли турмушимиз яхшиланиб бораётган бўлса... Бўлди. Мени хафа қилмайин десанг, бундай гапни бошқа гапирма!

Нозима ноиложлик билан тилини тишлади. Унинг "бир куни инсофга келиб қолар" дея ўзини юпатишдан бошқа чораси қолмаган эди. Кунлар шу тахлит ўтиб бораверди. Бир кун ҳовли ташқарисидан аллақандай машинанинг "биб"иллаган товуши эшитилиб қолди. Юраги бир қалқиб олди-ю ташқарига шошилди. Даричани очгани заҳоти ҳайратдан оғзи ланг очилиб қолди. Дарвоза қаршисига қип-қизил "Нексия" ял-ял товланиб турар, рудла мийиғида жилмайган Мансуржон турарди!

У хотинининг қарахт бўлиб қолганини кўриб, машина ойнасини туширди.

— Ҳой қиз! — қийқирди қувноқ оҳангда.— Очмайсанми дарвозани! Мошин жониворни роса интиқ қилдинг-ку!

Нозима довдираганча бориб дарвозани очди. Кейин ичкарига секингина кираётган машинага сергакланиб разм солди.

— Мана, "Нексия"ли ҳам бўлди! — ҳайқирди Мансуржон ҳануз жилмайганча.

Шундан кейин Нозима бидирлаганча, бу уловнинг қаердан келиб қолганини суриштира кетди.

— Билишинг керак бўлгани шу — бу машина энди бизники!

У хотинининг қолган саволларига мужмалроқ жавоб берди. Кўзларини юмиб, бошини осмонга тутди. Чуқур-чуқур нафас олди. Назарида, бахт қуши шундоққина елкасига кўниб турарди.

Нозима эрининг қилаётган ишларидан қанчалик норози бўлмасин, ишга кетиши олдидан, келганидан сўнг доимий ширин сўзларини қанда қилмасди. Бироқ кўзларидан илгариги самимийлик йўқолиб бораётганини ўзи ҳам сезмасди.

Мансуржоннинг ўртоғи билан бошлаган иши кун сайин "гуллаб-яшнаб" борарди. Бир куни у ўзлари бирор марта ҳам очиб кўришга мушарраф бўлмаган дориларни кўрмоқчи бўлди.

— Қалланг жойидами сен болани! — бақириб юборди Ҳайитвой. — Ҳо-ов, галварс, сумканинг ичида муҳр бор, йиртилиб кетса, балога қоламиз!

— Ҳайронман, — Мансуржоннинг пешонаси тиришди.— Шу алдам-жулдам дориларни шунчага пуллашса-я! Сиртига тилла суви юритилмагандур!

— Анқов-а, бу ерда сотишгаётган нархлари ҳолва. Касалхоналарда бу дориларнинг қанчага кетишини биласанми, бир ҳафтага йигирма миллионнинг остига бориб қўяров!..

Уйда хотини негадир, жуда танг бўлиб кутиб турган экан.





— Бугун уйимизга ким келди, биласизми, йўқ, барибир тополмайсиз! Иш бошқарувчиларингиз келди!

Мансуржон хотини ҳовлиқа-ҳовлиқа айтган хушхабарни бепарволик билан эшитди.

— Хўш, нима учун экан?

— Нега бўларди,— Нозиманинг кўзлари шодликдан чақнаб кетди.— Сизни яна ишга қайтариш учун! Ойлигингизни ҳам оширишармиш! Бўлди. Ниҳоят, ҳалиги ишингиздан энди воз кечсангиз ҳам бўлади!

— Ҳечам-да, бошида бўшатишдимиз, энди ўша ишларини пишириб ейишсин! Бу ёқда бир кунда топадиган пулни деб, бир ой марказга қатнайидиган аҳмоқ йўқ!

Нозиманинг тарвузи қўлтигидан тушди...

Мансуржоннинг ишлари кўнгилдагидек, силлиқ кетарди.

Унча катта бўлмаган сумкани машинаси билан керакли жойга элтарди-ю, шу оннинг ўзидаёқ икки-уч даста пулни "қуртдай" санаб оларди. Кейинги пайтларда кўнглига тугиб қўйган мақсади, айниқса кишининг ғашини келтирар даражада эди: бозордан сотиб олган каттагина сандиқни пул билан тўлдириш! Устига ҳар кун янги-янги пуллар келиб тушавергани учун сандиқ ичидаги пуллар сатҳи ҳам анчагина кўтарилиб қолганди. Лекин пуллар тахлами сандиқ қопқоғига яқинлашавергани сари ўзи хотинидан сезилмас ҳолда узоқлашиб борарди. Бунга унинг ўзидан ҳам кўра Нозима кўпроқ қайғурарди.

Мансуржон бу "иш"га ўтганига энди уч ойча бўлгани билан маҳалланинг энг бой одамига айланиб улгурган эди. Ҳатто қишлоқдошлари уни ўзаро "Мансур бойвачча" деб атай ҳам бошлашганди. Бойлик орттиришга бутун фикру хаёли билан киришиб кетган бўлишига қарамай, унинг хотинига муомаласи ҳам, муҳаббати ҳам аввалгига қараганда заррача ўзгармаганди. Ахир, тўйларига ҳали бир йил ҳам тўлиб улгурмаганди-да!

— Ака-а, энди тўхтатсангиз ҳам бўлар-а, йиққан пулларингиз юзга кирганимизда ҳам адо бўлмаса керак!

— Йўқ, — Мансуржон хотинига кулимсираб қаради.— Ҳали озгина вақт бор.

— Ўша сиз айтаётган вақт қачон келади, ахи-ир. Нима қиласиз бу-унча пулни, тўхтата қолинг энди!

Нозиманинг ялиниши жавобсиз қолди.

Мансуржон "сумка"лар сонини иккитага оширди! Машинасида алақандай қўшиқни хиргойи қилганча кетар, шоҳона турмушга йўғрилган келажagini ўйлаб борарди. Ўзи уй кинотеатрида сеvimли фильмларидан бирини томоша қилиб ўтирибди. Атрофида фарзандлари чуғурлашяпти. Нозима эса боёнларникидагина бўладиган қимматбаҳо меbelга ўтирганча болаларига отасига халал бермаслигини уқтиряпти... Ўйлагани сари қалби қувончга тўларди. Аммо бозорда...

Машинадан тушиши билан икки новча йигит келиб икки қўлтигидан ушлади. Булар Ҳайитвой ва унинг мунтазам шериги Мансуржоннинг кунба-кун қилаётган жинойтларидан хабар топиб, анчадан бери уларни пинҳона таъқиб қилиб юрган ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари эди. Фуқаролик кийимидаги бошқа бир баҳайбат жуссали киши қўлини қулоғига танғиганча ўзини таништирди ва ён чўнтагидан гувоҳномасини олиб кўрсатди. Мансуржон ҳеч нарсани эшитмади. Аниқроғи, бир зумда бўлиб ўтаётган остин-устин воқеалар уни гангитиб қўйганди. Ҳалиги киши қотиб қолганидан ҳатто мижжаларини ҳам қоқмаётган бу галати одамга пича қараб турди-да, охири овозини баландлатмаса бўлмаслигини англади.

— Сиздан сўраяпман, сумкаларнинг ичида нима бор?!

— Кийимларим...— дея олди Мансуржон бироз ўзига келганидан сўнг зўрға тили калимага келиб.

Орган вакили шубҳаланувчининг сўзларига парво ҳам қилмасдан шерикларига буюрди:

— Тинтиб кўринг!

Мансуржон дорилар солинган сумкаларини аёвсиз тинтишаётганида бошқалар қатори томоша қилиб турмоқдан бўлагига ярамади. Дори олиб келаяпман деб ўйлагани — сумканинг ичидан чиқаётган нарсаларни кўриб унинг ўзи ҳам донг қотиб қолганди. Ҳозиргина аллақардан топиб, ушлаб келинган Ҳайитвой ҳам сумкаларга ва уларнинг ичидан чиқаётган нарсаларга анграйганча тикилиб турарди. Юзасига турли хил дорилар солинган бу сумкаларнинг остки қисмидан яхшилаб ўраб чиқилган мумсимон қоп-қора нарсалар ерга думалаб тушди. Булар оддий тил билан айтганда, қора дори эди... Мансуржон кўзлари тиниб жойига ўтириб қолди.

Қонун ҳимоячиларининг жинойтчилар учун мўлжалланган панжарали машинасига назоратчилар ҳамроҳлигида минишар экан, Ҳайитвойнинг дўстига айтган сўнгги гаплари шу бўлди:

— Сумкаларнинг ичида нима борлигини менам билмасдим! Худо урсин, билмасдим!..

\* \* \*

Барча қилган жинойтлари учун Мансуржонга ўн олти йил беришди! У ҳалидан бери қўллари билан сиқиб олган панжарага бошини қўйди. "Ўн олти йил-а!.. Унгача энди туғилажак фарзандим вога етади! У... сенинг отанг жинойтчи деган иснодни мурғак елкаларида кўтариб улғаяди! У... уйларида шоҳона меbelлари, уй кинотеатри бўлган болаларга эмас, отаси борларга ҳавас қилиб катта бўлади!" Шу дамда унинг хаёлига беихтиёр суюқлиги Нозима келди. "Эҳ менинг соддагинам-а, эҳ менинг беозоргина жоним-а! Сени бахтиқаро қилдим! Гулдай бахтингни, бахтимизни ерга кўмдим!" Қўллари билан гуноҳкор бошини сиқди. Олд томони панжара билан қопланган "кошона"сининг қоронғуда ҳам хиёл сарғиш бўлиб кўриниб турган деворларига бир-бир қараб чиқди. Ҳаётининг энг қайноқ даврлари мана шу қафаснамо жойда ўтиб кетиши эсига тушиб, юрак-бағри эзилиб кетди. Бу пайтда асрларга тенг соатлар пинжидан суруниб тонг отиб келар эди. Қамоқхона нозир аристонларни ўзининг одатий сўзлари билан сийлаганча бир-бир уйғота бошлади.

— Тур! Турларинг ҳамманг! Тепиб уйғотиш керакми?!

Бу пайтда тунги безовталиқдан сўнг бирозгина мизғиган Турсунбой ҳам кўзларини ишқалаганча ўрнидан туриб келганди. У туни билан мижжа қоқмай чиққан ҳамхонасини кўрди-ю, гўжмайиб, куюнчаклик билан:

— Мансур ака, чинданам ухламай чиқдингизми, дейман? — дея сўзланди.

— Уйқу қаёқда...

Барча маҳбуслар қатори қамоқхонанинг ҳовлисига чиқаётганларида нозир баланд овоз билан чақириб қолди:

— Уч юз қирқ олтинчи, учрашувга! Ҳов, уч юз қирқ олтинчи, сенга айтяпман! Кармисан!

Мансуржоннинг юраги жигиллаб кетди. "Нозима... — хўрсинди у,— яна келди..." Ҳар ҳафтада икки-уч марта шу аҳвол. "Бошқа келма" дейишига қарамай, у келаваради. Тўсиқ ортида ростдан ҳам Нозима турарди.

— Нега келдинг, кун оша... шартми шу?..

— Нега келмас эканман?.. — ёшли кўзларини эрига тикди у. — Бегонанинг ёнига келганим йўқ-ку!..



Мансуржон эгнидаги кийимларидан мулзам бўлиб кўзларини олиб қочди.

— Барибир-да... Ўзингни ўйлашинг керак! Бошқа келма!

— Келаман, келавераман! Жонингизга тегиб кетсам ҳам майли, келавераман!

— Бўлди-да энди!— Мансуржон асабийлашди.— Ҳадеб шу гапни такрорлайверасанми! Айтяпман-ку, ўзингниям ўйла. Ҳали... фурсат бор!..

— Кўйинг шунақа гапни. Мен... мен кутаман! Ўн олти йил бўлмаса, юз йил бўлмайдами, умрим тугагунигача кутаман, кутовраман!

Мансуржон титроқ кўлларини юзига босди. Бутун вужудини ана шу титроқ тутиб борарди.

— Бўлди, бошқа гапирма!— дея олди фақат.

Нозима шитоб билан ўрnidан турди.

— Майли, умуман гапирмайман. Аммо барибир келаман. Ўзингни кўриб турсам бас! Гапириш учун эмас, ўзингни кўриб кетиш учун, кўнглимга таскин олиш учун келаман, келавераман!!! — Айни юрагидан отилиб келаётган сўзларни шартта-шартта ташқарига чиқарди-да, йиғлаётганини сездирмаслик учун рўмолини юзига тутганча ташқарига жўнади.

Мансуржон хотинининг ортидан то чиқиб кетгунигача қараб қолди. Кўзларига ёш қуйилганча ўзига лаънатлар ўқиди. Сўнгра жамики азобли хаёлларининг кучоғига суқилиб олиб, бор овозида уввос тортиди. Елкалари силкиниб-силкиниб йиғлайверди.

Ахир, аввал улар қишлоқдаги энг бахтли оила эдилар...



## БИРИНЧИ УЧРАШУВ

Марҳабо МАТЮСУПОВА



# ЎЛАТАНЛАРИМ, ИЗЛАТАНЛАРИМ...

\* \* \*

*Энг тор бўлса қўл қисилар, меҳр етмаса кўнгли қисилар.*

\* \* \*

*Ҳақиқат келганда уят орқага чекинади.*

\* \* \*

*Қутишни билган инсонни, бахт ҳам кута олади.*

\* \* \*

*Устозсиз дунё — суви йўқ дарё.*

\* \* \*

*Инсонга энг мушкул иш, бу — ҳақиқатни кўра биши.*

\* \* \*

*Хўл ўтин ёниб иссиқ бермас, нодон киши ваъда бериб бажармас.*

\* \* \*

*Инсон инсондан ғурури билан фарқ қилади.*

\* \* \*

*Хоҳишсиз иш — бошга ташвиш.*

\* \* \*

*Нодондан меҳр қутиш, бу — сувга суяниш.*

\* \* \*

*Севмаганга суйкалиб яшаш, бу — ўзини ёниб турган оловга ташлаш.*

\* \* \*

*Ўтин ёнмасдан кул бўлмас, инсон қийналмасдан инсон бўлмас.*

\* \* \*

*Сени эл юракдан севса агар, бахтсизман деган сўзни эсингдан чиқар!*

\* \* \*

*Ҳар қадамда бир кўнглинг чўктирувчи бор, бундайларга берма эътибор!*

\* \* \*

*Кўнгли ичида кўнгли бор, уни ўлдирсанг ҳаёт сенга азобу озор!*

*Носиржон ЖўРАЕВ*

# ҒАЛВИРНИНГ ҚЎЗИ нега катталашиб бормоқда?

Иситмаси кўтарилган одамнинг атрофдаги ҳодисалар, югур-югур, ғала-ғовурлар билан иши бўлмайди. У фақат бир нарсани — вужудидаги ҳароратнинг тезроқ пасайишини, аъзои бадани ором-осойиш топишини истайди, холос. Кучли оғриқда ётган бемор унга ким кўрпа-ёстиқ тўшаганини, ким парвариш қилиб, меҳр-мурувват кўрсатаётганини деярли пайқамайди. У ўз танасидаги дард билан курашиб ётади...

Бугунги ўзбек адабиёти ҳақида ўйлаганимда, кўз олдимда оғриқ билан олишиб ётган, дардни ўз вужудидан қувишга ҳарчанд уринаётган киши қиёфаси пайдо бўлаверади.

Нега? Ўша дард нима? Унинг давоси қайда?

XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги ва XXI асрнинг илк йилларида юртимизда вужудга келган адабий жараён, бошқа даврлар билан солиштирганда, тамомила бошқача кўриниш касб этди. Буни, аввало, мустақиллик йилларидаги янги тафаккур, эркин ижод имкониятларида, иккинчидан, дунё бўйлаб кенг кўламдаги ахборотлар олиш натижасида юзага келган янги ижодий оқимларда кўриш мумкин. Лекин бизнинг мақсадимиз буларни таҳлил этиш эмас. Бу ўзгаришларни адабиётшунослар ўз пайтида пайқаб, илмий-назарий жиҳатдан ўрганиб, бошқаларга ҳам тушунтириб беришмоқда. Аммо мана шу эврикишлардан "унумли фойдаланиб", адабиётга хоҳлаган кўчадан тап тортмай кириб келаётганлар ҳақида деярли лом-мим дейилмаётир. Ваҳоланки, бундайлар талайгина.

Менинг назаримда, адабиётга, умуман, санъат оламига фақатгина битта йўл билан — соф ижодкор истеъдоди ва руҳияти билан кириб келинади. Кимнингдир соясида, кимнингдир чопони этагидан тутиб, кимнингдир етовида, кимнингдир ҳайбарақалласи билан эмас. Бугун кимнидир "орқа қилиб", кимгадир қўнғироқ қилдириб ёки "чангалдаги шўрва" билан ижодкор номини олиш урф бўлаётгани эса, юқоридаги фикрларни чиппакка чиқаряпти. Лекин бундай йўл билан адабиётга дахл солиш шартмикан? Ёки саволни бошқачароқ қўйсак: бундан кимга фойда — ўша "истеъдод соҳиблари"гами, уни етаклаб олиб кираётганларгами ёки китобхонларгами? Бу мантиқсиз

уринишларнинг бесамарлиги яқин йилларда билинмас, аммо ўлчамни каттароқ олсак, ўттиз-қирқ йилдан кейин пуфлаб семиртирилган асарларнинг ҳоли не кечади? Муаллифларники-чи? Орадан шунча вақт ўтгач, ўзбек адабиёти ўз ўқувчиларига беш-ўнта китобни тутиб, "Азизларим, синовдан ўтгани шу холос. Қолганлари ярим йўлда қолиб кетувди", дейдими? Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Шухрат, Шукр Холмирзаев, Эркин Аъзам каби қалами бутун ижодкорларнинг проза мактаби, ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ўзбек шеърлятида кучли тўлқин қўзғатган Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Шавкат Раҳмон, Рауф Парфи, Усмон Азим сингари манаман деган оташқалб шоирларнинг лирикаси ўрнини эндига келиб ёш ижодкорларнинг амри маъруфу дийдиёси эгаллаб олди, деб каловланадими? Хўш, бошқа нима дейди?

Бугунги ўзбек адабиёти ўтган асрнинг забардаст адибу шоирлари билан жон сақлаяпти, янги авлод эса, ўз маиший саргузаштларини қоғозга тушириш билан овора, деган хулосага келганим учун ҳам ушбу мақолани ёзишга жазм этдим. Кейинги йилларда матбуотда, телевидениеда юзлаб ёшлар кашф этиляпти. Лекин ачинарлиси, уларни кашф қилишдан нарига ўтилмаяпти. Фалон танловда шунча ёшлар совринли ўринларни эгалладилар, фалон анжуманда шунча истеъдод соҳиблари аниқланди, деган ахборотларни кунда-кунора ўқиймиз, эшитамиз. Аммо улар танловнинг эртасига нима қилишади, ундан кейин-чи, деган саволга ҳеч ким бош қотирмайди. Худди бунга ҳолат йўқдек. Бугун бирор ёш шоир ёки ҳикоянависга туппа-тузук ижодкорлар ўхшатиб "оқ йўл" ёзишади, бироқ "оқ йўл" муаллифи тўпلامни қўлига олиб тузукроқ ўқимади ҳам, "Ука (синглим), тўпلامингда ёзганларингдан кўра оилавий тушган суратинг кўп экан-ку. Биринчи китоб сал камтарроқ бўлиши керак", демайди. Бунинг ўрнига, "ижод дегани ундоқдур, бундоқдур", дея умумий гаплар билан чегараланиб, "оқ йўл тилаворсак, яхши ижодкор чиқиши мумкин", қабилидаги умидворлик билан сўзларини яқунлашади. Бу китобнинг нимасини ўқишимиз мумкинлиги, унинг адабиётга қанчалик дахли бор ёки йўқлиги ҳақидаги фикрларини эса, муаллифнинг





галдаги тўпламига қолдиришади, чоғи. Нега шундай? Чунки бундай йўл тутишнинг бошқа "объектив-субъектив" сабаблари бор. Ҳозир буни ҳеч ким бирига изоҳлаб ўтирмайди.

Яқинда таҳририятга Малика исмли ёшгина қиз бир даста шеърлий машқларини кўтариб келиб қолди. Унинг азбаройи ёшлигидан менинг эсимда шу таассуроту қуйидаги қисқа суҳбат қолди:

— Шеърларимни олиб келувдим.

— Жуда яхши. Сизни ким юборди, машқларингизни бирор шоир кўрганми?

— Ҳа, мени шу газетага тавсия қилишди, устозим — фалон муҳаррир шеърларимни кўриб, икки-учтасини чиқариб ҳам бердилар. Сизларда ҳам чиқса учинчи жойда чиққан бўларди.

Шундан кейин унинг мақсадига қизиқиб қолдим.

— Учта газетада чиқди ҳам дейлик, кейин-чи?

— "Келажак овози"га топширмоқчийдим.

— Синглим, бу танловга ҳужжатлар топшириб бўлинди.

— Ҳа, мен ҳам топширдим. Энди "Зулфия"га ҳаракат қилияман.

— Биласизми, бу газетада унча-мунча шеърлар чиқмайди. Бу газета профессионал ижодкорларники. Ёшларни эса, икки ойда бир махсус саҳифада берамиз. Шунда ҳам минг чигириқдан ўтказиб.

Ёш шоира гапларимдан кейин бироз хушёр тортиб қолди, лекин унинг охириг саволидан донг қотдим:

— Мен қайси газетага келдим ўзи?

Бошқа суҳбатлашишга сабрим етмай, гапимни яқунладим:

— Сизни юборган ўша устозингизга бориб айтинг, бошқа йўл кўрсатсин.

Сўзим адолатли бўлсин учун унинг сатрларидан мисол ёзай, ўзингиз фикр қилинг.

*Дўст, бир кунлик экансан меҳмон,  
Йўқса сирингни қилар дастурхон.  
Юрагида бор сенга нисбатан алам,  
Кўзларингдан оқизади нам.*

Албатта, Герман Гессе айтганидек, ҳар бир инсон ўз чекига тушган қийинчиликларни улкан азоб-уқубатлар деб ўйлайди. Лекин шеър ҳақидаги ушбу таърифни ўқиб кўринг: "Шеър бадий ижоднинг олий намунаси. Шеърятда халқнинг руҳи, маданий тараққиёт даражаси, ўзига хослиги, тилининг қудрати, истеъдод ва иқтидорининг мавқеи ботиқ линзада қуёш нури тўплангандай мужассамланиб акс этади". Энди сиз бу юксак таърифни бугун ростакам йиғлоқликка ўтиб олган минглаб ҳаваскор шоирлар шеъри ёнига қўйиб кўринг. Яна Гессе таъбири билан айтганда, уларда ҳаёт асари кўринмайди.

Бу гапларни ёзишдан мақсад биргина шу қизни хижолатга қўйиш эмас (қолаверса, бундай йигит-қизлар бир кунда ўнлаб келишади), аксинча, уларнинг кундан кун сафи кенгайиб бораётганини эслатиш. Улар ижодни

бу қадар жўн англашлари ва турфа танловлар голибига айланишга интилишларини шахсан мен қоралай олмайман. Мен фақат йўл бошида турган ёшларга шу йўлнинг пасту баландини, машаққату масъулиятини тушунтиришга эринаётган, бунинг акси ўлароқ, чоғи келса-келмаса ортидан сургудек бўлиб катта йўлга чиқариб қўяётган устозларни, ота-оналарни айблайман.

Менингча, адабиёт майдонига гуррос-гуррос кириб келинмайди, аксинча, юзлаб ҳаваскорлар ичидан вақт синовидан ўтиб бир-иккита бутун қаламкаш қолса ҳам, бу — яхши кўрсаткич. Ҳинд адиби Тагорнинг фикрича, адабиётнинг зиммасига биргина масъулият юкланган, яъни: "Адабиётнинг вазифаси ичкини ташқига, бугунгини абадийга айлантиришдир". Шундай экан, бу вазифани унча-мунча ижодкор ўз юрагидан ўткази олмайди — бу оғир иш. Айниқса, юз иссиқлигидан шоир шоирни, ёзувчи ёзувчини, адабиётшунос адабиётшуносни танқид қилолмай қолган бир даврда Тагор айтган масъулиятни ҳис қилиш янада мушкул.

Жилд-жилд асарлар босмахонадан чиқмасданоқ қўша-қўша тақризлар ёзилади. Шеърлий китоблар реклама қилинади. Бундай шаблон тақризлар эса, китобдан кўра муаллифнинг шаънига йўналтирилади. Мана сизга ёзиладиган тақризларнинг аксарият кўриниши: "Таниқли шоир (ёки ёзувчи) кейинги йилларда бирмунча самарали ижод қилмоқда. Унинг сўнгги йилларда чоп этилган фалон-фалон асарларидан ўқувчилар яхши хабардор. Муаллифнинг мазкур китобидан шу-шу мавзулар ҳаётий образлар орқали яхши очиб берилган. Унинг китобдан китобга ўсиб бораётгани шундоққина кўриниб турибди", деганга ўхшаш гаплар. Тақриз охирида посангини тўғрилашга уриниб, китобда жузъий ва имловий хатолар ҳам йўқ эмас, қабилда яқунланади.

Бутун дунёда адабиёт зиёлилари, интеллект томонидан асрларни забт этиши керак бўлган адабиёт соф адабиётдир, деган хулосага келаётган бир даврда саргузаштнамо, инсон руҳиятини мутлақо тадқиқ этмайдиган, енгил хулосали, тоши тарози босмайдиган асарларни кўкка кўтаравериш қувонарли ҳол эмас, албатта.

Аслида, муайян бир шеърлий ёки насрий китобни қўлга олиб, юқоридаги фикрларни тўлалигича шу китоб таҳлилига йўналтириш ҳам мумкин эди. Аммо ҳозир бир асарни яхши ёки ёмонга чиқарган билан мўлжалга етиб бўлмайди. Чунки, бугун ҳар ким ўз ҳолича, ўз билганича ёзиб, кечиктирмай китоб чиқариб ётибди. Бир китоб ҳақида гапирсангиз, бу гаплар бошқа бир китоб муаллифининг парвоига ҳам келмайди. Авваллари бир ҳаваскор ҳикоя ёзса, кўнглидан биринчи навбатда "Абдулла Қаҳҳор нима деркин?", деган ҳадик ўтган. Шоирлар ҳам шундай. Бу эса, чинакам сўз ва ижод масъулияти эди. Бу — сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиб берувчи ғалвир эди. Менинг назаримда, бугун ана шу ғалвир эланмай қўйди, ёки ғалвирнинг кўзлари мағзи тўқ-у пучни ўтказиб юборадиган даражада катталашиб кетган.





Иброҳим ЖҶРА АЗИЗ ўғли

# ҚАЛБИ ТИРИКЛАР

## Ф. Достоевскийнинг "Хўрланганлар ва ҳақоратланганлар" романини ўқиб

Дунёдаги жамики ёзувчилар ва шоирлар инсоннинг кўпроқ ақлига эмас, қалбига мурожаат қиладилар. Кимлар қалбнинг энг гўзал гўшаларига, энг гўзал ҳиссиётларига назар ташласа, кимлар қалбнинг энг тубан пучмоқларидаги чиркинликларни қаламга олади. Аммо мақсадлари битта — қалбнинг ўлишига йўл қўймаслик, руҳни поклаш, парвозга чорлаш. Қалбнинг ўлими туфайли юз берадиган инсоний ва умуминсоний фожеаларнинг олдини олиш. Қолаверса одамзод қалбига орзулар, умидлар, ёруғ хаёллар бахш этиш.

Адиблар инсон руҳиятини, табиатини файласуфона тадқиқ қиладиларми (Шекспир, Ч. Айтматов, А. Қодирий), аччиқ қулги ва юмор билан очиб берадиларми (А. Несин, Саид Аҳмад), ғайритабиий саргузашту ғаройиботлар замирига яшириб тасвирлайдиларми (Сервантес, Рабле, Жюль Верн, Х. Тўхтабоев) ёки одамзодни тарихий воқеалар, бурилишлар ичидан олиб ўтадиларми (В. Ян, П. Қодиров, О. Ёқубов) алалоқибат инсоннинг муқаррам зот эканлигини, севиш ва севилишга муносиблигини, бир-бирига қиладиган эзгуликларига уни поклашини таъкидлайдилар.

Аммо инсоннинг инсон томонидан эзилиши, хўрланиши, алданиши, ҳақоратланиши ҳам адабиётнинг асосий мавзуларидан ҳисобланадики, бундай асарлар юқорида эслатганимиз қалб ўлимидан огоҳлантиришдир. Ана шу нуқтаи назардан Достоевский бу мавзуда қалам тебратган дунё адибларининг буюги ҳисобланади. Қаҳрамонлари жамиятнинг энг қуйи табақаси вакиллари бўлган, ҳар саҳифаси изтироблар, азоблар, кўз ёшлар, фиғонларга тўла бўлган Достоевский асарлари нега икки аср давомида ўқувчилар қўлидан тушмади, нега дунё адабиёти дурдоналари қаторида туради? Достоевский одамларга нима демоқчи эди-ю, нега одамлар ҳамон унинг гапларига интиқ? Интиқми ўзи,

бугун уни тинглашадими? Бу саволларга жавоб топиш учун "Хўрланганлар ва ҳақоратланганлар"ни варақлаймиз.

### Добролюбовнинг фикрига қўшилмайман

"Хўрланганлар ва ҳақоратланганлар" Достоевскийнинг сўнгги асари. Аммо роман нашр қилинган пайтда китобхонлар ўртасида дарров шухрат қозона олмади. Чунки рус адабиёти осмонида Толстой, Тургенев каби бир қанча янги юлдузлар пайдо бўла бошлаган эди. Шундай қилиб Достоевскийнинг сўнгги асари ўз мавқиега эришмадими, деган савол туғилади. Йўқ, маълум вақт ўтгач, "Хўрланганлар ва ҳақоратланганлар" адабиёт ихлосмандларининг сеvimли китобига айланди ва китобхонларнинг қўлидан анча вақтгача тушмади. Бунинг бош сабабларидан бири, балки, мураккаб характерли асар қаҳрамонларининг бир-бирига бўлган ғайритабиий муҳаббатидир.

Муҳаббат — бу адабиётнинг азалий ва абадий мавзуларидан. Достоевский пок, таъмасиз, самимий муҳаббатнинг кимлар учундир ғайритабиий гўзалликларини ҳам маҳорат билан очиб беради. Умунан, эътибор бериб қарасангиз, Достоевскийнинг ушбу асаридаги барча қаҳрамонлари бир-бирларига меҳр-муҳаббат иплари билан боғланган. Биргина, худбин княз Валковскийнинг 9 ёшли ўғли Алёшани олайлик, унинг қалби — ўзи сингари жуда беғубор. У илк муҳаббати Наташани бутун борлиги билан севади. У гўё муҳаббат учун дунёга келгандай. Аммо Алёша ҳали ҳаётнинг гадир-будур йўллари ҳақида умунан тасаввурга эга эмас. Сабаби — у отасининг сояи давлатида вояга етган, ўзи ҳаракат қилиб, мустақил ҳаёт кечириб кўрмаган. Наташа эса ўртаҳол оиладан чиққан, у ҳаёт ташвишлардан,



қийинчиликлардан, турли тўсиқлардан иборат эканлигини яхши тушунади ва ана шуларни англаган ҳолда тошбағир князнинг оққўнгил ўғли Алёшага кўнгил кўяди. Алёша яхшилик билан ёмонликнинг фарқини билмайдиган, беғубор, уятчан ва кўнгли бўш ошиқ. У Наташани хафа қилиб қўйган кунлари, қизнинг олдига келиб пойини ўпади, қаршисидаги беғубор, самимий, соф қалб соҳибасини ранжитгани учун ўзини дунёдаги энг ярамас, бемехр одам деб ҳисоблайди. У муҳаббат учун ўзини ҳар қандай жазога ҳукм эта олади. Алёша характерининг энг нозик томони — у жуда соддадил. Унинг юмшоқ кўнглига фақат севги билан кира олиш мумкин.

Алёшанинг қалби яна бир дилбар, Наташа каби пок фазилатлар эгаси бўлмиш Катя исмли қиз билан ҳам маҳв этилади. Энди Алёша Катянинг олдига ҳам тез-тез бориб турадиган бўлиб қолади ва қайтиб келгач, беътибор қолдириб кетган Наташаси олдида тиз чўкиб, кечеришини сўрайди, унинг олдида гуноҳкор эканлигини тан олиб, дув-дув ёш тўкади. Эртасига беихтиёр яна Катянинг олдига йўл олади. Нега у Катянинг олдига тез-тез борадиган бўлиб қолди деган савол туғилади. Катя ёлғиз қолган Наташани ўйлаб, қайгуради, Алёшани койийди. Катя ўзганинг муҳаббати беътибор қолишини истамадими, демак, унинг ҳам қалби Наташаники каби тоза. Буни тушунган Алёша энди Катяни ҳам Наташани севгани каби севиб қолади. Бунга Добролюбов қуйдагича баҳо берган: "Алёша... саёқлик йўлига ўтиб олган, шарм-ҳаёси йўқ, хулқ-атвори бузуқ, у қилиб юрган ишларидан сира уялмайди, аксинча бу қабиҳ ишларини дарҳол ўзи айтиб беради — биламан, бундай қилиш ярамайди, — дейди-ю, яна ўша қабиҳ ишни қилаверади". Алёшанинг Наташани севиб қолганлиги — хулқ-атвори бузуқлиги? Ёки ўзи билмаган ҳолда Катяга кўнгил қўйганими? Наҳотки Катя билан суҳбатлашиш қабиҳ иш бўлса? Ўз даврининг жўшқин ва талабчан танқидчиси Добролюбов Алёшани қилаётган ишларидан уялмайди, дейди. Ахир, Алёша қаттиқ уялгандан Наташанинг олдига Иван Петровични бошлаб келади. Ҳолбуки, Иван Петрович бўлмаса ҳам Наташа бечора ошиқни авф этади. Алёша жуда ёш, шунинг учун у юрагидаги қайси бир ишқ кучли, ҳақиқий эканлигини англамайди. Добролюбов "Ҳолбуки, у 21 ёшга кирган, Петербург киборлар жамиятида тарбия олган ва бу жамиятда баъзи нарсаларни кўриб кўзи қотган ва бунинг устига у княз Валковский каби отанинг ўғли бўлган бир кишидир", — дея эътироз билдиради. Бизнингча, Добролюбовнинг бу эътирози ноўрин. Чунки Достоевский Алёшанинг Петербургдаги ҳаёти ҳақида ҳеч нима демаган. Лекин шуниси аниқки, княз ўғлига умуман эътибор қилмаган, бирор марта ота-ўғил сифатида юракдан суҳбат қурмаган ва унга мудом қўпол муносабатда бўлган. Бунинг сабабини ҳозир биласиз — княз ўғлини ўзига қаратмоқ



учун "меҳрибон ота" ниқобини кияди ва Наташага ўғлининг унга уйланишига рози эканлигини айтади. Наташа князнинг асл ниятини билгач, кўп ўтмай Алёшанинг олдида князни шарманда қилиб, асл мақсади нима эканини очиб ташлайди. Княз мўмин-қобил бўлиб, эртасига Наташани ўғлига мақтайди. Алёша отасининг меҳрибонликларини кўриб, биринчи муҳаббатига хиёнат қилади. У қабиҳ отасининг бундай "буюк" фазилатлари ҳам бор эканлигини кўриб лол қолади. Энди Алёша Наташага бўлган севгисидан воз кечгандек бўлади. "Наташа мени қаттиқ севгани билан рашки зўр, аммо унинг муҳаббатида худбинлик кўп, чунки у мен учун ҳеч қурбонлик бергиси келмайди". Хўш, Наташа Алёшани у таърифлагандек севармиди?

Авваламбор, Наташа шахсиятига назар солайлик. Наташа — жиддий, самимий, одобли ва енгил туйғулардан холи бир қиз. У соф муҳаббатни жуда қадрлайди ва керак бўлса бунинг учун жонини ҳам аямайди. У Алёшада ана шундай ишқ бор эканлигини кўради ҳамда ота-онаси, уй-жойидан воз кечиб, муҳаббатнинг номаълум манзили томон йўл солади. Бор-йўғидан воз кечиб, ишқ йўлига кирувчи қаҳрамонлар дунё адабиётида талайгина. Масалан, А. Қодирийнинг "Меҳробдан чаён" романидаги Анвар билан Раънонинг ёхуд Ч. Айтматовнинг "Жамила" қиссасидаги Дониёр билан Жамиланинг қисмати шу алфозда кечган. Номаълум қисматнинг қўйнига шўнғимоққа ҳар иккала қаҳрамон ҳам, яъни ошиқ ҳам, маъшук ҳам рози бўлишган. Ахир севишганларнинг бириси рози бўлса-ю, бошқаси истамаса бундай жасорат кўрсатилмайдикун! Шунга қарамай, Добролюбов "бир қизни ота-онаси бағридан тортиб олган Алёша"ни қаттиқ қоралайди.

Дарҳақиқат, Наташа нега ўз севгилисини бегона қизга ҳеч қандай қаршиликларсиз топшириб қўя қолди? Зеро, Наташа Алёшани севардику?! Лекин севгиси қай даражада эди — ана шуниси муҳим. Наташанинг қуйидаги гапларига қаранг: "мен уни тенгим каби севамаган эканман...", "... мен уни худди шунинг учун севардимки, у негадир ҳамиша менга аянчли кўринарди, унга раҳмим келарди". Демак, Наташа Алёшани чин ошиқлар орасида бўладиган муҳаббат билан севабди, ҳали олдинда нелар бўлишидан беҳабар Алёшанинг ҳолига ачиниб, унга раҳми келганидан кўнгил қўйибди-да? Нега бўлмаса у Алёша учун ҳамма нарсдан воз кечди? Ахир бундай жасорат фақат ҳақиқий — қудратли ишқнинг қўлидан келади-ку! Бошида Наташада ҳам шундай ишқ бўлган, аммо бора-бора бечора қиз ўз ҳис-туйғуларининг алданиб қолганини, орзу-ҳавасларининг саробга айланаётганини, Алёшанинг ўзи ҳам, ақли ҳам, қалби ҳам ҳали анча гўр эканлигини тушуниб этади. Наташа уни ташлаб кетиши мумкин эди, ҳатто бу ҳақда Иван Петровичга ҳам айтган. Аммо Наташа содда, софдил Алёшанинг ғайриоддий муҳаббатига хиёнат қилишни





ўзига раво кўрмади. Наташа Алёша билан айрилишар экан, унинг янги қайлиги Катя билан учрашди. Бу учрашув ғайритабиий, янги бир муҳаббатни кашф этади. Катя билан Наташа бир-бирларини чин дилдан яхши кўришиб қолади. Катя ана шундай муҳаббатнинг қурбон бўлаётганидан афсусланиб (яъни Наташанинг муҳаббати), Наташа эса бир умрга ўрганган Алёшасининг энди қайтиб келмаслигидан нидо қилиб, бир-бирларининг бағирларига бош қўйиб, тўйиб-тўйиб йиғлашади. Алёша билан Катя "борса келмас" томонга йўл олишади. Юраги адоий тамом бўлган Наташа эса йиғлаб-йиғлаб қолади. Унинг қалбида яна буюк муҳаббат уйғонгандай бўлади. Мен Наташани Ч. Айтматовнинг "Жамила" қиссасидаги бегубор қалбли, мурғак Сеитга ўхшатаман. Сеит худди Наташа Алёшани севганидек ўз келинойисини севиб қолади. Наташа Алёшани рашк қилганидек, Сеит ҳам келинойиси Жамилани қаттиқ рашк қилади. Сеит келинойисини бегона йигит билан қаергадир — олис-олисларга қочиб кетишаётганини кўргач, уларнинг ордидан қувади, ўзи ҳали ёшлик қиладиган муҳаббатга исён қилади, зор қақшаб кўз ёшларини тўқади. Худди шу айрилиқ азоби Наташанинг бошидан кечади. Сеит ҳам Наташа каби севиб қолган одами ўзига тенг эмаслигини яхши тушунади. Кўриниб турибдики, Наташа — мураккаб қаҳрамон, шу билан бирга, айтиш мумкин, у — буюк қалб соҳибаси. Бундай қалб дунёда камдан кам одамда бўлса керак.

### Мақсадсиз одам

Асар қаҳрамонларининг бегубор ва изтиробли муҳаббатларига батафсил тўхталганлигининг сабаби — асарнинг ягона салбий қаҳрамони княз Валковскийнинг қанчалик соф ва бегубор ишқни оёқ ости қилганини кўрсатишдир. Зотан княз нафақат бировлар, балки ўз ўғлининг ҳам ҳис-туғуларини шафқатсизларча поймол қилади. У фақат ўзигагина тегишли бўлмаган барча воқеаларга безъғибор, уни бу нарсалар қизиқтирмайди, ҳатто ўғлининг бахти, келажаги ҳам. "Алёша билан Катя бир-бирига жуда ҳам муносиб, иккаласи ҳам ўтакетган лақма, менга шуниси керак. Мана шунинг учун иккаласининг турмуш қуришини мен астойдил истаيمان ва бу қанча тез бўлса шунча яхши", — дейди княз. Гувоҳи бўлганингиздек княз Валковский пул, мол-дунё деб ўз ўғлидан ҳам воз кечмоқда. Агар керак бўлса, фалон пул тўлаймиз, дейишса, у эртага ота-онасини ҳам ўлдириб келаверади, худди манқуртдек. Манқуртлар ўз хўжайини берган буйруққа сўзсиз итоат қилишади. Манқуртсифат княз ҳам моддий манфаат, пул йўлида барча ёвуз ишларга қодирдир, десак тўғри бўлади. Валковский бу ҳақда шундай дейди: "Мен битта қоидага риоя қиламан у ҳам бўлса "ўзингни бил, ўзгани кўй". Ҳаёт — савдо-сотик битими, пулни ҳавога совурманг, аммо хизмат учун тўлайсиз".

Княздаги ваҳшийлик даражасига етган очкўзлик унинг юрагидаги барча эзгу ҳис-туғуларни ҳам ютиб юборгандек гўё! У на севади, на ҳис қилади, унда инсоний фазилатлардан асар ҳам йўқ. Қизиқарлиси — у ҳеч нарса билан шуғулланмайди, унинг бу ҳаётда маълум мақсади ҳам йўқ. Буни князнинг ўзи ҳам тан олади: "Менда юксак мақсад йўқ, бўлишини истамайман ҳам. Уларга ҳеч қачон муҳтожлик ҳам сезмаганман. Дунёда гоёсиз ҳам шу қадар шод, шу қадар соз яшаш мумкин...".

Ҳолбуки, К.Д.Ушинский "Ҳаётдаги мақсад инсон қадр-қиммати ва бахтининг асосидир", — деган эди. Демак, княз — қадр-қимматсиз одам. Афсус, буни ўзи билмайди, билса ҳам парвойига олмас, балки. Княз Валковскийнинг ҳаётга, муҳаббатга, дўстликка бунчалик шафқатсиз муносабати бизни лол қолдиради ҳамда биз буни сабабини ўйлаймиз. Сабаби — у киборлар орасида, бидъатлар билан тўлиб-тошган муҳитда тарбия топган. Жамият уни шу тарзда вояга етказган. У шу даражада худбин, пасткаш шахс бўлиб шаклланганки, ҳатто ўзи қўйнида катта бўлган жамиятга истаган пайтида хиёнат қила олишини мақтанчоқлик билан тилга олади: "... мен пуч жамиятда яшаётганимни кўриб турибман. Аммо унинг қўйни иссиқ ва мен унга ҳайбаракалчалик қиламан, уни қаттиқ ҳимоя қиламан, башарти қулай пайт келиб қолса мен уни биринчи бўлиб тарк этаман".

Умуман олиб қараганда, княз XIX аср рус бойларининг барча қусурларини ўзида акс эттирган умумлашма образдир. Шу билан бирга, княз Валковский ўз замонасининг қаҳрамони ҳамдир. Унинг характеридаги бир қанча жиҳатлар, замона қаҳрамонлари бўлмиш Евгений Онегин ва Печорин табиатига мос келади. Онегин билан Печорин худди Валковский каби барча нарсаларга безъғибор, улар ҳам муҳаббатга, дўстликка ишонишмайди. Аммо Онегин ва Печорин пул дардига мубтало эмас. Дарҳақиқат, яна бир баҳсталаб жиҳат шундаки, Достоевский Валковскийни жуда ёвуз қилиб тасвир этган. Бу борада мен Добролюбов фикрига ("меҳр қўйиб тасвирлаган" деган аччиқ киноясини истисно қилган ҳолда) қўшиламан. У князнинг характери ҳақида шундай дейди: "... агар сиз бу характернинг тасвирига синчиклаб қарасангиз, унда меҳр қўйиб тасвирланган нуқул расвогарчиликни, ёвузлик ва ҳаёсизлик хислатларининг йиғиндисини кўрасиз-у, аммо унда одам қиёфасини кўрмайсиз". Дунёда фақат ёмон одам йўқ, шунинг билан бирга фақат яхши одам ҳам бўлмайди. Менимча, ҳар бир ёмон, ҳар бир разил қиёфада ҳам заррадек бўлса-да инсонийлик бор. Масалан, замона қаҳрамонлари Онегин, Печорин қалбида чин муҳаббат, чин дўстлик йўқ, бироқ биз уларнинг табиатида севгига ҳам, дўстликка ҳам ижобий муносабат борлигини кўришимиз мумкин. Лекин Достоевский гарчи ёвуз қилиб бўлса-да, князнинг асл башарасини, ички дунёсини Иван Петрович билан бўлган учрашувда моҳирона қизиб беради. Иван Петрович княздек айёр бир мунофиқнинг нафс илинжида ташлаган тўрига бечора Наташанинг ҳам илинажагини ва бегуноҳдан-бегуноҳ кераксиз бир ўлжага айланиб қолажагини тушуниб этади. Унинг Наташага юраги ачишади. Зеро, Иван Петрович ҳам Наташани жону дилидан севар эди. Асар бошиданок бизга маълумки, Наташа ва Иван Петрович бир-бирларини яхши кўришгани учун тўй қилиш арафасида туришади, бироқ Иван Петрович тузукроқ маош оладиган бўлгунча бир йил сабр қилмоқчи бўлишади. Шу орада икки севишган орасида Алёша пайдо бўлади ва Наташанинг қалбини ром этади. Иван Петрович эса ўзи ва Наташа ўртасидаги муҳаббатнинг бегона қўлларда қай куйга тушганига асар давомида гувоҳ бўлади. Лекин ҳикоя қилиб берувчи — Иван Петровичнинг ҳазон бўлган севгисини кузатиб туриб, кўнглида қандай ҳис-туғулар кечганлиги ҳақида тўхталмайди. Шу сабабли бу қалбда муҳаббат, гурур, рашк, қайғу каби туйғулар



борми, йўқми, деган ҳақли савол туғилиши табиий. Асарда асосий хўрланган ва ҳақоратланган қаҳрамонлардан бири саналмиш Иван Петрович билан қария Смитнинг невараси Нелли учрашгач, аниқроғи Иван Петрович Неллини номаълум ва кўрқинчли кўллардан асраб қолгач, асар воқеалари янада авж олади.

### Хўрланганлар

Менинг назаримда асар бош қаҳрамони — Нелли. Добролюбов наздида эса бошқачароқ. У роман ҳақида қисқача маълумот бериб ўтар экан, жумладан шундай дейди: "Романнинг қаҳрамони — князь Валковский". Асар бош қаҳрамони — Нелли деган хулосага келишимга сабаб — хўрланган ва таҳқирланганлар Неллининг онаси ва бобоси. Энди унинг ўзи ана шу қисматни давом эттирмакда эди, аммо у яхши кишилар паноҳига ўтди. Балки унинг ота-боболари ҳам хўрлангандир. Хуллас, ана шу доимийлик яшаб келаётган эди, бу анъанавийлик катта бурилишга учради. Умуман, Неллининг табиати исёнкор, дили пок, унинг беғубор юраги муҳаббатга ташна. У дунёдаги ҳеч бир ота-она ўз фарзандини урушмасин, сўкмасин, "оқ" қилмасин дейди. Унинг юраги фақат ана шу сўзларни такрорлаб уриб туради. Шунинг учун ҳам ўз қизи Наташани "оқ" қилган Николай Сергеевич келиб, уни қиз қилиб, боқиб оламан деганда, Нелли кўрқиб кетади. Ҳайиқишининг асосий сабабларидан бири унинг онаси ҳам бобоси томонидан "оқ" қилинган эди ва Нелли "оқ" қилинган онасининг ҳар кунги, одатий ўй-хаёлларини, дардларини, ҳис-туйғуларини жуда яхши билади. Шунга қарамай, у бечора чол-у кампирга раҳми келиб ва Иван Петровичнинг қистови билан Наташаларни боради. У ўз бошидан ўтганларини ва "оқ" қилинган онасининг чеккан азоб-уқубатларини бир бошдан гапириб беради. Онаси ўлгач, қаттиққўл, баджаҳил, совуқ феълли бобосининг қандай аҳволга тушганини эслаб шундай дейди: "Шунда мен онамнинг жасади олдига келдим ва бувамнинг кўлидан ушлаб: "Мана бағритош, золим одам, мана, энди кўр!.. Кўр буни!" деб бақирдим. Шунда бувам додлаб юборди ва ўлиқдай полга йиқилди...". Менинг фикримча романнинг айнан ана шу воқеалари асарнинг кулминацион нуқтаси бўлса керак. Чунки бу ҳикоя тугаши билан қизини "оқ" қилган Николай Сергеевич кўкрагидан аламли фиғон отилиб чиқади. Улар худди Неллининг оғзидан ўз ҳаётларини эшитгандек бўлишади ва охирида ҳикоянинг қутилмаган — даҳшатли тарзда якун топиши бечора чол вужудидаги барча ҳасратлар, хўрликлар, аламлар ва уларга қоришиб муҳаббат, гурур, изтироблар вулқон оғзидан лава отилиб чиққандек, чол юрагидан қудратли нидо бўлиб отилиб чиқади. Бу нидонинг қайноқ тафтида абадий "оқ" қилдим, деган ўйлар куйиб, йўқ бўлади.

Достоевский бутун асар давомида гўзал бадиий тасвир бўёғини йўқотмайди. У инсон руҳиятининг туб-тубидаги кечинмаларни ҳам жуда гўзал тарзда чизиб беради. Қаҳрамонларнинг ўз туйғуларига қилган исёнига бир мурғак қизнинг ҳикояси туртки бўлди. Мана шу кичгина қиз гафлат пардалари билан қопланган кўзларга нур берди, сўқир кўзларни очиб юборди. Аммо кўп ўтмай етим қизча Нелли меҳрибон, ғамхўр Николай Сергеевич хонадонидида ҳаётдан кўз юмади. Адиб гўё бундай фақирларнинг пешонасига хўрланиш ва ҳақоратланиш

битилган, уларнинг бошқачароқ ҳаёт кечириши мумкин ҳам эмас, демоқчидай бўлади. Яна эътиборли томони — асар муқаддимасида ҳам, хотимасида ҳам қашшоқлик байроғини кўтариб, Неллининг бобоси намоеън бўлади.

Достоевский нима демоқчи?

Шу ўринда бир савол туғилиши табиий — ҳозирги ёшлар, бугунги кун китобхони, яъни Ч. Айтматов, А. Камю, П. Коэло сингари ҳозирги замон ёзувчиларининг асарларини ўқиб юрган ўқувчи Достоевскийнинг ушбу асарини қандай қабул қилади? Менимча, ҳозирги китобхон аҳлига айниқса, ёшларга бу асар сингмайди, улар буни ҳазм қила олмайди. Чунки, бугунги кунга келиб, компьютер, интернет, телевизор, уяли телефон каби "қуруллар" ёшлар қалбини ишғол қиляпти. Уларнинг қалбидан меҳр-муҳаббат, шафқат, ҳурмат, ачиниш ҳислари супуриб ташланмоқда. Уларга бирор ахборот керак бўлса, ёхуд бирор нарса тўғрисида тасаввурга эга бўлмоқчи бўлсалар, энди китоб титишмайди, изланишмайди, устозларидан сўраб ўрганишмайди. Аксинча, тайёр маълумотлардан фойдаланишади. Бундай ақлий танбаллик, улар китоб ўқиганда ҳам кўриниб туради — яъни улар фақат асардаги воқеаларни, қаҳрамонларнинг номларини эслаб қолишади. Асардаги маҳорат билан ифодаланган бадиий тасвирлар, қаҳрамонларнинг ўзига хос характери, ота-она ва фарзанд ёки қадрдон дўстлар, дугоналар, ё бўлмаса бир-бирига кўнгил кўйган ошиқлар орасидаги нозик муносабатлар, уларнинг бетакрор ва гўзал муҳаббатлари акс эттирилган сержило тасвирларга қизиқишмайди. Ҳолбуки, адабиётнинг айнан ана шу жиҳатлари инсонни -инсон қилиб тарбиялайди. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, дунё адабиётидаги ҳозиргача ёзилган барча асарлар фақат воқеликдангина иборат бўлганида, бугунги кунга келиб "адабиёт" деган сўз ҳофизамиздан ўчиб кетган бўлар эдими, Худо билади! Масалан, "Алпомиш" достонида Алпомишнинг Барчинойга етишиши ҳеч қандай бадиий ифодалар ва ортиқча саргузаштларсиз ёзилганда, бу асарни ким ўқир эди! Яна шуниси ҳам борки, деярли ҳамма асарларда бир хил мавзу. Бундай кузатиб қарасанг, бир қаҳрамоннинг дилида орзу туғилади ва шу орзуга қараб интилади, алахусус бу қаҳрамон ўз орзусига эришиши билан асар якунланади. Лекин бу орзунинг туғилиши, масалан Фарҳоднинг ойнаи жаҳоннамода Ширинни кўриб қолиши, унинг васлига эришмоқ учун турли саргузаштларни, азоб-уқубатларни бошидан ўтказиши, юнон кўшинлари билан жанг қилгани, девсифат Аҳриман билан олишгани, тоғни талқон қилиб сув очгани, ҳийлакор Хусравнинг макрларига дучор бўлиши -буларнинг барча-барчаси жуда ажойиб ва мароқли тасвир этилган. Адабиётнинг қудратли кучи ана шунда намоеън бўлади, ана шу саргузаштлар қалбни тарбиялайди. Албатта, "Фарҳод ва Ширин"да эмас-у, бошқа кўплаб асарларда қаҳрамонлар ўз орзуларига эришадилар. Турли қийинчиликларни, ажойиботларни бошидан кечирган қаҳрамонлар ўз бахтини топадилар. Бу эса асар охирида икки-уч жумла билан ёзиб қўйилади. Бу жумлалар — ҳиссиз ва мазмунсиз. Ахир муаллиф бир оғиз гапни асарнинг ўрнига ёзиб қўйса бўлар эди-ку! Модомики шундай экан, ана шу саргузаштларни бошидан кечириши, тўсиқларни маҳв этиши бизга гайритабиий умид бағишлайди. Айниқса, Шарқда — бизда

қарийб барча асарлар эзгулик билан, қахрамоннинг орзусига эришиши билан яқунланади. Бу ўқувчига барча нарсаларга эришиш мумкинлигини ўргатади, инсонда буюк интилиш ўйғотади, одамнинг руҳиятига умид бағишлаб туради.

Хўш, Достоевский ўз асари билан бизга нима демоқчи? У бизни нимага даъват этади? Бу борада бирор бир хулосага келиш учун анчагина мулоҳазалар юритиш керак. Достоевский бизга хўрланган ва ҳақоратланган фақирларнинг ҳаётини очиб берар экан, уларни яхши ҳаёт кечиришга даъват қиладими? Йўқ, чунки ўз онаси сингари золим қўллар, шафқатсиз оёқлар остида аёвсиз хўрланаётган қизча Нелли жуда меҳрибон, яхши кишилар соясида паноҳ топади ва ана шундай кишилар орасида вафот этади. Достоевский гўё бу билан "доимо хўрликлар остида бўлгучи қашшоқлар яхши ҳаёт кечириш учун яратилмаган, улар яхши яшамоқни қанча истамасинлар, ҳар қанча уринмасинлар, бу амалга ошмайдиган ишдир. Уларнинг пешонасига абадий хўрланиш ва ҳақоратланиш битилган", — деган даҳшатли ҳукм ўқийди. Аммо бу хулоса асрнинг асосий хулосаси эмас.

### "Уларнинг ёнига борма..."

Неллининг табиатидаги галати бир жиҳат мени ўзига тортди. Нелли жабр-зулм билан тўлиб-тошган муҳит бағридан қутқариб олинди, энди у софдил, самимий, меҳрибон бир киши паноҳида, лекин у нега ҳадеб қочиб кетаверади, яширинча бориб гадоийлик қилади? Ахир у очиқкўнгил бир йигитнинг бевосита қўмаги билан ўз ҳаётини яхшилаб олиши мумкин эди-ку? Ана шу саволга жавоб бутун асар мазмунини очиб беради, Достоевскийнинг асари нима мақсадда ёзилганлигини тушунтириб беради, асосий хулосани келтириб чиқаради. Нелли бир кун онаси билан ёнида кареталари йигилиб турган, одамлар кириб чиқиб юрган, ойналари ёруғ, мусиқа садолари янграб турган бино олдида ўтиб қолишади. Шубҳасиз, бу бадавлат кишиларнинг қандайдир базми эди. Онаси буларга нафрат билан қараб, Неллига шундай дейди: "Нелли, қашшоқ бўл, бир умрга гадо бўл, лекин уларникига борма, ким сени чақирмасин, олдинга ким келмасин, сен борма... сен ҳам мана шу ерда бўлишинг, бой ва ажойиб кийимларда бўлишинг мумкин эди, аммо мен буни истамайман. Улар ёвуз, бағритош одамлар, мана сенга насиҳатим: камбағаллигингча қолавер, ишла ва гадоийлик қил...". Бу — хўрланганлар ва ҳақоратланганларнинг ғайриоддий фалсафаси моҳияти. Ф. Достоевский асарининг чин мазмуни мана шу жумлалар орасига жамулжам бўлган. Биз асар моҳиятини яхшироқ англаб етишимиз учун роман сўнгида бир сир очилади — Неллининг онаси княз Валковскийнинг қонуний хотини, бечора Нелли эса унинг ўз қизи экан! Ана шу сирнинг юзага чиқиши

билан биз Ф. Достоевскийнинг мақсадини беҳато тушунамиз. Княз Валковский — рус жамиятидаги энг разил қусурларни, камчиликларни ўзида ифодалаган худбин қиёфа, муштитар она эса — шафқатсиз равишда, ҳатто ваҳшийларча (бу сўзни ишлатишга ҳақлимиз деб ўйлайман) хўрланган ва ҳақоратланган маълум бир омманинг образидир. Демак, Ф. Достоевскийнинг княз Валковский шахсига берган таърифи жуда тўғри экан. Княз бир бегуноҳ аёли, ўз аёлини фарзанди билан бирга қашшоқликнинг шафқатсиз қонунлари амал қиладиган муҳитга улоқтириб юборади. Князда ҳақиқатан-да одамга хос қиёфа кўринмайди. "Жаноб Добролюбов! Сиз бу образда нега одам қиёфаси йўқ, деган эдингиз, мана сизнинг саволингизга жавоб!" — дегим келади. Ф. Достоевский князнинг афт-ангорини нафрат билан таърифлар экан, Россия тузумидаги аҳмоқгарчиликлар, адолатсизликлар туфайли жамият ҳам беэътибор қолганлиги ва инсоний фазилатлардан бутунлай холи бўлган худбин амалдорлар қилган ваҳшийликлар кўз ўнгимиздан бир-бир ўтаверади. Бечора қашшоқлар индамай кун кечираверади. Улар бойишни хоҳлашмайди, чунки барча бойлар — ёвуз ва бағритош. Улар гадоийчилик қилади, ҳар холда ҳалол меҳнат билан пул топишади. Улар хўрланган, бироқ ҳақиқий ИНСОНдир, уларнинг қалби ҳамиша тирик. Биз шу туфайли "ҳаёт кечирди", деб фақат уларга нисбатангина айта оламиз.

Бинобарин, бугунги кун ёшлари Ф. Достоевскийнинг бу фалсафасини уқа олмасликлари мумкин. Шу билан бирга юқоридаги жиҳатларни ҳам эътиборга олган ҳолда, Ф. Достоевскийнинг бу китоби ҳозирги кун ёшлари учун эмасдай туюлади. Аммо мен уларнинг бу асарни ўқишларини хоҳлардим, нафақат хоҳлардим, балки ўқишга чорлардим. Чунки, Ф. Достоевскийнинг мақсади, қашшоқлар, хўрланганлар ҳаётининг бундай уқубатлар ва қийинчиликлар билан тўлиб-тошгани, уларнинг пешонасига битилган қисмати эканлигини ёхуд ҳар қанча интилишмасин, улар бундай ҳаёт тарзидан ҳеч вақт қутула олмасликларини айтиш бўладими, умуман Достоевскийнинг нима дейишидан, қандай фалсафани олга суришидан қатъи назар, мен унинг бизларга катта сабоқ бераётганини тушуниб етдим. Ф. Достоевский абадий хўрланишга, таҳқирланишга маҳқум этилган кишиларнинг катта бир жарликка ўхшаш ҳаётини кўрсатиб берар экан, бизни ана шу даҳшатли ва тубсиз жарга тушиб кетишдан огоҳлантиради. Шундай экан, қалб ўлими туфайли юз берадиган инсоний ва умуминсоний фожеаларнинг олдини олиш учун Достоевскийга ўхшаган буюк ёзувчиларнинг асарларидан кўпроқ баҳраманд бўлишимиз ва қалбнинг уйғоқлиги, тириклигини сақлаб қолишга интилишимиз лозим. Токи ҳеч қачон бирорта инсоннинг тақдири ҳам, юрт келажаги ҳам княз Валковскийдек "инсон"ларнинг қўлида қолмасин!





Марҳабо УМИДОВА

## Қароғим дунёга остона асли

\* \* \*

Атиргул баргига сиққан бу кўнглим,  
Бир томчи шудринга чўкканича жим,  
Менинг хокисорим, о, менинг мунглим —  
Бу кенг дунёларга сиғмай боряпман...  
Кафтимда тақдирим йиғлаб турса ҳам,  
Гамлар ёлғизлатмай йўқлаб турса ҳам,  
Лабимда хандалар кулча-ю хуррам —  
Бу кенг дунёларга сиғмай боряпман.  
Тори йўқ ғижжакдай бенаво кўнглим,  
Мулки маломат, ҳам минг савдо кўнглим.  
Йўқлик уммонига чўкканча лим-лим,  
Бу кенг дунёларга сиғмай боряпман.  
Бир қатра ёшимга ғарқ бўлган олам,  
Кулсам кулгичимда чўмилган олам.  
Бўғзимни оловдай куйдирар алам.  
Бу кенг дунёларга сиғмай боряпман.  
Аҳли дил, аҳли ишқ йиққан дунёга,  
Телбавор эсидан оққан дунёга,  
Мендан ҳам осийлар сиққан дунёга  
Мен сиғмай боряпман, сиғмай боряпман...

\* \* \*

Нигоҳлар алданди, қарашлар телба, -  
Кўзим қароғига сиғмай қолдинг сан.  
Мен сени топгандим неча минг йилда,  
Виждон сўроғига сиғмай қолдинг сан.  
Нигоҳлар алданди — тақдир бечора,  
Энимга зоҳидлик тўнин иламан,  
Кулиб тураман-да энди, начора,  
Ўзимдан ўтганим ўзим биламан.  
Нигоҳлар алданди, ҳислар вайрона,  
Бу бошим кўрганим ҳеч зот билмади,  
Энди бизга таскин — битта баҳона,  
Тақдир юлдузимиз тўғри келмади!  
Нигоҳлар алданди — лабим титроқда,  
Кўнглимга нур бўлиб кирди бир қарор:  
Биз жиддий одаммиз, ишқ деган боғда  
Биздай бедилларга айтгин нима бор?  
Нигоҳлар алданди, имконлар ожиз,  
Энди бизда вақт мўл, тоъле зиёда,  
Бор, истиғфор айтиб оламларни кез,  
Биздан ҳам телбалар кўп бу дунёда.

\* \* \*

Дийдалар ғамбода, вале хандонман,  
Аҳли дард кўксига ишқи ҳижронман.  
Роббано бағримга жойлаган дарддан,  
Тани пораман-у дили шодонман.  
Қароғим дунёга остона асли,  
Ғариб дил карамдан нишона асли,  
Тарозу бу даҳр замона асли,  
Қадами гуноҳдан хатар инсонман.  
Танимдан руҳимни жудо этди ишқ!  
Саждага бош эгсам, садо этди ишқ.  
Изҳорни бир улғу дуо этди ишқ,  
Ҳақ деса ҳурларга ҳавас ғилмонман.  
Томирга сиғмайин тошади қоним,  
Вужудим айбини ёпади қоним.  
Кўнглимга нур бериб қўйган султоним!  
Мен ажал даштида дайди карвонман.  
Аё дил халоскор-тазарру энди,  
Бу дунё — орифга бир оғу энди,  
Хаста дил жон шифоси — якто У энди!  
Роббимдан ўзимга тухфа эҳсонман,  
Дийдалар ғамбода, вале хандонман.



## Илдизим кўкарган тупроғинг

### ВАТАН

Гўзалликда тенги йўқ осмон,  
Қушлар каби учгим келади.  
Мантункору бепоён макон  
Ўзбекистон нурга тўлади.

Ҳур ватаним сўлимдир боғи,  
Булбуллари қўшиқ бошлайди.  
Қашиқадарё, Китобим тоғи,  
Ўзбекистон гуллаб яшнайди.

Қут- барака боиси меҳнат,  
Уйлари бугдойга тўлади.  
Она юртим, сенга минг раҳмат,  
Ўзбекистон жаннат бўлади.

Азиз ватан, она юрт омон,  
Келажакнинг қуввати, жони.  
Тупроғини кўзга суртаман,  
Ўзбекистон гуллар макони.

### ҚИШЛОғИМ

Қалбимдасан мангу, кўзим қароғим,  
Қуёшимсан, ойим, юлдуз — чароғим,  
Илдизим кўкарган азиз тупроғим,  
Сен менинг Ватаним онам — қишлоғим.

Қушлар қанотида келтирар баҳор,  
Турфа хил чечаклар таратгай иффор,  
Тоғларинг боғларинг бирам мафтункор,  
Сен менинг Ватаним онам - қишлоғим.

Пахта далалари мисоли китоб,  
Деҳқоннинг меҳнати битилган хитоб,  
Ҳосил мўл, хирмон чўнг,

Кифти об — Китоб,  
Сен менинг Ватаним  
онам - қишлоғим.

Моҳичехра ХАҚБЕРДИЕВА



Бошимдан зар тилла сочади қуёш,  
Юртдошим бири кўз,  
бири менга қош,

Омон бўлсин дейман  
доим азиз бош,  
Отажоним - Кўктош, онажон - Кўктош.

Сен менинг Ватаним,  
жоним - қишлоғим.





Мафтуна МУТАЛЛИБХОНОВА,  
ўқувчи

# АЖДОДЛАРДАН МЕРОС БУ

Ўқиб-ўрганишларимиз, кузатишларимиз шуни кўрсатадики, экологик муаммолар, уларга қарши кураш қадим ўтмишда ҳам бўлган экан. Ўша давр олимлари бу масалалар билан жиддий шуғулланишган. Хусусан, Шарқ маданиятининг кўзга кўринган намоёндаларидан Жобир Ибн Хайём табиийлик ва сунъийликнинг аралашиб кетиши оғир оқибатларга олиб келиши тўғрисида куйинчаклик билан ёзган. Буюк аллома Абу Наср Фаробий оламнинг мавжудлигини узоқ давом этган жараён сифатида тадқиқ этишида, ҳозирги замон экологик билимлар тизимида шаклланган эволюцион экологияга оид тахминлар яратган. Аллома томонидан табиатдаги жараёнларни оддийдан мураккабликка қараб асослаб берилиши ҳам диққатга сазовор. Табиат муаммоларини тадқиқ қилишда қомусий билимлар соҳиби бўлган Абу Райҳон Берунийнинг хизматлари ҳам катгадир. Унинг табиатдаги даврий ўзгаришлар, моддаларнинг айланиб юриши ҳақидаги фикрлари ҳозирги замон экологиясининг ҳам марказий масалаларидан бири ҳисобланади. Беруний айрим ўта муҳим нарсалар хусусида, жумладан симобнинг инсон саломатлигига заҳарли таъсири ҳақида фикр юргизганлиги эътиборга моликдир. Буюк бобоколонимиз Амир Темур ҳам, биз фикр юртаётган масалага катта ҳисса қўшган. У томонидан амалга оширилган барча ишларда экологик омилларга кенг ўрин берилганлиги фикримиз исботидир. Фалакиёт илмининг зукколарида бўлган Мирзо Улуғбекнинг шогирди Али Қушчи ўз рисолаларида иқлимнинг инсонга таъсири тўғрисида ўз қарашларини қайд этган. Шеърийат мулкининг

султони Алишер Навоий эса ўзининг "Маҳбуб ул-қулуб" асарида инсон меҳнатининг фақат инсон учунгина эмас, балки ҳайвонот олами учун ҳам аҳамияти борлигига асосий эътиборни қаратган.

Миллий экологик қадриятларнинг мустақиллик туфайли ҳар томонлама ривожланиши, яъни, Шарқ мутафаккирлари томонидан асослаб берилган маънавий экологик мерос янги шаклланаётган экологик қадриятларнинг ривожини учун замин яратади. Бугун инсон ўз имкониятларини эркин намоён қилиши экологик муаммолар ечимини топишда назарий ва амалий нуқтаи назардан катта аҳамият касб этмоқда. Ҳолбуки, бундай имкониятлар шўролар даврида фақатгина қоғоздагина мавжуд эди. Имкониятлар асосан бир томонлама йўналтирилган бўлиб, табиатдан кўпроқ олишга қаратилганди. Оқибатда республикамизда нохуш экологик вазият келиб чиқди. Ҳозирги босқичда экологик муаммолар ечимини топишда инсон имкониятларидан тўла ва ҳар тарафлама фойдаланиш масаласи кун тартибига қўйилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ана шу талаблар асосида табиат ва инсон орасидаги номувофиқ ҳолатларни бартараф этиш мумкин бўлади. Маълумки, юртбошимиз томонидан қабул қилинган фармонларда маънавият ва маърифат масалаларига ҳар томонлама эътиборни кучайтириш лозимлиги таъкидланган. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки табиатни севиш, уни ардоқлаш, шак-шубҳасиз маънавий-маърифий даражамиз билан боғлиқ. Юксак маънавиятгина экологик софликни, барқарорликни вужудга келтиришда муҳим омил ҳисобланади.

## ОБУНАГА ШОШИЛИНГ!

*Азиз журналхон! Мана, 2008 йил ҳам поёнига етмоқда. Сизни 2009- Янги йил билан қутлашдан аввал "Ёшлик" журналига обуна бўлиш учун яна озгина фурсат қолганини эслатмоқчимиз.*

*Журналимиз сотув дўконларига чиқарилмайди, фақат обуначиларнинггина қўлига боради. Замонавий адабиёт янгиликлари, ёш, илғор ижодкорларнинг янги, сара асарлари билан мунтазам танишиб боришни хоҳласангиз, имкониятни қўлдан чиқарманг — "Ёшлик"ка обуна бўлишга улгуриг.*

*Зеро, Янги йил эшик қоқмоқда.*

*Келаётган йил қутлуғ бўлсин!*



Барот ИСРОИЛ

# МҮЙВИН ДЕГАН ЛАҒМОНЧИ



## Бир ошпаз бор

Мўйдин деган бир ошпаз бор  
Тошкент вилоятида,  
Ота мерос бу касбу кор,  
Ошпазлар кўп зотида.  
Лағмон чўзар, дамлайди ош,  
Ҳатто пиширар гапни,  
Муомала зўр, кўнглида тош,  
Чўмичдан қисар кўпни:  
Гуручдан ҳам макарондан  
Уриб қолади гўштдан.  
Пийёз сомса қилар чиндан,  
Лек чарчамас юмушдан.  
Карам сувда қайнатилар  
Маставаси — атала.  
Куруқ шўрва пиширилар,  
Номи шўрва аталар.  
Паловга гўшт ўрнига  
Тухум қўйиб беради,  
Зулук каби сездирмай  
Хўрандани сўради.  
Танбех бериб талаб қилса  
Ёй ўқидай отилар,  
Табиатинг тирриқ қилиб,  
Силлиққина қутулар.

## Зурриёдлар

Куну тундек алмашар авлод,  
Гўдак бўлиб боқиб зиёга.  
Сўнг Ер юзин яшартиб бот-бот,  
Бир-бир жўнар боқий дунёга.

Қанча яшар — шириндир шунча!  
Умри жадал дарёдек ўтар.  
Капалакдек яшолмай унча,  
Зурриёдин қолдириб кетар.

## Уйқу

Уйқуға айбни қўйиб  
Ўзимни оқлолмайман.  
Ким ухласа умр бўйи,  
Мен уни ёқламайман

Ақлни тинитар уйқу,  
Ривож қўшар ишимга,  
Ушалмаган кўп орзу  
Айланади тушимга.

Режа-орзу ушалмай,  
Чарчамайман ҳеч ишдан.  
Қўрқаман тугатолмай  
Мангу ухлаб қолишдан.

## Совуқлик

Совуқлик тушмасин орангизга ҳеч,  
Эл меҳрин оташи асло сўнмасин.  
Дўстдан ажраб, бошга тушмасин  
ўқинч,  
Ғашлик оловида кўнгил ёнмасин.

Айри тушиб қолса эл-юртидан ул,  
Ҳатто замон унга қайрилиб боқмас.  
Совиган кўнгилни илтишиш мушуқ,  
Ёмон отлиқ кимса ҳеч кимга ёқмас.

## Нэфс

Жар лабида турар мушук  
Отилишга шайланиб,  
Чирқиллайди она чумчуқ  
Боши узра айланиб.

Отилмоқчи бўлар шу чоқ  
Мушук чумчуққа тикка,  
Ўлишин билмас бироқ,  
Қулаб тубсиз жарликка.

## Меҳмон

Меҳмон келса муштдай бўлиб, учиб  
кетса қушдай бўлиб. (Ўзбек халқ  
мақоли)

Меҳмон келди, бағрим очдим,  
Бор-йўғимни тўкиб сочдим,  
Бирга едим, бирга ичдим,  
Шодлигимдан елиб, учдим,  
Бўлдим очиқ қўлли мезбон.  
Мен меҳрибон...

Дўст бўлар деб ўйлагандим,  
Мақтаб, алқаб сўйлагандим.,  
Кўшиғин ҳам куйлагандим.  
Яйрашиб тўй-тўйлагандим,  
Ошноликни қилди пинҳон.  
Ақлим ҳайрон.

Тегди инсоф, ақлимга у,  
Қадамида ғараз, қайғу,  
Хайрихоҳмас чоғи туйғу,  
Яна нени қилар орзу,  
Билмади ўз қадрин меҳмон.  
Юрагим қон.

Боқмай бору озлигимга,  
Туфлаб тузу тузлигимга,  
Писанд этмай ўзлигимга,  
Кулар ширин сўзлигимга,  
Кўнглида не сирлар пинҳон.  
Дилда гумон...

Гоҳ бермасам бер деб, қистар,  
Гоҳ уйимдан қувмоқ истар,  
Барот, унга бўлма мустар,  
Нақ халқумга етди ништар,  
Кет дейишга йўқдир имкон,  
Чунки меҳмон...



O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi,



«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati

**Jamoatchilik kengashi raisi:**

Abdulla ORIPOV

**Jamoatchilik kengashi:**

Gulruh A'ZAMOVA

Saidvafo BOBOYEV

Abulqosim MAMARASULOV

Ahmad OTABOYEV

Nurmat OTABEKOV

Minhojiddin MIRZO

Shunqor XUDOYBERDIEV

Ahmad USMONOV

**Bosh muharrir:**

Sobir O'NAR

**Bosh muharrir o'rinbosari:**

Luqmon BO'RIXON

**Mas'ul kotib:**

Akbarali MAMASOLIYEV

**Tahrir hay'ati:**

Odil YOQUBOV

Abduqayum YO'LDOSHEV

Abdusaid KO'CHIMOV

Sirojiddin SAYYID

Rustam MUSURMON

O'rozboy ABDURAHMONOV

G'affor HOTAMOV

Yoshlarning adabiy-ijtimoiy jurnali. 1982 yildan chiqa boshlagan.

© "Yoshlik" № 6 (223) 2008 y.

Ushbu son "Yoshlik" jurnali tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

**Sahifalovchi:** Saodat RUSTAMOVA

## MUNDARIJA

**IJTIMOYIY ONG, DUNYOORASH, YOSHLAR**

*Gulchehra MATKARIMOVA. Ayolni e'zozlang. .... 1*

**NAZM**

*Mirpo'lat MIRZO. Yoshligimni esga solding, qorbo'ron. .... 3*

*Vafo FAYZULLOH. Dunyo kezdim, sevdim, o'rtandim. .... 19*

**DRAMATURGIYA**

*G'afur SHERMUHAMMAD. Ta'ziyadagi to'y ..... 6*

**ZIYORAT**

*Abdusaid KO'CHIMOV. Buni hayot deydilar. .... 21*

**BIRINCHI UCHRASHUV**

*Muqaddas TAYLANOVA. Yog'dular ko'rkingizga zeb bersin. .... 26*

*Marhabo MATYUSUPOVA. O'ylaganlarim, izlaganlarim. .... 37*

*Marhabo UMIDOVA. Qarog'im dunyoga ostona asli. .... 45*

*Mohichehra HAQBERDIEVA. Ildizim ko'kargan tuprog'ing. .... 45*

**NASR**

*OTAULI. Zor. Badiya. .... 27*

**SABOO**

*Adiba UMIROVA. Umr bir sog'inchdir. .... 30*

**KELAJAK OVOZI**

*Ithom SHERALIEV. Baland-baland bulutlar. .... 32*

*Ibrohim JO'RA AZIZ o'g'li. Qalbi tiriklar. .... 40*

**MUNOSABAT**

*Nosirjon JO'RAEV. G'alvirning ko'zi nega kattalashib bormoqda. ... 38*

**SO'Z YOSHLARGA**

*Maftuna MUTALLIBXONOVA. Ajdodlardan meros bu. .... 46*

**YELPUG'ICH**

*Barot ISROIL. Mo'ydin degan lag'monchi. .... 47*

## Muqovalarimizda

*1-betda: Jizzax pedagogika instituti a'lochi talabasi Gavhar RASULOVA*

*2-betda: O'zbekiston Milliy Universiteti 90 yoshda. Yubiley tantanalari.*

*3-betda: Taniqli shoir Sa'dulla HAKIM.*

*4-betda: Mening Universitetim.*

**Manzirimiz:** Toshkent shahri, O'zbekiston ko'chasi, 16A-uy. **E-mail:** yoshlik-xatlar@rambler.ru  
**Telefon:** 227-08-23. Boshiga 09. 12. 2008 yilda ruxsat berildi. Qog'oz formati 60x84 1/8. Nashriyat hisob to bog'i 6,0. Indeks 822 ISSN 0207-9137. Jurnal 2007 yil 4 mayda Matbuot va Axborot agentligi tomonidan 0253 raqami bilan ro'yxatga olingan. Jurnaldan ko'chirib bosilganda «Yoshlik» dan olindi» deb izohlanishi shart.  
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi bosmaxonasida chop etildi. Buyurtma № 131  
**Manzil:** Toshkent. sh. Istiqlol ko'chasi, 33-uy.